

Ривожланилар буюктонли



398.1(5) 2016/133
P48 8955
Пувоетия
оҗетону

X1800c
11.17

2016/133-
8955

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ



Ривоятлар бўстонки



ТОШКЕНТ 2014

398.1(5) - Холк ривоятлари

УЎК 297

КБК 82.3(5Ў)

P48

Ривоятлар бустони / масъул муҳаррир И.С. Усмонов. - Тошкент :
"Nihol" нашриёти, 2014. - 120 б.

ISBN 978-9943-23-080-4

УЎК 297

КБК 82.3(5Ў)

P48

"Матрифат зиеси" туркумида яратилган ушбу тўпламда одоб-ахлоқ, татлим-тарбия, инсонийлик фазилятлари каби қатор мавзуларга оид адолат ва разолат, одоб-ахлоқ, донолик ва нодонлик, ҳалоллик ва ростгуилик, саҳийлик ва баҳиллик, яшиллик ва ёвузлик, меҳмондўстлик ва тамағирликка доир қатор ибратли ривоятлар жамланган.

"Ривоятлар бустони" туплами кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган бўлиб, ундаги бир-бирини такрорламайдиган, нодир, нурмаъно, ҳикматга бой ривоятлар ўқувчилар матрифатини янада бойитишга хизмат қилади.

Тўплам Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг И-2013-49 лоиҳаси доирасида амалга оширилди.

Тузувчилар:

И.С.Усмонов, Д.М.Турдиева, К.А.Шермухамедов,
Ж.Х.Нажмиддинов, Ш.Р.Жўраев, Ж.А.Каримов,
Н.К.Каримова, Н.Х.Насруллаев, Ж.Р.Алиев, А.У.Алимов,
Н.М.Тўйчиева, З.Х.Фахриддинов.


Масъул муҳаррир: Иброҳим Усмонов, тарих фанлари номзоли, доцент

Тақризчилар: Зоҳиджон Исломов, филология фанлари доктори, профессор
Саидбек Ҳасанов, филология фанлари доктори, профессор

Тошкент ислом университети Кенгашининг 2013 йил 26 декабргаги 4-сонли мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-23-080-4

© Тошкент ислом университети Исломушунослик илмий-тадқиқот маркази, 2014 йил.



МУҚАДДИМА

Шахс ва жамиятнинг маънавий камолотида панд-насихат, уғит ва ривоятлар катта аҳамият касб этади. Асрлар давомида сайқал топиб, ҳаётнинг маъно-моҳиятини акс эттирган бу каби адабий дурдоналар маънавий етук ва юксак ахлоқий фазилатларни юзага келтиришда узига хос ўрин тутади.

Шарқ адабиёти тарихига назар ташласак, унинг асосини эзгу гоғлар ва панд-насихатлардан иборат ҳикмат ва ривоятлар ташкил этишини, айнан шулар асосида ривожланиб, жило топган адабиёт неча асрлардан буён кенг китобхонлар оммасини ўзига ром этиб келаётганини кўриш мумкин. Ривоятлар мавзу жиҳатидан чекланмагани учун уларда асосан эзгу инсоний фазилатлар улуғланиб, айрим камчилик ва иллатлар қораланади, машҳур тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ воқеалар ибрат олиш маъносида ҳикоя қилинади. Ҳар бир ривоят ўз ҳикматиға эға, ҳикмат эса ҳар биримизни ён-атрофға тераи назар билан қарашға ундайди.

Омма ўқувчилар ҳукмиға тақдим этилаётган мазкур тўпламда халқимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланувчи ибратли ҳикоятлар ва ривоятлар одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, инсонийлик фазилатлари каби қатор мавзулар бўйича тасниф қилинди. Тўпламнинг асосий муқдарижасини одоб-ахлоқ, ҳалоллик ва ростгўйлик, адолат ва разолат, донолик ва нодонлик, саҳийлик ва бахиллик, яхшилик ва ёвузлик, меҳмондўстлик ва тамағирликка доир бир қатор ибратли ҳикоятлар ташкил этади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, турли давр ва муҳитда шакланган ривоятлар бугунги китобхонға тушунарли, мазмун жиҳатидан ортиқча изоҳ талаб этмайди, содда тилда баён этилиши билан ўқувчиға малоллик туғдирмайди.

Китобхонга қулай бўлиши учун тўпламда ривоятлар мавзулар бўйича ажратилган бўлиб, уларни аниқроқ ифода этиш маъносида сарлавҳаларда ўзбек халқ мақолларидан унумли фойдаланилган.

Тошкент ислом университети Исломунослик илмий-тадқиқот маркази жамоаси томонидан марҳум устозимиз Абдувоҳид Очилдиев ташаббуси асосида тайёрланган “Ривоятлар бўстони” тўплами кенг китобхонлар жамоасига мўлжалланган бўлиб, унинг таркибидаги ибратли ҳикоятлар ҳозирги давр учун бебаҳо маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлишдан ташқари кўпчиликда қизиқиш уйғотишини алоҳида эътироф этиш керак.

Азиз ўқувчи, ушбу тўплам Сизга манзур бўлади деган умидда ривоятлар ҳикмати билан ҳаёт йўлингизни чароғон этадиган маърифат зиёсини толасиз, деб ишонамиз.

*Иброҳим Усмонов,
Исломунослик илмий-тадқиқот
маркази директори*

Адолат енгади, адоват эмас

Ануширвон ўз аъёнлари билан овга чиқди. Ов қилган жойларида кийик гўштидан кабоб қилдилар. Туз йўқ экан, озроқ туз топиб келиш учун хизматкорлардан бирини яқин қишлоққа юбордилар. Ануширвон хизматчи йигитга:

– Тузни пулга сотиб ол! – деди.

У пайтлар давлатнинг қишлоқдан туз сотиб олиш одати бор эди. Қишлоқ хароб бўлмасин, деб подшоҳ шундай деди. Ануширвонга ёнидагилар:

– Озгина туз олса нима қилади? – дедилар.

Ануширвон:

– Зулм, ҳақсизлик аслида қадим замонларда жуда кам бўлган. Вақт ўтиши билан янги авлодлар озгинадан кўпайтириб, бугунги даражага келтирганлар. Билинги, подшоҳ аҳолининг боғидан бир олма узса, хизматчилари олма дарахтини иддизи билан суғурадилар. Агар подшоҳ бир фуқародан бир тухум олса, подшоҳ аскарлари халқнинг минг товугини пишириб ейдилар, – деб жавоб берди.

Бир фақир қирқ ямоқ тўни билан подшоҳ ҳузурига кириб келибди. Унинг бу иши подшоҳга ёқмаганини кўриб вазир дўқ урибди:

– Шоҳ ҳузурига яғири чиққан кийимда кириш айб эканини билмайсанми?!

– Подшоҳ ҳузурига йиртиқ кийимда кириш эмас, аксинча, бу даргоҳдан шундай чиқиб кетиш айбдир, – дебди фақир.

Подшоҳ унинг ҳозиржавоблигига таҳсин айтиб, унга бош-оёқ сарпо инъом қилибди.

Бир подшоҳ ўз аскарларини кўздан кечиран эди. Кўрдик, аскарларидан бири орик от миниб олган экан. Шоҳ ғазабланиб:

– Менинг аскарларимга лаънат бўлсин, уларга танга ва тиллаларни аямай бераман, таъминотларига аямай маблағ

сарф қиламан, улар эса аҳли оилаларини семиртириб, минадиган отларига қарамай, қоқ суяк қилиб кўядилар, – дебди.

Шунда аскар:

– Эй амир, агар ҳақиқатни айтсам, уйдаги оила аъзоларим бу отимдан ҳам ориқроқдир, – дебди.

Подшоҳ бу сўздан таъсирланиб, унга ўн миш тилла инъом қилибди ва лавозимини оширибди.

Ривоят қилинишича, аввал ўтган пайғамбарлардан бири Худога: “Менга адолатингни бир кўрсат”, – деб илтижо қилди. У: “Мана шу тоғ этагига бориб ўтир, адолатингни кўрасан”, – дебди. Пайғамбар айтилган ерга бориб, атрофга тикилиб ўтирди. Узоқда бир отлик киши кўринди. Суворий отини чоптириб келиб, тоғдан тушаётган бир чапмадан отини суғорди. Ўзи ҳам ташналигини қондирди, кийимларини ва ҳамёнларини ерга кўйиб, юз-кўлини ювди. Бироз ҳордиқ чиқаргач, кийиниб, отига миниб йўлга гушди. Аммо ҳамёнини унутиб қолдирди. Кўп ўтмай, булок ёнида бир бола пайдо бўлди. У ҳам сувдан ичди, юз-кўлини ювди. Кетаётганида ҳамёнини кўриб қолиб, уни чўнтагига солиб, ўйноқлаганича булоқдан узоқлашди. Шу пайт бир кўр киши ҳассасини дўқиллатиб келиб қолди. У ҳам пайпаслай-пайпаслай булоқни топиб, сувидан ташналигини қондириб, йўлига кетди. У ҳали кўздан йўқолмай, ҳамёнини унутиб қолдирган суворий пайдо бўлди. У шошиб келиб, булок атрофидан ҳамёнини қидирди. Топа олмагач, у ёқ-бу ёққа аланглаб, нарироқда кетаётган кўзи ожизни кўриб қолди. Уни қувиб бориб, ёқасидан олди:

– Қани, топиб олган ҳамённи бу ёққа чўз-чи!

– Нималар деяпсиз, қанақа ҳамён? Мен ҳеч қандай пул кўрганим йўқ.

– Ҳалигина шу ерда ҳамёнимни унутиб қолдирибман. Кўриб турибман, сендан бошқа ҳеч ким йўқ, демак, уни сен олгансан...– бўш келмади отлик.

Суворий аламидан ўғрилиқни бўйнига олмаган кўрни ўлдирди. Бу ҳолни кўриб турган пайғамбар Худога юз-

ланиб: “Мен гувоҳ бўлган воқеа адолатдан эмас, чунки ҳамённи бола олган эди, Сен эса бегуноҳ кўрни ўлимга ҳукм қилдинг!”

Шунда бундай жавоб келди: “Кўрганларинг бари адолатимдандир! Отлиққа ҳамёнини унуттирдим, бола келиб уни топиб олди. Чунки ҳамён боланинг ҳақи эди: отлиқ бир вақтлар боланинг отасидан бир ҳамён олтин қарз олиб, вақтида қайтармаган эди. Сўнг боланинг отаси ўлди, отлиқ ўғил бўлган ишлардан беҳабар, деб қарз олганидан тонди. Мана, адолатимга кўра бола ҳақини олди. Кўр эса бир вақтлар отлиқнинг отасини ўлдирган эди, суворий отаси қотилини ўлдириб, қасос олди ва бу ишда ҳам адолат тантана қилди”.

Саъдий Шерозий Дамашқ шаҳрида истиқомат қилаётган вақт атроф жуда нотинч, дам-бадам уруш олови алангаланиб турган пайт экан. Бир куни амир ўйга чўмган ҳолда унинг олдига келиб:

– Эй шайх! Ўзинг биласан, атроф потинч. Ногаҳон биз тарафга ҳам душман бостириб келса, нима қиламан? – дебди.

– Бунинг оқибати душман бостириб келмасидан илгари дўстларинг билан қандай муомалада бўлганингга боғлиқ! – дебди Саъдий.

– Душман ниҳоятда кучли, атрофда унинг кўли баланц келмоқда, – дебди амир.

– Эй амир, кўлинг баланц келган пайтлари кўл остингдагиларга қай даражада адолатли, кучли бўлган пайтингда эса заифларга нечоғли мурувватли бўлганинг жангда сенинг галабангни ҳал қилади, – дебди Саъдий.

Шоҳ Ғозий Ҳусайн Бойқаро тахтини эгаллаш мақсадида юз-икки юз киши билан гоҳ Хоразм, гоҳ Адоқ ерларида қаттиқ урушлар қилиб, мақсадига эришди ва тахтга чиққач, халқнинг арзу додларини эшитди. Вайроналарни обод қилди, зулмни адолат билан даф этди, ўғри ва ноқас одамларнинг жазосини берди, адолатнинг кўлини баланц қилди. Бир куни мамлакатни кезиб юрга-

нида, ногаҳон паришонҳол кампир унинг этагини маҳкам тутиб, оҳу фарёд қилиб: “Эй шарият ҳимоячиси бўлган подшоҳ, адолат билан иш тутадиган булсанг, бугун сен билан шаръан даъволашаман. Шартим шуки, бу ерда эмас, шаръий маҳкамада жавоб берасан”, – деди. Шоҳ унга: “Қонимга даъвогарлик қилсанг ҳам, шаръан жавоб беришга ҳозирман”, – деб жавоб қилди. Шу фикрга келишиб, қози хузурига йул олдилар. Икковлари ёнма-ён ўтирар эканлар, барча одамлар ҳайрат билан томоша қилишарди. Кампир арзини айтди: “Шоҳ ҳокимиятни эгаллаш учун қон тўкиб, жанг қилганда, яккагина фарзандим, боғимдаги сарви равоним, қуриган дараҳтимнинг ёлғиз меваси шу жанглarning бирида ҳалок бўлди. Жигаримни тиг билан ёриб, қонини ерга оқиздилар”. Қози: “Иккита гувох топиб келиб, сўзларингни исбот қил”, – дегач, кампир: “Икки гувох келтиришни истасанг, подшоҳнинг адолатию инсофи етарли бўлади”, – деди. Шоҳ бу талабга ҳам рози бўлди. Қози: “Адолат қонунига мувофиқ айбдор, яъни шоҳ ўлганнинг хунини тўласин ёки ўзи қатл этилсин!” – деб ҳукм чиқарди. Шоҳ: “Шарият шундай ҳукм чиқарар экан, бу ҳукм учун жоним фидо бўлсин”, – деб, бўйинини боғлаб, яна юзта олтин тангалар тўлдирилган халтачаларни ҳозирлаб, хотиржамлик билан кампирнинг қўлига ханжар тутқазди-да, унинг бир томонига олтин тўкиб, деди: “Қасос оламан десанг, бошимни эгиб турибман, мол-дунёни танласанг, олтин кумушларни ол. Уша пайтларда мен ўғлингни қасддан ўлдирмаган бўлсам ҳам, ихтиёр сенда”. Кампир ўйга ботди, диққат билан тигни кўздан кечирди-да, шоҳ оёғига йиқилди ва: “Эй лашқари юлдузлардай саноксиз бўлган шаҳаншоҳ! Болам сенга жонини қурбон қилган бўлса, мен кексанинг жони ҳам фидо бўла қолсин. Мен алам билан газабли сўзлар айтган бўлсам, сен менинг аҳволимни хароб қилмай, афв эта қол”, – деди. Кампир ўз даъвосидан кечди. Одил шоҳ ҳам уни ҳурмат-эҳтиром, олтин кумушлар билан сийлади.

Шоҳ Баҳром бир куни овга чикди. Бир кийикни учратиб, уни овламоқчи бўлганда, жонивор қочиб кетди. Шоҳ унинг орқасидан қувлай-қувлай, ниҳоят, бир қабила яшайдиган ерга келди. У қабиланинг Қабийса исмли сардори бор эди. Кийик ташналиқдан бетоқат бўлиб Қабийсанинг чодирига кириб, ҳоб тили билан ундан паноҳ истади. Қабийса унга сув берди, қорини тўйдирди. Шу топ Шоҳ Баҳром чодир эшиги ёнида Қабийсага дўқ қилиб:

– Эй фақир, менинг овим сенинг чодирингга кирди. Уни дарҳол менга топшир! – деди.

– Эй суворий, яхши йигит, мендан паноҳ истаб чодиримга кирган жониворни сенинг қўлингга топширишим мурувватдан эмасдир, – деб жавоб берди Қабийса.

Шоҳ қаттиқ сўзлаб, унга ҳужум қилиб, кийикни чиқариб беришни талаб қилди. Қабийса унинг дағдағасидан кўрқмай:

– Эй йигит, беҳуда сўзларни сўзлама, мендан паноҳ истаб чодиримга кирган бечора жониворни нечун сенинг қўлингга топширай. Қўлингдаги ўқ-ёй билан мени ўлдирсанг, ўшадагина кийикни олишинг мумкин. Агар мени ўлдирсанг, қабилам аҳли сени тирик қўймайди. Кел, ўз жонингга раҳм қилиб, бу бечора жониворни қўлга олиб, ўлдириш савдосидан кеч. Агар ҳирсинг томири гинч турмаса, эшигим ёнида боғлиқ турган гўзал ва чопқир отимни эгар-жабдуғи билан сенга берай.

Шоҳ Баҳром Қабийсанинг ҳамиятига таҳсини офарин қилди. Унинг отига илтифот қилмай, ўз саройига қайтиб кетди. Эртаси куни Қабийсани ўз саройига чорлади, унга кўп илтифотлар қилиб, эъзозлади.

Меҳри борнинг – сеҳри бор

Ҳикоя қилишларича, мажнун ҳар куни Лайлони кўргани келар, аммо гузал ундан юзини яшириб олар экан. Бир куни Лайлодан:

– Нега юзингни ундан яширасан? – деб сўрадилар.

– Ҳар кунни юзимни кўрсатаверсам, уни менга боғлаб турган сирлилик йўқолиб, муҳаббаги камайиб қолишидан кўрқаман! – деб жавоб берди Лайло.

Лаилонинг ишқида куйиб-ёниб Мажнун бўлган Қайсга бир одам таъна-дашном ёғдира бошлабди:

– Лайло одий бир қиз бўлса, қиз дегани қуриб битганими? Ундан ҳам гўзаллар бор-ку!

– Сен Лаилони менинг кўзим билан кўргин, – дебди Қайс. – Узингга ато этилмаган нарсани қайдан ҳам англай олардинг?

Мажнун Лаилонинг фақирларга таом тарқатаётгани хабарини эшитиб, дарҳол унинг кучасига борибди ва товоғини олиб навбағнинг охирига турибди. Мажнун Лаилонинг дарчаси олдига келганида Лайло уни таниб қолиб, унга таом бериш ўрнига чўмич билан товоғини уриб синдирибди. Мажнун эса ўзида йўқ хурсанд бўлиб, бахтдан сармастлигини яшира олмас эмиш. Бир чеккада овқатини еб утирган фақирлар унинг устидан кулишибди:

– Сени бекорга Мажнун дейишмас экан, севганинг сени бир коса овқатга ҳам лоийқ кўрмади. Бунинг устига товоғингни уриб синдирди, бундан ортиқ хорлик борми?

– Эй бечоралар, сенларни бу ерга қорингами стаклаб келди. Мени эса Лаилонинг ишқи чорлади. Қани айтдинг, Лайло мендан ташқари яна кимнинг товоғингни уриб синдирибди? Ҳеч кимнинг! У шу ишни билан менинг ўрним алоҳида эканини изҳор қилди. Бундан ортиқ иззат-икром борми? Йўқ, Лаилонинг ишқида Мажнун бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этмас.

Бир кунни Шайх Саифуддин Бохарзин минбардан ваъз қилаётган эди. Тингловчилардан бири унинг маърузасини бўлиб:

– Эй тириклар мўршиди! Менинг учкур тулпордек, шиддатли яшиндек, оқар сувдек, тоғ шамолидек, югурик оловдек чопқир бир эшагим бор эди. Мени хонавайрон қилиб, уни олиб қўйишди, – деди. Шайх унга:

– Сен ҳозирча, то мен сенга эшагингни кўрсатгунимча ўтира тур, – деб букўрди.

Шайхнинг пўтки жоилана бошлагач, унинг сўзларини муҳокама қила бошладилар. Ана шунда нотик:

– Бизнинг даврамизда ҳалигача ошиқ бўлмаган – муҳаббат жомидан лабига томчи ҳам тегмаган, юрагига эса муҳаббатнинг сеҳрли, мўъжиза каби учқуни етмаган киши борми? – деди.

Ийгилганлардан бири ўршидан туриб:

– Мен ҳалигача ошиқ бўлмаганман, – деди.

Шунда Сайфуддин Бохарзий унга ишора қилиб:

– Ҳой, эшагиши иўқотган киши, юганини келтир, эшагинг топилди, мана у, олиб кетавер, – дебди.

“Ишқсиз – эшак, дардсиз – кесак” нақли балки, шундан келиб чиққандир.

Шайх Шиблий кишлоқдан шаҳарга тушиб, бозордаги бир дон дўконидан бугдой сотиб олди. Уни идишга солди ва елкасига қўйиб кишлоғига қайтди.

У ўз манзилига келгач, идишни очиб қараса, бир чумоли саргардон бўлиб идишнинг у ёғидан бу ёғига югурарди, инини, ваганини изларди, ҳол тили билан ёрдам истарди.

Шайх Шиблий у чумолига раҳми келиб, тонг отгунча кўзига уйқу келмади. Эртаси куни эрталаб чумолини олиб шаҳарга тушди, бугдой сотган одамнинг дўқони ёнига келиб, митти ҳашаротни қўйиб юборди. Чумоли дўқон ёнида ўрмаллашиб юрган ўртоқларига қўшилиб ўз инига кетди. Шайх Шиблий буни кўриб:

– Бечора чумолини инидан жудо қилиб, овора, парижон қилишим мурувватдан эмасди, уни ўз ватанига келтириб қўйганим яхши бўлди, – деб кўнгли тинчиди, шодликка тўлди.

Исҳоқ Мусилий деган фозил кунлардан бир кун пулга муҳтож бўлиб, қарз олиш учун дўстининг уйига борди. Дўсти уйда иўқ, фақат канизаги бор эди.

Исҳоқ Мусилий канизакни чақириб:

– Менга бир оз пул керак булиб қолди, хожангнинг ҳамёниши олиб кел, – деди. Канизак унинг айтганини қилди. Исҳоқ Мусилий дўстининг ҳамёнидан ўн сўмни олиб, чиқиб кетди.

Бироздан кейин уйига қайтган хожасига канизак:

– Дўстингиз келиб бироз пул сўради, ҳамёнингизни олиб чиқишимни ўтинди. У кишининг кадрдон дўстингиз бўлганини билганим учун ҳамёнингизни бердим. У ўн сўм пул олиб кетди. Ҳамёнингизни сиздан берухсат берганим учун айбдорман. Лекин сиз ўзингиз доим дўстга қийин кузда ёрдам бериш керак, деганингиз учун шундай қилдим. Агар хато бўлса, кечирасиз, – деб узр айтди.

Хожаси севиниб:

– Раҳмат сенга, менинг уйда йўқлигимни билдирмабсан, чин дўстимнинг ҳожати раво бўлибди, шу қилган ишинг учун сени озод қилдим, – деб канизақдан кўп миннатдор бўлди.

Солиҳлардан бири кетаётса, қавм бир кишини гуноҳ иш қилаётгани учун сўкаётган экан. Шунда солиҳ киши сўрабди: “Агар биродарингиз чоҳга гушиб кетса, қутқарармидингиз?” “Ҳа”, – деб жавоб бердилар. “Ундай бўлса, бу биродарингизни ҳам сўкманглар”. Сўрадилар: “Сен ўздан нафратланмайсанми?” “Унинг қилган гуноҳ амалидан нафратланаман. Агар бу ишини тарк қилса, у биродаримдир”, – деди солиҳ киши.

Ишдан чарчаб, асаблари таранглашиб келган ота ўз ўглини дарвоза олдида учратди. Уғил отасини кутаётган эди...

– Дадажон, сиздан бир нарса ҳақида сўрасам майлими? – деди ўғил.

– Албатта, ўғлим, – деб жавоб берди ота.

– Дадажон, сиз бир соатда қанча пул топасиз?

Отанинг бироз жаҳли чиқиб танбөх берди:

– Катталарнинг ишига аралашиниш яхши эмас, нимага бу ҳақида сўраясан?

– Бу мен учун жуда ҳам муҳим, илтимос, айта қолинг,

бир соатда қанча пул ишлаб топасиз? – яна саволини қайтарди ўғил.

– Жудаям билгинг келаётган экан, майли, айта қолай, 20 танга, – деб жавоб берди ота.

– Афсус, етмас экан, – деди ўғил бошини эгиб. Кейин хаёлига келган фикрдан кўзлари умидга тўлиб сўради, – Отажон, менга 10 танга қарз бериб туринг...

Отанинг жаҳли чиқди:

– Агар фақат шу бўлмагур ўйинчоқларни олиш ниётида мендан пул сўраётган бўлсанг, хонангга киргинда, ётиб ухлагин. Пул топиш осонмас. Ҳар куни эртадан кечгача терга ботиб ишлаш азобини катта бўлганингда биласан!

Бола йиғлаганча хонасига кириб кетди ва эшикни ёпиб олди. Ота бир оз дам олиб, боласининг гапларини мулоҳаза қилди: “Балки ростдан ҳам унга бирор муҳим нарса сотиб олишга 10 танга керакмикин, олдин мендан пул сўрамасдику”.

Шу хаёллар билан ота секин ўғлининг олдига кирди:

– Мен сенга қаттиқ гапириб юбордим. Ишдан чарчаб келгандим, – деди. Сўнгра ўғлига 10 танга узатди.

Боланинг кўзлари чақнаб кетди. “Раҳмат, отажон!” – деб отасининг бўйнидан кучди.

Сўнгра ёстиғининг тагидан бир сиқим пул олиб, санай бошлади.

Отаси ўғлининг аслида пули борлигини кўриб, ундан астойдил хафа бўла бошлаганди, ўғли ҳамма пулни тахлаб отасига узатди ва:

– Дадажон, мен сизнинг 1 соатингизни шу 20 тангага сотиб олмоқчиман. Илтимос, эртага ишдан вақтлироқ келинг. Сиз билан бирга овқатланишни, гаплашишни жуда хоҳлайман, – деди.

Отанинг кўзлари “яроқ” этиб очилгандек бўлди. Ўзига илтижо билан тикилиб турган боласини бағрига босди.

Кечирмаган – кечирилмайди

Халқи яхшиликларидан баҳраманд бўлган бир саховатли подшоҳ бўлиб, унинг кўп йиллардан бери хизмат қилаётган садоқатли ошпази бор эди. Бир куни зиёфаат чоғида бахтсизлик юз бериб, ошпаз шоҳ учун олиб келаётган иссиқ таомни унинг бошига тўкиб юборди. Ингилганлар: “Шоҳ ҳозир уни ўлимга буюради”, деб ўйладилар. Лекин хизматкорни ғоят ғамгин ҳолда кўрган шоҳ уни озод қилиб юборди. Вазир дедик: “Сизнинг марҳаматингиз чексиз, хизматкор ўз қилмиши учун қаттиқ жазога лойиқ эди”. Шоҳ табассум билан: “Бировни хижолатчилик ҳалок қилган бўлса, уни яна бир бор ўлдириб яхши эмас-ку! Шунини учун яна жазоланга зарурат йўқ эди”, – деди.

Бир подшоҳ замонда бир жамоа гуноҳ қилдиларки, шоҳ уларни ўз олдида ўлдирмоққа буюрди. Гуноҳкорлардан бир кишини қатл этиш учун келтирдилар. У киши: “Эй амир, бизлар ўз гуноҳларимизга иқрормиз. Ҳар қанча жазо берсанг, биз бунга лойиқмиз. Аммо Худо розилиги учун мендан икки калима сўз эшит ва жавобини бергин”, – деди. Подшоҳ руҳсат бергач, гуноҳкор: “Одамлар орасида сен карамнинг, муруввагинг кенглиги билан машҳурсан. Агар сенинг ўрнинга бирорта бераҳм ва зolim подшоҳ бўлса, у бизларни нима қилар эди?” – деди. Подшоҳ: “Мен қандай ҳукм қилган бўлсам, у ҳам ушбу ишни қилар эди”, – деди. Шунда гуноҳкор киши: “Агар сен бераҳм ва бемурувват подшоҳнинг ишини қиладиган бўлсанг, сенинг шунча марҳаматли эканингдан бизга нима фойда бўлади?” – деди. Подшоҳга бу гап қаттиқ таъсир қилди ва: “Агар шу фикрни бурунги гуноҳкорлар ҳам айтганда эди, барчасини озод қилган бўлардим, энди қолганларининг гуноҳидан ўтдим”, – деди.

Ҳикоя қилишларича, бир кўни икки дўст сахро бўйлаб боришар экан, бир масала туғрисида бир-бирлари билан жанжалланиб қолишибди. Шунда бири иккин-

чисининг юзига шапалоқ тушурибди. Шапалоқ еган киши дўстига ҳеч нарса демай, қумга: “Бугун биринчи маротаба менинг дўстим юзимга шапалоқ тушурди”, – деб ёзиб қўйибди.

Улар йўлларида давом этишибди ва бир воҳага етиб келишибди. Сув ёкалаб боришаркан, икки дўст чўмилмоқчи бўлишибди. Шунда юзига шапалоқ еган бола ботқоққа ботиб, чўка бошлабди. Дўсти уни ўша захоти қутқариб қолибди. Шунда омон қолган дўст тошга катта ҳарфлар билан: “Бугун менинг энг яқин дўстим ҳаётимни сақлаб қолди”, – деб ёзиб қўйибди.

Шунда ўртоғи: “Биринчи марта шапалоқ туширганимда сен қумга ёзиб қўйган эдинг, ҳозир эса нима учун ҳалокатдан қутқариб қолганимни тошга ёзгансан?” – деб сўрабди. Шунда шапалоқ еган дўсти: “Агар бизни кимдир хафа қилса ёки қалбимизга озор берса, биз уни қумга ёзиб қўйишимиз, ҳудди шамол қумни учириб юборгандек, биз ҳам у одамни кечиримиз керак. Агар кимдир бизга яхшилик қилса, тошга ўйилган нақшдек ёзиб қўйишимиз керак-ки, уни ҳеч нима ўчира олмасин”, – деб жавоб берибди.

Фақир киши кечаси ўйга чўмиб ўтирар эди. Шу тунда ер остидан яширин йўл қазиб унинг ўйига ўғри тушди. Фақир уни сезиб турса ҳам индамади. Ўғри шу лаҳм ичидан чиқиб, уйдан ўғирлаган нарсаларни орқасига боғлаб лаҳмга кирмоқчи бўлувди, тешик торлик қилди, чунки юки жуда катта эди. Фақир ўрнидан турди-да, эшикни очиб ўғрига йўл кўрсатиб: “Юкинг катталик қияпти, лаҳм тешиги эса кичик. Эшикдан чиқиб кетавер”, – деди. Ўғри бу ҳолатдан ҳайрон бўлди, оғир юк эса елкасидан босиб турарди. Шунда бир дард, аланга жонига ўт солди-ю, ундан осмон ҳам қўйиб кетди назарида. Ранжу уят-маломат уни шарманда қилиб, бу хижолат уни хас-хашак каби ёндирди. У уввос солиб, сел каби кўз ёшларини тўқди, фақир оёғига бошини қўйди. Унинг караму лутфи дилини лол этди, фақир лутфи жисмини беҳол этди. Фақир карам қилиб, унинг кўз ёшини артди, боши-

ни тупроғдан кўтарди. Унинг дарду ахволини англаб етган уй эгаси бундан буён түгри янашни маслахат берди.

Бир ҳакимдан сўрадилар: “Дўстларингдан қайси бири сента кўпроқ ёқади? Қайси бири акангдек яқин, ҳаммасидан қайсисига муҳаббатинг баландроқ?” Ҳаким шундай жавоб берди: “Уришиб қолсам ярашадигани ва узр сўрасам кечирадигани!”

Бир киши подшоҳнинг қариндош-уруғларидан бир нечтасини ўлдириб қочиб кетди. Бир қанча вақт ўтгандан кейин қайтиб келганди, Подшоҳ таажжубланиб:

– Ажаб довурак, қўрқмас, жасоратли киши экансан, қариндошларимни ўлдириб катта гуноҳ қилсанг ҳам қаҳр-ғазабимдан қўрқмай яна ёнимга қайтиб келдинг, – деган экан, у киши таъзим билан:

– Сизнинг афв ва марҳаматингиз улуглигини яхши биламан. Гуноҳим катта бўлса ҳам, афв, марҳаматингиз ундан ҳам баланд, – деб жавоб берди. Подшоҳга унинг сўзи ҳуш келиб гуноҳини кечирди, инъом-эхсон қилди. Шунда яқин кишиларидан бири:

– Шоҳим, шундай душманни қўлга туширдингиз-у, ўч олмай, унинг сўзига алданиб озод этдингиз, бу нима қилганингиз? – деди.

– Иш сенинг ўйлаганингча эмас, ундан ўч олсам, нафсим шодланади, озод қилсам, у хурсанд бўлиб, дунёда номим яхшилик билан ёд этилади, – деб жавоб берди подшоҳ.

Қадим замонда бир вилоятнинг ҳокими олим, фозил одамни тухмат орқасидан қамоққа олди. Бир йилгача уз хузурига келтириб юз марта калтаклаб азоблади. Фурсат ўтиб, аҳвол тамом ўзгарди. Ҳалиги зolim бошлиқнинг ўрнига шу олим, фозил одам вилоят ҳокими бўлди.

Ҳамма:

– Олдинги ҳоким бу олим – ҳокимга кўп жабр, зулм қилганди, бу ҳам энди интиқом олса керак, – деб ўилади, лекин иш одамлар ўйлаганигча бўлмади. Ҳоким эскисини

Дарвеш унинг ҳамма гапларини сабр билан эшитиб, охирида:

– Гапингни тутатган бўлсанг, у муборак зотнинг қаердалигини айт, илтимос, – дея кўз ёши тўқди.

Жавобига яна ҳақоратомуз гаплар эшитди. Дарвеш бу ердан узоқлашиб, сўраб-суриштириб шайхнинг ўрмонга ўтин тергани кетганини аниқлади ва ўша томон йўл олди. Дарвеш юриб борар ва: “Қандай қилиб шундай улуғ бир зот бундай бадфеъл, тили заҳар, оғзи шалоқ аёл билан яшайпти?” – деб эзилар эди. Дарвеш шу хаёллар билан борар экан, бир пайт қараса, шайх баҳайбат бир арслонга ўтинларини ортиб, устига ўзи ҳам мишиб олиб келаётган экан. Шайх дарвешнинг кўнглидан ўтган ўй-фикрларини илғади ва деди:

– Дунёнинг ишлари шунақа. Мен шу бадфеъл хотинга сабр қилиб, тақдир юкени зиммамга олганим учун арслон менинг юкимни кўтаряпти.

Бир киши қаттиқ нонни сувга ивитиб еб ўтирган файласуфни кўриб ҳайрон қолибди:

– Қаттиқ нонни ҳам маза қилиб ейиш мумкин эканми? – дебди.

– Албатта. Мен қаттиқ нон ҳам мазали бўлиб туюлгунга қадар нафсимни тияман.

Бир кишининг ҳусну малоҳатда тенги йўк уч қизи бор экан. Обрули жойдан келган совчилар уларнинг қайси бирини танлашни билмай қолишибди. Уйлай-ўйлай масалани бир тадбир ила ҳал қиладиган бўлишибди. Қизларнинг ҳар бирига биттадан идиш бериб, бир хил оловда сув қайнатиб, биринчи бўлиб келтиришни буюришибди. Катта қизлар шошма-шошарлик қилиб “қайнадими, йўқми”, дея тез-тез идиш қопқоғини очиб қарай бошлашибди. Кенжа қиз эса сабр қилиб кутибди. Шу боис, унинг суви тез қайнабди ва келинлик либосини кийиш бахтига муяссар бўлибди.

Бир вақтлар ўрта ёшлардаги одам хотини вафот этгач ёш аёлга уйланди. Бу зотнинг ахлоқи, гўзал одати, табиатини ҳамма яхши кўрар эди. Айни замонда фикри тиник, қарашлари қатъий, илм-ирфон соҳиби эди. Жувон хожасининг феъл-атворини жуда яхши кўрар, унга кўлидан келган барча ҳурмати, илтифотини кўрсатар, хожасининг хизматларини, аёллик вазифаларини чиройли бажарарди. Ёш аёл қисқа вақт ичида кўшнилари билан танишди, кўшнилари уни, у эса кўшнилари хурмат қиларди. Аммо ўша маҳаллада ёмон феълли, ҳасадгўй хотин бор эди. У хонимнинг хожасига хурмати ва ширин турмуши ул хотиннинг рашқини келтирарди. Ёш аёл билан кўшни бўлганидан бери уни эрига нисбатан итоатсизликка ташвиқ қиларди:

– Қизим, сен жуда ёшсан, гўзалсан, шундай қари кишига турмушга чиққансан. Сен ўзинг каби чиройли, ёш эрга турмушга чиқмабсан, – деб жувонни йўлдан урарди.

Ёш хоним: “Мен хожамдан жуда мамнунман, феъли, ахлоқини севаман”, деса ҳам ёмон аёлдан қутула олмади. Охир оқибат ёмон ташвиқотлар таъсириданми, жувон “эримдан ажрашаман”, деди.

Ҳасадгўй аёл маслаҳат берди:

– Қўлингдаги қимматли ашёларингни аста-секин сот.

Ёш аёл уйидаги қимматли нарсаларини бирма-бир сотди. Ҳар куни эри оқшомда уйига келганида, бутун қимматли фалон нарсани, эртасига бундай қимматли нарсани сотдим, деяверди, ниҳоят, уйда ҳеч нарса қолмади. Аммо хушфеъл, чиройли хуқ соҳиби бўлган эр хотинига: “Жонинг соғ бўлса, янгисини олармиз”, дер эди. Хоним уйда сотиладиган ашё қолмаганидан кейин, ҳожатхонадаги ҳар куни фойдаланиладиган обдастани тошга уриб синдирди. Кечкурун эри келганида:

– Ҳожатхонадаги обдастани тошга уриб синдирдим, парча-парча қилиб ташладим, – деди.

– Ана холос! Бу нимаси! – деб хожанинг кўзларига ёш келди.

– Мен сизга ҳайронман, – деди хоним. – Уйдаги шунча қимматли нарсаларни йуқотганимда жаҳлингиз чиқмай “ўзинг соғ бўлсанг, бас”, деган эдингиз. Энди ҳожатхонадаги оддий обдаста синганида кўзингиздан ёш тўқдингиз, нега?

– Хоним, ул кўза ўттиз йилдир-ки, менинг энг маҳрам ерларимни кўради. Ҳозир янги бир кўза олиб унга маҳрам ерларимни қандай кўрсатаман? – деб жавоб берди хожа.

Ёш хотин бир онда ғафлатдан уйғонди. Шунчалар пок табиатли ва ҳалол эридан кечирим сўраб, қўлларини ўпди, оёғи остига йиқилди. “Мени афв этинг, энди сизнинг амрингиздан ҳеч чиқмайман, сизга нисбатан озгина бўлса-да итоатсизлик қилмайман”, – деб ёлборди.

Бир балиқчи ов қилар экан, жуда катта балиқ қармоғига илинди. Уни тортиб олишга балиқчининг кучи етмас эди. Балиқ қармоқни тортиб кетди. Буни кўрган бошқа балиқчилар: “Шундай балиқ илинган эди, қўлдан чиқардинг-а”, – дедилар. Балиқчи дўстларига:

– Эй дўстлар! У балиқ менинг ризқим бўлмаса, балиқнинг эса дунёдан ризқи узилмаса, нима қилай? Унинг ҳали бу дунёда ейишга овқатдан, ичишга сувдан ризқи бор экан! – деди.

Ризқсиз балиқчи балиқ тута олмайди. Ажали етмаган балиқ ҳам қармоққа илинмайди. Ҳар бир одам бу дунёда ўз ризқини ейди. Ризқи битганининг ажали келади, ўлади.

Форс мамлакатада икки дўст Чинга саёҳат қилишни истаб қолдилар. Улардан бири азалдан қаноатли киши бўлиб, иккинчиси унинг акси эди. Йўлда борар эканлар, бир катта тошни кўрдилар. Унинг ярми ерда-ю, ярми юқорида, устига: “Ким меҳнат қилса, тошни айлангириб жойига қўйса, тагидаги ёзувни кўради ва бу водийдаги катта бойлик қаерда яширилганидан хабардор бўлиб, унга эга бўлади. Кимки меҳнат қилиб, алам тортишни истамаса, унинг учун сабру қаноат баридан яхшироқ”, деб ёзиб қўйилган экан. Қаноатсиз одам дарров бойлик-

ка эга бўлиш ҳаракатига тушибди, тош остини қазिशга тушибди.

Қаноатлиси эрта туриб шаҳар томон йўналди, шаҳарга кирадиган бир неча дарвоза бўлиб, у шаҳарга биринчи бўлиб кирди. Бахтли тасодифни қаранг: бу элда шундай одат бор эканки, мамлакат подшоҳи нариги дунёга равона бўлса, аъёнлар бу ҳолни халқдан сир тутиб, кимки саҳарда шаҳарга ҳаммадан бурун кирса, уни подшоҳ сайлаб, бошига тож қўйдириб, бармоғига олтин узук тақишар экан. Бу сафар ҳам худди шундай ҳол юз бериб, ҳалиги мусофирни шоҳ кўтардилар. Унинг дўсти эса тош остини қазиб, ёнига ағдариб караса, унда “Ҳомтама бу дунёда алам чекади”, деб ёзиб қўйилган экан. Хуллас, қаноат қилгани подшоҳ бўлди, иккинчисини эса тама боласи хоксор қилди.

Донишмандлардан бири фарзанди билан сафарда юрганида ўғлини от тепиб ўлдирди. Ўзининг эса қорасон касали кучайиб бир оёғини кесиб ташлашди. Уйга қайтгач, бу ҳолатдан ўзини йўқотган аҳли аёлига қараб: “Қўрқманглар, менга тўрт фарзанд берилган эди. Бирини олиб учтасини қолдирди. Шунисига ҳам шуқр. Менга икки оёқ берилган эди. Бирини олиб бирини қолдирди. Шунисига ҳам шуқр”, – деди. Бу воқеага гувоҳ бўлиб турган зотлардан бири: “Эй донишманд, бир фарзандингиз ва бир оёғингиз жаннатга сиздан олдин кирар экан. Бу шараф сизга муборак бўлсин”, – дея қутлади.

Бир куни тошбақа қуённи учратиб қолибди. Қуён тошбақани устидан: “Сен жудаям секин юрасан, сен ҳеч қачон узоққа бора оламайсан”, – деб роса кулибди. Шунда тошбақа ундан ҳафа бўлиб: “Кел, мусобақалашамиз, кўрайлик-чи ким тезроқ юрар экан”, – деб, қуённи мусобақага таклиф қилибди.

Қуён кулибди ва тошбақага: “Менимча, сен ҳазиллашяпсан, мен розиман. Кўрамиз, ким биринчи тепаликка етиб борар экан”, – деб шартга рози бўлибди. Қуён тез югуриб тошбақани жудаям орқада қолдириб кетибди.

Маррага яқинлашиб бораркан, куён тўхтаб, тошбақанинг яқин келишини кутибди. Кута-кута чарчабди, шундай чарчабдики, уйқуси келибди. Шунда: “Мен озгина ухлаб олсам ҳам бўлади, барибир у менга етиши билан, яна ўзиб кетаман”, – деб ўйлабди ва уйкуга кетибди.

Тошбақа куёндан секин, лекин шахдам ва бир маромда юрган ҳолда олдинга ўтиб кетибди. Куён уйқудан уйғонса, тошбақа тепаликка етай деб қолган экан. Қанча тез югурмасин, тошбақа биринчи бўлиб тепаликка етиб келибди ва мусобақада голиб бўлибди.

Хулоса шуки, осудалик ва давомийлик муваффақият омилдир.

Яхши бўлсанг, яқин кўп

Бозорда икки дўкон ёнма-ён жойлашган бўлиб, уларнинг бирида асал, бирида сирка сотилар экан. Асал сотувчи ёнига ҳеч ким келмас, сирка сотувчи ёнидан эса харидор аримас экан.

Асал сотувчи толесизлигидан хафа бўлиб, кекса донишманд хузурига бориб, сирка сотувчиси ёнидан одам аримаслиги, ўзининг ёнига эса ҳеч ким келмаслигидан шикоят қилибди.

Асл ҳақиқатни ўрганган донишманд шундай дебди:

– Ўғлим, сен асал сотасан, лекин тилинг сиркадек аччиқ, тахир. Шеригинг сирка сотади, лекин тили билан асал улашади.

Бир амалдор мухташам иншоот қурдираётганди. Ҳар куни оқшомда саройидан чиқиб, қурилиш қандай бораётганини назорат қилгани борарди. Бир оқшом ҳар сафаргидек қурилишга келди. Қараса, оҳақ сўндирилаётган чуқурга тушиб кетган чумоли қайтиб чиқа олмаяпти. Ул зот ҳассасини узатиб, чумолини чиқарди-да, саройга қайтиб кетди. Шу кечаси у зот туш кўрди. Тушида бу сўзларни эшитди: “Бугун чумолига

қилган раҳмдиллигинг учун гуноҳларингни афв этдим,
жаннатимга киришга ҳақли бўлдинг”.

Бир вақтлар кемада денгиз саёҳатига чиққан икки
дўст денгизга тушиб кўрдилар. Шу вақт тўлқин кучайиб,
йўловчилар бақириб-чақира бошладилар. Кема дарғаси
дархол денгизга ўзини ташлаб дўстлардан ёшроғини
қутқариб қолди. Бошқасини қутқаришга эса ҳаракат
қилмади, иккинчи одам чўкиб кетди. Кемадагилар
дарғага:

– Агар тезроқ ҳаракат қилганингда, иккинчи одамни
ҳам қутқарсанг бўларди. Жуда имилладинг, – дедилар.
Дарға бундай жавоб берди:

– Гапнинг очиги, мен бу йигитни қутқаришни чин дил-
дан хоҳлаган эдим, Аллоҳ мени қўллаб-қувватлади, чун-
ки менга аввалдан яхшилик қилиб келган. Бошқасининг
чўкиб кетишини хоҳлаган эдим, у чўкиб кетди. Чун-
ки ундан кўп ёмонлик кўрганман. У мени ранжитган,
кўнглимни оғритган, – деди.

Бир тошбақа дарё қирғоғида турар экан, чаён чиқиб
келди. Чаён дарёнинг нариги қирғоғига ўтмоқчи
бўлди-ю, жасорати етмади, кўрқди. Тошбақага ёлбора
бошлади:

– Дўстим тошбақажон, мени елканда дарёнинг нариги
қирғоғига ўтказиб қўйсанг. Илтимос, ўтиниб сўрайман,
нима қилишни билмай бошим қотиб қолди. Бу яхши-
лигингни ҳеч унутмайман, умрбод сендан миннатдор
бўламан.

Тошбақа:

– Биродар, сенга ишонмайман. Менинг яхшилигим-
га ёмонлик қайтарасан, деб кўрқаман. Йўқ, ўтказиб
қўёлмайман, – деди.

Чаён:

– Ўтиниб сўрайман, қўлигни, оёғингни ўпайин. Мен-
дан яхшилигингни аяма, мен ҳам бир кун сенга яхшилик
қиламан, – деб ширин сўзлаб ёлборди.

Тошбақа чаённинг ширин сўзлари ва ёлбориши-

га эриб кетиб, елкасига чиқариб олди. Дарёдан сузиб ўтиб, энди киргоққа оёк босмоқчи бўлаётган эди, чаён чаёнлигини қилиб заҳарли игнасини тошбақага санчди. Тошбақага таъсир қилмади. Бечора тошбақа яхшилик қилиб, ёмонлик кўрди. Ғазаб билан чаёнга қичқирди:

– Хоин, нима қилдинг? Сендан ёмонлик кўриш учун яхшилик қилганмидим? Ваъданг қаерда қолди? Ёлборган эдинг-ку! Яхшилик, дўстлик, қардошлиқдан лоф урган эдинг-у. Нима бўлди?

Бадфёъл чаён унга жавобан:

– Бу бадфёълимга эътибор берма, дўстим. Бу ёмонлик мендан эмас, у конимда бор. Бу ёмон фёълимни сенга айтмаган эдим, қандай ҳам айтардим? – деди.

Бир диёнатли фозил одамнинг уйида сичқонлар купайиб кетди. Одамлар унга:

– Нега уйингизда мушук асрамайсиз? Мушук сичқонлар қушандаси эканини биласиз-ку. Агар битта мушук асрасангиз, сичқондан қутуласиз, – дедилар.

Диёнатли фозил одам уларга:

– Тўғри айтасизлар, лекин бу маслаҳатингизни виждоним қабул қилмайди. Агар мушук асрасам, ҳамма сичқонлар мушуклари йўқ қўшнилариمنىнг ўйларига тарқаладилар, қўшниларимга кўп азият берадилар. Ўзимга истамаган нарсамни қўшниларимга истайми? Ўз фойдамни кўзлаб, бошқаларга зарар етказайми? Йўқ, бу ишни виждоним асло қабул қилмайди, – деб жавоб берди.

Сахийнинг ишига бахилнинг тиши қамашар

Бой Иброҳим Адҳамга бир коса олтин келтирди:

– Буни биздан қабул қилсангиз.

– Мен фақирдан мол олмайман.

– Мен фақир эмишманми?!

Иброҳим Адҳам сўради:

– Ҳозирги давлатингдан ўн баравар кўпроқ давлатга эга бўлгинг келадими?

– Албатта! – деди бой кўзлари чақнаб.

– Бу ҳолинг фақирлик бўлмай, нима?! Бераётган нарсанга мендан кўра ўзинг муҳтожроқсан!..

Бир камбағал олим киши фақир бўлгани учун бахил бойнинг эшигига борибди:

– Мен, сиз садақа бермоқчисиз, деб эшитдим. Ғоят даражада муҳтож ва садақа олишга ҳақлиман, – деди. Бахил бой турли баҳоналар қилиб дедик:

– Мен садақамни кўрларга бераман, деб аҳд қилган эдим. Сен кўр эмассан.

Олим деди:

– Ғалати иш бўлди, аслида ҳақиқий кўр мен эканманки, ризқ берувчи Зотдан юз ўгириб, сенингдек бахилнинг ёнига келибман.

Олим бу сўзни айтиб қайтиб кетди. Эшитган гаплари бахилга бағоят таъсир қилиб, изидан югурди. Олим унинг садақасини қабул қилмади.

Бойлиги билан донг таратган савдогарни ҳамма хурмат қиларкан. Бир синчков йигит шу савдогарнинг хунарини ўрганмоқчи бўлиб, орқасидан пойлабди. Савдогар бир жойда бир тийин устида анча тортишиб иккита нон сотиб олибди. Йигит савдогарнинг бой бўлишига ўта эътиборли сабаб бўлган, деган хулосада кузатишни давом эттирибди. Савдогар эса йўлида учраган ночор одамга юз танга садақа қилибди. Йигит хайрон бўлибдиди, бойга етиб олиб одоб билан:

– Бир тийин учун анча талашдингиз, юз тангани индамай бериб юбордингиз, бунинг сабаби нимада? – деб бу холга изоҳ сўрабди.

– Нарх устида савдолашганим – ўз ҳуқуқим. Берганим эҳсонимдир, – деб жавоб берибди савдогар.

Бир шоир бахил бойни мақтаб қасида ёзди. Бой ҳеч нарса бермади. Бир ҳафтагача сабр қилди. Бирор янгилик бўлмади. Вақт тақозосига мувофиқ бир китъа айтди. Бой илтифот қилмади. Бир ҳафтадан сўнгра ҳажв айтди:

бойга таъсир этмади. Шоир келиб бойнинг эшиги олди-да ўтириб олди. Бой ташқарига чикиб, уни кўрди:

– Дам олиб ўтирибсанми?! Қасида айтдинг, ҳеч нима бермадим. Қитъа айтдинг, ҳеч нима бермадим, яна ниманинг умидида ўтирибсан?

– Билгилки, ўлсанг сенга марсия ҳам айтиб, ундан сўнг кетаман.

Бой кулиб яхши нарсалар ҳадя этди.

Бир бечора киши хасиснинг эшигига бориб, «Худо йўлига садақа беринг», дебди. Хасис ичқаридан туриб:

– Эртага кел, меҳмон айтганман, яхшилаб қорнингни тўйдираман,– дебди.

– Эй хўжайин, эртага етиш учун бугун бир бурда нон бериб тур!– дебди.

Басра шаҳрида бир хасис бўлиб, олтин-қумуш йиғишга муккасидан кетганди. Хотами Той саховат ва қарам кўрсатишда қанча ном қозонган бўлса, у очкузликда ундан машҳурроқ эди. Кўп машаққат чекиб, олтин йиғар эди. Ниҳоят, хазина туплагач, уни ерга кўмди. Яна ўшанча бойликни тўнига айлантириб тикиб олди. Ўзича, танимга қувват, жонимга сихат ҳам ана шу олтинларим, деб ўйларди.

Иттифоқо бир кунни савдо-сотик қилиш учун дарё соҳилига келди. У ерда таом олиб еди. Шундан сўнг қўлини ювмоқчи бўлиб дарё сувига энгашди. Аммо тўнига тиккан олтинлари оғирлик қилиб, уни сувга тортиб кетди. Хасис киши ана шу ёмон феъли тўфайли дарёга чўка бошлади. У сувдан чиқмоқчи бўлиб, изтироб билан талпинар, биров келиб қутқарар, деган умидда бакириб-чакирар эди. Аммо одамлар ёрдамга етиб келгунига қадар, у дарё тўбига чўкиб бўлди. Унинг олтиндан бўлган лангари бехал оғир эди.

Умар ибн Убайд бир боғнинг девори тапда таом ёб турган қўлни кўриб қолди. Ёнида ит ҳам бор эди. Ўзи бир лўкма еса, итга ҳам берар эди.

- Бу ит сеникими? – сўради Умар.
 - Йўқ, – деди қул.
 - Ундай бўлса, нега таом беряпсан?
 - Икки кўзи менга қараб турганда, таомни ўзим еб кўйишдан ҳаё қилдим.
 - Ҳурмисан, қулмисан?
 - Бани Осимнинг қулиман.
- Умар Бани Осимнинг ҳузурига бориб, қулни ҳам, боғни ҳам сотиб олди ва қулга:
- Билиб қўй, сени Худо озод қилди, – деди.
 - Ёлғиз Худога ҳамдлар бўлсин ва мени озод қилган кишига Унинг раҳмати бўлсин.
 - Бу боғ ҳам сенга, – деди Умар.
 - Сиз гувоҳ бўлинг, мен боғни шаҳар фақирларига вақф қилдим.
 - Нима учун бундай қияпсан, ўзинг ҳам муҳтожсан-ку? – деди Умар таажжубланиб.
 - Худо менга сахийлик қилса-ю, мен бахил бўлишдан ҳаё қиламан, – деди қул.

Араблар орасида хасислиги билан тилларда дoston Шаммома исмли кишига бир бечора илтимос билан келибди. Шаммома:

- Аввал сен менинг бир илтимосимни бажар, ундan кейин мен нимани истасанг, бажонидил ижро этарман, – дебди.

- Қандай илтимос?
- Мендан бирор нарса тилама.

Хасислиги билан донг таратган бадавлат одам бор экан. Масжидга жамоат билан намоз ўқишга борди. Намознинг суннатини ўқиб, бирдан: “Уйдаги чироқни ўчирганмидим, ўчирмаганмидим?” деб ўйланиб қолди. Шу заҳоти шошилиб туриб, уйига борди. Эшикни тақиллатди. Хизматчи овоз берганида:

- Тўхта, эшикни очма! Хонамдаги чироқ ёниқ бўлса, ўчириб қўй, ёғи тугаб қолмасин тагин, – деди.

Хизматчи:

– Хўп, афандим. Чироқни ўчиришни тушундим, аммо нега эшикни очмайин, гушунмадим, – деди.

Хасис:

– Эшикнинг ошиқ-мошиғи едирилмаслиги учун, – деб жавоб берди.

Хизматчи:

– Қойил, афандим, аммо сиз масжиддан бу ерга келгунча пойабзал эскиришини ўйламадингизми? – деди.

Хасис:

– Тентак, мени билмас экансан: пойабзалимни эскиртириб қўярканманми? Қўлтигимга қисиб, ялангоёқ келдим, – деди.

Қадим замонда хасис бола бўлган экан. Бир куни у ҳамма пулларига олтин сотиб олиб, уни бир чуқурчага кўмди. Ҳар куни шу жойга келар ва олтинини кўрганда хурсанд бўларди.

Бир куни ҳар доимгидек чуқурчани қазибди. Қараса, олтинлари йўқ эмиш. Бундан хафа бўлиб роса йиғлабди. Уртоғи йиғлаётганини кўрган бир дўсти унга: “Сен бу ерга олтин эмас, тош кўмишинг керак эди, чунки уни яхшиликка ишлатмайсан. Агар чуқурчага тош кўмиб ҳар куни қараб турганингда, мана ҳозир йиғламасдинг. Пулинг на бошқаларга ва на ўзингга фойда келтирди”, дебди.

Доно ҳикмат келтирар, нодон – кулфат

Бир бой ҳакимга:

– Юз динор олтиним бор, шуни сенга бермоқчиман, нима дейсан? – дебди.

– Берсанг, – дебди ҳаким, – сенга яхши, бермасанг менга яхши. Сенга яхшилиги шуки, шу восита билан менга марҳамат қилган бўласан. Бермасанг, мен сенинг миннатингдан қутуламан!

Донишмандлар Ануширвон саройида муҳим масалани ҳал қилардилар. Уларнинг бошлиғи Бузургмеҳр

жим ўтириб, донишмандлар гапига аралашмасди.
Бузургмеҳрдан:

– Нега фикрингизни айтмайсиз? – деб сўрадилар.

Бузургмеҳр донишмандларга шундай жавоб берди:

– Вазир худди табибга ўхшайди. Табиб касал бўлмаган одамга дори бермайди. Фикрларингиз тўғри эканини билиб турирман. Шу сабаб, бу масала устида бир фикр айтишим ҳикматдан эмас.

Луқмон узок муддат ёлғиз ўтирар, одамларга аралашмас эди. Қўшниси:

– Эй Луқмон, тоқайгача ёлғизликда ўтирасан, одамларга аралашсанг, сенга дўст топилиб қолади, – деди. Луқмон шундай жавоб берган экан:

– Ёлғизлик фикрга комиллик беради, комил фикр эса, ҳалолликка йўл кўрсатади.

Луқмони Ҳакимдан сўрадилар: – Энг доно ким?

Айтди: – Ҳаёт қийинчиликларидан гамгин бўлмаган киши.

Сўрадилар: – Энг яхши бойлик нима?

Айтди: – Ақл.

Сўрадилар: – Қайси ўт ўз ёқувчисини куйдиради?

Айтди: – Ҳасал ўти.

Сўрадилар: – Қандай бино вайрон бўлмайди?

Айтди: – Адолат биноси.

Сўрадилар: – Қайси аччиқ нарсанинг сўнги ширин?

Айтди: – Сабрнинг.

Сўрадилар: – Қайси нарсанинг охири аччиқ?

Айтди: – Шошқалоқликнинг.

Сўрадилар: – Қайси дард бедаво?

Айтди: – Тентаклик.

Луқмони ҳаким қора танли киши эди. Уни кул қилиб сотиб олган одам кўп муддат унга хизмат букориб, унда илм ва ҳикмат кўрар эди. Бир куни синаш учун Луқмонга деди:

– Бир қўйни сўйиб, менга энг яхши жойидан келтир.

Лукмон қўйни сўйиб, тил ва юрагини келтирди. Яна бир кун хожаси буюрди:

– Қўй сўйиб, менга энг ёмон жойиши келтир.

Лукмон қўй сўйиб, яна тили ва юрагини келтирди. Хожаси суради:

– Буни қандай тушиниш керак?

Лукмон деди:

– Агар пок бўлса, ҳеч нарса тил ва юракдан яхши эмас. Нопок бўлса, ундан ҳам ёмон нарса йўқ.

Бир подшоҳнинг тушида тишлари тўкилиб кетибди. Бундан ниҳоятда хафа бўлиб, эрта билан таъбирчини чақириб, кўрган тушини айтди.

Таъбирчи:

– Подшоҳимнинг барча болалари, хотин ва яқинлари ўз хузурларида ўлади.

Подшоҳга бу таъбир жуда аччиқ кўриниб, таъбирчининг тишлариши омбир билан суғуриб, тилини кесишга буюрди. Бошқа таъбирчини чақириб, тушни унга ҳам баён этди. У жуда доно ва хуштабиат киши эди:

– Муҳтарам подшоҳ, тушингиз умрингиз узоқлигига далолат: болаларингиз, хотинингиз ва яқинларингиз орасида сизнинг умрингиз узоқ бўлади.

Бу гап шоҳга ёқиб, унга от, кийим билан минг танга пул берди.

Хулоса шуки, икки таъбирнинг мазмуни бир бўлса-да, биринчи таъбирчи ёмон ибора билан сўзлаб, ўзини ҳалокаг чуқурига ташлади. Иккинчи таъбирчи эса, ақл-заковат билан ифода қилиб, мукофотга сазовар бўлди.

Бир хоннинг жаҳли бурни устида турар, шунинг учун арзимаган нарсалардан асабийлашиб, нотўғри қарорга келверар экан. Иш бу ахволда давом этса, ёмон оқибатларга олиб келишини пайқаган вазир бир тадбир қўллабди. “Жаҳл келса, ақл кетади” деб хоннинг рўпарасидаги деворга ёзиб қўйибди.

Шундан сўнг хон нима қилмасин, нима демасин, беихтиёр деворга боқадиган, ўйлаб сўзлайдиган, шошилмай ҳукм чиқарадиган бўлди.

Бир савдогар ўглини энг катта донишманднинг ҳузурига бахт калити – сирини билиб келиш учун жўнатибди. Йигит саҳрода қирқ кун йўл юрибди ва ниҳоят, улкан тоғнинг тепасида ҳаддан зиёд мухташам қасрни кўрди. У қидирган донишманд ўша қасрда яшаркан.

Кутганига зид ўлароқ, қаср авлиё одамнинг хилват гўшасига ўхшамасди. Унинг ичи одамга тўла эди: савдогарлар молларини мақтаб ҳар томон югуришар, одамлар тўп-тўп бўлиб гурунглашар, созаңдалар нафис куйни ижро этар, хонанинг ўртасида ноз-неъматларга тўла дастурхон тузалган...

Ичкаридан чиққан донишманд шошмасдан меҳмонлар билан бирма-бир кўришди. Йигит навбати келишини анча кутди.

Ниҳоят, донишманд йигитнинг нима мақсадда келганини билди, лекин ҳозир унга бахтнинг калити – сирини нимада эканини тушунтириб беришга вақти йўқ экан. Донишманд йигитга қасрни томоша қилиб келишни буюрди.

“Сенга илтимосим, – деди у йигитга икки томчи ёғ солинган чой қошиғини узатиб, – бу қошиқни ўзинг билан олиб юр, фақат эҳтиёт бўл, ичидаги ёғи тўкилмасин”.

Йигит қошиқдан кўзини узмаган ҳолда қасрни айланди, унинг зиналаридан тепага кўтарилди, пастига тушди.

– Хўш, қалай, – деб сўз қотди донишманд. – Қошонадаги форс гиламлари сенга манзур бўлдимми? Бениҳоя миришкор боғбонлар ўн йилдан бери кўзининг оқу қорасидек авайлаб парвариш қилаётган гуллар ва дарахтлар ёқдимми? Кутубхонадаги қадимий китоблар ва нодир қўлёзмалар-чи?

Хижолатдан қизариб кетган йигит буларнинг ҳеч қайсисини кўрмаганини тан олди, негаки, унинг бутун диққат-эътибори донишманд унга ишониб топширган икки томчи ёғда бўлган экан.

– Орқанга қайт. Уйимдаги ҳамма мўъжизаларни яхшилаб, кўриб кел, – дебди донишманд.

Қўлида қошиқча билан йигит яна йўлакларда айланибди. Бу гал ўзини эркин ҳис қилиб, ҳамма ноёб ва фаройиб нарсаларни, боғ қаср теварагидаги тоғларни томоша қилибди, гуллару мохирлик билан жойлаштирилган расмлардан баҳра олибди. Донишманднинг хузурига қайтиб, кўрган нарсаларини бирма-бир санабди.

– Мен сенга қошиқчада берган ёғ қани? – деб сўрабди донишманд.

Шу чоқ йигит қараса-ки, ёғ тўкилиб кетган экан.

– Сенга маслаҳатим шу, – дебди донишманд. – Бахт калити ана шунда: бу дунёни безаб гурган, унга жозибба, ажиблик ато этиб турган нимаики бўлса, ҳаммасини кўра билмоқ ва айна чоғда ўша чой қошиқдаги икки томчи ёғни ҳам зинҳор-базинҳор унутмаслик зарур.

Бир ҳаким шароб ичмас эди. Ундан сўрадилар:

– Нечун шароб ичмайсан?

Ҳаким дедики:

– Менинг ақлимни ичадиган нарсани ичмасман.

Узоқ йиллар аввал, тамаки энди тарқала бошлаган пайтда тоғ этагидаги бир қишлоққа шу ўсимликни олиб келишибди. Қишлоқда бир донишманд чол яшаркан, у биринчи кўришдаёқ тамакини ёқтирмай одамларни ундан қайтарибди.

Бир куни чолнинг кўзи бозорда ўша нарсани мақтаётган савдогарларга тушибди. Улар қўлларидаги тамаки япроқлари ҳақида оғиз кўпиртириб яхши сифатларни айтишарди. Донишманд уларга яқинлашибди-да: “Бу барглар фақат фойда олиб келади: чекадиган одамнинг уйига ўғри тушмайди, ўзини ит тишламайди, ҳеч қачон қаримайди”, дебди.

Бундай мактов сотувчиларга мoidек ёқиб тушибди. “Бу бебаҳо ўсимлик ҳақида кенгроқ гапириб беринг, тақсир”, – деб илтимос қилишибди отахондан. Чол сўзида давом этибди: “Ўғри кашанданинг уйига кирмайди, чунки у тун бўйи йўталиб чиқади. Ҳаммангиз яхши биласизлар, ўғри уйғоқ одам бор уйга кирмайди. Кўп че-

кадиган одам тез кучдан қолади, ҳассага суяниб қолади. Қўлида таёғи бор одамга эси бор ит ташланмайди. Ва ниҳоят, қаришга улгурмай ёшлигидаёқ хазон бўлади”, – дебди.

Искандар ўзига яқин кишилардан бирига яшириб юрган бир сирини айтиб, уни ошкор қилмасликни қайта-қайта таъкидлади. Лекин эшитган одам сирни сақлай олмай, ичи қизиб дўстига айтди. Дўсти бир кишига, у киши бошқага етказди. Шундай қилиб, сир ҳаммага ошкор бўлди. Бундан қаттиқ ғазабланган Искандар устози Арастуга:

– Эй ҳақим, сирни фош қилганга қандай жазо бериш керак? Мен фалон кишига сиримни айтгандим, у ҳаммага ошкор қилди, энди уни жазоласам, нима дейсиз?

Арасту айтди:

– Жазо беришга ҳақинг йўқ, чунки ўзинг айбдорсан, сир деяпсан-у, лекин уни ўзинг бировга ошкор қилдинг. Узинг сақлай олмаган сирни бошқа киши қандай пинҳон тутсин? – деди.

Искандар сукут этишга мажбур бўлди.

Бир обод давлатга ҳукмронлик қиладиган подшоҳ мамлакатини айлангани чиқибди. Сафардан қайтиб, оёғи жудаям оғригани ва йўл жуда ҳам ногекис, топили эканидан, қаттиқ пойабзалда юриб қийналганидан шикоят қилибди. Шундан сўнг барча йўлларни тери билан қоплашни буюрибди. Шубҳасиз, бу иш минглаб молларнинг қурбон бўлиши билан бирга, жуда катта маблағ эвазига амалга оширилиши керак эди.

Шунда аъёнларидан бири ўзида журъат топиб: “Шоҳ, нима учун шунча катта маблағни заруратсиз ишлатмоқчисиз? Озгина тери бўлаги билан оёқ кийимингизни қопласангиз бўламайдими?” – дебди.

Подшоҳ аввалига таажубланибди. Кейин эса унинг доно маслаҳатига қулоқ солиб, ўзи учун теридан оёқ кийим тикдирибди.

Йигит бир қизга ошиқ экан. Лекин қиз йигит ишқини қатъий рад этарди. Қизнинг энагалари “эр бевафо бўлади”, деб қуйидаги нақлни унинг қулоғига қуйишган экан:

– Мода қуш бола очибди, лекин ўрмонга ўт кетиб, қуш ўз болалари билан қуйиб кетибди. Нар қуш эса, ўт кетиши биланоқ парвоз қилиб, қаёққадир ғойиб бўлибди.

Йигитнинг оқила эгачиси дардига оро кирибди.

– Уйингга наққошларни келтир, – дебди у. – Ўрмонга ўт тушиб, мода қушнинг болалари билан бирга қуйиб кетаётганини тасвирлашсин. Лекин нақшнинг бир четида эркак қушнинг лочин чангалига тушиб қолганини ҳам кўрсатишсин.

Шу нақшлар битгач, йигитнинг эгачиси қизни меҳмонга чақирибди. Қиз расмни томоша қилар экан:

– Нар лочин чангалига тушиб қолган экан-да, шу сабаб бечора модаси билан чақаларидан хабар олмаган экан, – деб ўйлабди.

Шу кундан эътиборан қизнинг кўнгли йигитга мойил бўла бошлабди. Кўп вақт ўтмай, йигит билан қиз бир ёстиққа бош қўйишибди.

Золимлиги билан ном чиқарган подшоҳ ақли хотиннинг эри, ўғли ва акасини банди қилди. Аёл йиглаб подшоҳнинг олдига келди. Подшоҳ:

– Бу уч кишидан бирини афв этаман. Яхшилаб ўйлаб кўр. Қайси бирининг озод бўлишини хоҳлайсан? Эрингними, ўғлингними, акангними? – деди. Хотин:

– Эр топилади, юртда эркак кўп. Ўғил яна туғилиши мумкин. Аммо жигарим топилмайди, чунки онам яна бир ака туғиб беролмайди, – деди.

Аёлнинг бу оқилона жавоби ва тўғри сўзлиги подшоҳга қаттиқ таъсир қилди ва:

– Ҳаммасини кечирдим, сен тўғри сўзладинг. Фаросатингга тан бердим, – деди ва учаласини озод этди.

Бир дононинг қошига уч киши келди:

– Биз учовимиз сафарга чиқиб эдик, – деб сўз бошлабди улардан бири, – бир-биримизни танимас эдик. Менинг чўнтагимдаги пул ғойиб бўлибди. Қандай йўқолганини билмайман.

Доно: “Пулингиз топилади”, – деди-да, уларни меҳмон қилди. Сўнг бир ҳикоя бошлабди. Ҳикоя мазмуни шундай:

Бир келин дугоналари билан куёвникига отланибди. Урмонда қароқчиларнинг қўлига гушибди. Қароқчилар қизнинг бутун сепини тортиб олишибди. Шунда келин қароқчиларнинг бошлиғига ялиниб, ёлворибди, раҳм қилишини сўрабди. Қароқчилар бошлиғининг раҳми келиб, уларни озод қилиб юборибди, мол-дунёсини ҳам қайтарибди. Гап шу ерга етганда биринчи ҳамроҳ:

– Мард қароқчи экан, – дебди.

Иккинчи ҳамроҳ:

– Мол-дунёси бир-икки минг тилла келар, – дебди.

Учинчиси эса:

– Аттанг, шунча мол-дунёни қайтарибдимми? – дебди.

Доно шу учинчи ҳамроҳни ташқарига таклиф қилиб:

– Ҳамроҳингизнинг пулини қайтариб беринг, яхшилик билан пулни эгасига топширай, – дебди.

Шериги узр сўраб, пулни қайтариб беришга мажбур бўлибди.

Шоҳ донишманддан сурабди:

– Ёмон одам деб кимни айтмоқ керак?

– Беандишани, – жавоб берибди донишманд.

“Бу гапни мавриди билан синаймиз”, деб ўйлабди, шоҳ. Бир кун улар овга чиқибди, тоғу тошлар оша бир манзилга етибдилар. Қарасалар: гўзал боғ, ҳушовоз булбуллар, муаттар гуллар. Улар шу оромгоҳга кўнибдилар.

Боғдон меҳмонларни ҳушнуд этмоқ учун елиб-кўгурибди. Аммо тез-тез ичкари ҳовлига хавотирланиб қарайверибди. Бу ҳолдан хабардор шоҳ вазирдан сабабини сўрабди. Вазир: “Хотини нобоп, беандиша бўлса керак”, – дебди.

Бир пайт боғбоннинг хотини косов кутариб, кичик ўглини қулаб чиқиб қолибди, унинг оғзидан боди кириб, шоди чиқар экан.

Меҳмонларнинг ҳам, меҳмоннинг ҳам таъби хира, кўнгли вайрон бўлибди. Боғ ҳам, ноз-неъматлар ҳам, меҳмондўст боғбон ҳам уларнинг кайфиятини кўтаролмабди. Шоҳ ичида донишманднинг сўзи тўғрилигига тан берибди.

Қадим замонда ишёқмас, танбал йигит ўтган экан. У кеча-кундуз: “Қандай қилсам бой бўларкинман?” – деб ўйлар экан. Кунлардан бир кун донишмандга учраб, арз қилибди. Донишманд танбал йигитга маслаҳат берибди:

– Бойиш учун кўп риёзат чекмоқ керак. Тур деган тоққа чиқасан, у ерда хазина бор, хоҳлаганингча оласан. Аммо ақлингни ишла, ақл йўқ ерда бойлик бўлмайди.

Донишманддан бу маслаҳатни эшитган танбал йигит: “Ҳа, йўлини топдим, энди бойиб кетаман”, деди-да, йўлга равона бўлди. Чўлда кетаётиб, бир бўрига дуч келди:

– Эй йигит, йўл бўлсин? – деб сўради бўри.

– Тур тоғига кетяпман, бойлик олиб келмоқчиман, – жавоб берди танбал. Бунга эшитиб, бўри йигитдан илтимос қилди:

– Кеча-кундуз елиб югураман, у-бу учраб, овим барор келса, бир нима ейман, бўлмаса, ҳафталаб оч юраман. Тур тоғидан сўраб кўр, менга ҳам аталган ризқ-рўзи бормикин?

Йигит: “Хўп”, – дея яна йўлга равона бўлди. Бир адирда қари боғбонга дуч келди. У йигитдан “Йўл бўлсин?” – деб сўраган эди, танбал мақсадини айтди. Боғбон: “Ўғлим, бир таноб боғим бор, узум бермайди, шунинг сабабини Тур тоғидан сўраб кел”, – деди.

Йигит чолга ҳам ваъда бериб кетаверди. Бир қирда ов қилиб юрган подшоҳ билан вазирга дуч келди. Подшоҳ унинг Тур тоғига кетаётганини эшитиб, деди:

– Ов қилаётганимда, ўндан тўққиз ўқим зое кетади, сабабини билиб кел.

Йигит йўл юриб, йул юрса ҳам мўл юриб, Тур тоғига етиб борди. Лекин тоғда ҳеч қанақа бойлик тополмади. Чайлада бир донишманд чол ўтирарди. Йигит унга салом берди:

– Ота, мен бу ерга бойлик ахтариб келгандим. Ҳеч қанақа бойлик йўқ экан.

Йигит йўлда учраган бўри, боғбон чол ва подшоҳнинг ўзига берган саволларини чолга айтди.

Донишманд чол йигитга жавоб бериб деди:

– Бўрига ризқ йўқ, учратганини тутиб ейди. Боғбон чолнинг боғига тўрт хум тилло кўмилган, шундан маст бўлган тоқлар говлайди-ю, узум қилмайди. Энди подшоҳга айт, у эркак кийимида юрган қиз, агар эрга чиқса, ови юришади. Ана энди боравер, бу ерда бойлик йўқ, уни меҳнат ва ақл билан топасан. Бойлигинг, бахтинг – олдинда.

Йигит: “Ҳа, энди бойлик олдинда экан, уни топиб оламан”, – деб кетаверди. У йўлда подшоҳга учраб, чолнинг жавобини айтган эди, подшоҳ қиз:

– Бу сирни сену мен билайлик, мени хотинликка ол, – деди. Йигит эса: “Йўқ, менинг бойлигим – олдинда”, – деб кетаверди.

Боғбонга учраб, жавоб айтди. Боғбон:

– Яша, ўғлим, тиллаларни қазиб олайлик, менинг ўғлим бўлиб қол, бўй етган қизим бор, уни сенга бераман, – деди.

– Танбал йигит: “Йўқ, бойлигим – олдинда”, деб кетаверди. Йўлда бўрига учради. Йигит бўрига донишманд чолнинг жавобини айтган эди, бўри: “Учратганим сен экансан”, – дея танбал йигитни бир зумда еб қўйди.

Нодон киши бир ҳакимдан сўради:

– Не учун оғзингдан ёмон ис келадур?

Ҳаким деди:

– Сенинг айбларингни ичимда кўн сақлар эдим. Танамга таъсир қилибди.

Бир қари мушук ўлиш олдидан гўё инсофга киргандай бўлибди-ю, рози-ризолик тилаш мақсадида сичқонларга мактуб битиб, тавбаларини изҳор этибди: “Сизларни бир зиёфат қилиб рози этсам-да, сўнг жон берсам...” Сичқонлар бу тавбага ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай, донишмандларига юзланишибди. Донишманд: “Мушукнинг тавбасига зинҳор ишона кўрмангиз. Ўлиб, кўмиб қўйилганидан сўнг гўридан бир дона мўйлави чиқиб турса ҳам кўрқинг-у, нариги маҳалладан айланиб ўтаверинг”, – дебди. Еш сичқонлар қариянинг насиҳатларини қулоққа илмай, мушукка рўпара бўлмоқликни ихтиёр этишибди.

– Дунёда ҳали ҳеч бир мушук шу пайтга қадар тавба қилмаган эди, сен нечук буни истадинг? – деб сўрашибди.

Дўмбоқ-дўмбоқ сичқончаларни кўрган мушукнинг феъли айнибди, тавбасини унутиб, нияти бузилибди.

– Қани, айтинглар-чи, бу дунёда сенлар инсофсизми ёки менми? Қопнинг оғзи очиқ бўлгани ҳолда, нима учун тагини тепасанлар, а? Мен шу саволга жавоб топмоқ учун сенларни чақиртирган эдим, – дебди мушук.

Нодон сичқончалар ўша тонг кекса мушукнинг мазали нонуштасига айланишган экан.

Бир бефаросат касал кўргани бориб, бемордан:

– Дардинг нима? – дебди.

– Нафасим сиқилиб, юрагим безовта бўляпти, – дебди бемор.

– Унда тезлик билан васиятингни қил, менинг отам билан акам шу дарддан ўлиб кетишди. Сенинг ҳам тузалиб кетишинг даргумон. Болаларингни чақириб, ҳозир васиятингни қил, – дебди бефаросат.

Бемор болаларини чақириб:

– Болаларим, сизларга қиладиган васиятим шуки, бундан кейин бу манави бетамизни олдimgа киргизманлар! – дебди.

Одамлар Сайёр исмли кўрга ўргатибдилар:

– Эй Сайёр, Худодан гила, кўзинг эвазига сенга бирон нарса берсин.

– Тиладим, берди, – дебди у.

– Нима берди?

– Сен каби нодонларнинг башарасини кўрмаслик бахтини!

Бир киши ҳикоя қилади:

– Басрадан сафар қилганимда, кечаси бир қишлоққа кириб бордим. Кенг майдон марказида елкасида сув, кўлида чироқ, жадаллаб бораётган бир кўрни кўриб ажабландим ва саволга тутдим:

– Эй қур, сенга тун билан куннинг фарқи йўқ. Чироқ кўтарганинг нимаси?

Шунда у жавоб берди:

– Сенга ўхшаш фаросатсиз қалби кўр одамлар елкаси билан туртиб, сув идишимни сандирмаслиги учун.

Шоҳ Хусравга шундай савол беришибди:

– Кимларга тезроқ ақл киритишни истардинг?

– Душманларимга, – дебди. – Ақлли одам ёвузликдан қочади. Бўлар-бўлмасга юриш қилмайди. Эси пастдан Худо сақласин: нодонларни бемаъни ишдан қайтариб бўлмайди.

Қўй билан эчки бир дарадан кетаётиб, кичкина сойдан сакраб ўтдилар. Қўй хатлаб ўтар экан, қуйруғи кўтарилиб кетди. Эчки қўйга:

– Э-э, уятинг кўринди, айб, – деди.

Қўй:

– Эй қардошим, бу иш менинг бошимга бир қара тушди. Жонимни қутқариш учун сойдан сакрадим, қуйруғим қалқиб кетди. Сен бўлса дарров устимдан кулмоқдасан. Ўзинг-чи! Сенинг айбинг ҳар куни очик!

Подшоҳ бир ҳакимни ўз ҳолига қўймай ичирди. Масликда унинг оғзидан беҳуда, беъмани сўзлар чиқа бошлади. Ўзига келгандан сўнг маломат қилдилар:

– Неларни сўзладинг?

Ҳаким дедикки, “Бу сўзларни мен эмас, мени шароб ичмоққа таклиф қилган киши айтди”.

Бир одамнинг отасидан қолган эски, нураб кетган упи бор эди. Ҳар илли ёзда уини суваб, оқлаб қўярди. Аммо эрталаб ишга чиқиб кетаётганида, уйга қараб бундай дер эди:

– Эй отамдан қолган ёдгорлик! Қуламай тур, йиқилсанг, бола-чақамни босиб қоласан. Илтижо қиламан, тинч тургин.

Орадан кунлар, йиллар ўтди. Бир кун ишдан келса, уй ағанапти. Бола-чақаси тапида қолибди. Бахтсиз ўғил ич-ичидан куйиб, аламидан фарёд қилди:

– Сенга ҳар кунни йиқилиш пайтинг келганда менга хабар бер, бола-чақам остигнда қолмасин, деган эдим-ку? Дўстлик ҳам шундай бўладими.

Шу он харабдалар остидан ва ёғочлардан овоз чиқди:

– Эй, гафлат бостан дўстим! Сенга кўп илтижолар қилдим, эшитишни хоҳламадинг. Деворларим ёрилди, ганч билан сувадинг, оҳак билан бўядинг, оғзимни ёпдинг. Шифтлардан пижирлаб бақирдим, тахталарим ёрилиб, очилиб кетди, уларни ҳам беркитдинг. Азир темир ҳам емирилади-ку? Охири бола-чақанг остигнда қолди. Айб ўзингда. Бошини беркитган туюқушга ўхшаб гафлат ичиде ётдинг.

Шукр қилдим ош едим, ношукр бўлиб мушт едим

Ривоят қилишларича, қадим замонда Султон ота исмли имон-эътиқодли киши яшаган экан. У нафсини ақлга бўйсиндирган, сабр-тоқатли, қалби Яратганга шукронага тўлик мўмин экан. Кунларнинг бирида бемор бирола-

рини зиёрат қилиш учун йўлга тушибди. Йўлда шукрона айтиб бораркан, ноҳос қоқилиб, йиқилибди. Ота дарров уринларидан туриб, ўзларини ўнглаб олдилар-да: “Ё Худо, ўзингга шукр! Қариб-қартайсам ҳам ўз оёғим билан юрибман. Йиқилсам ҳам шикаст топмадим”, дея яна йўлда давом этибдилар. Буни қарангки, яна бир неча қадам босгач, тагин йиқилибдилар. Султон ота яна ўзларини ўнглаб: “Ё Худо, ўзингга шукр! Йиқилсам ҳам қаттиқ шикаст емадим, тиззам бироз шилинди-ю, кон чикмади”, – дея кетаверибдилар.

Кутилмаганда у кишининг рўпарасидан юзига ниқоб тутган, бақувват бир йиғит чиқибди. Оқшом бўлиб қолгани учун қўлига чирок ҳам кўтариб олган экан. У отага ёрдамлашиб юборибди, Султон ота дўсти яшайдиган хонадонга етгач, йиғитни дуо қилиш учун фотиҳага қўл очибдилар. Шунда йиғит: “Хай-хай, ота, мени дуо қилиб овора бўлманг, барибир тегмайди. Чунки мен шайтонман”, – дебди.

Султон ота хайрон бўлиб:

– Э бадбахт, агар сен шайтон бўлсанг, нега менга яхшилик қилдинг? Ахир сенинг аъмолинг – бандаларга ёмонлик-ку?! – дебдилар.

Шунда шайтон:

– Ўғри, биз шайтонлардан яхшилик кутиб бўлмайти. Узингиз оч бўла туриб иккита нонни хаста биродарингизга олиб кетаётганингиз учун Худо фаришталарга: “Қаранг, анави бандам бир беморнинг кўнглини оёқ айлагани кетяпти”, – дея сизга муҳаббат назарини солди. Мен эса ёниб кетдим. Сиз биринчи бор ийқилдингиз ва Аллоҳга шукрона айтдингиз. Шунда Худо амр қилди: “Шу бандамнинг барча гуноҳларидан кечдим. Умрининг охиригача гуноҳ қилса ҳам ёзмамлар!”. Мен бундан баттар ғазабга миндим. Сиз иккинчи марта ийқилиб, яна шукр деддингиз. Буни курган Худо яна амр қилди: “Шу бандамнинг етти пушти қилган гуноҳларидан кечдим! Унга жаннатдан шундай жой тайёрланг-ки, ҳатто авлиёлар ҳавас қилсин!”.

Мен бундан баттар аччиғландим. Сизни манзи-

лингизга етказишга ошиқдим. Бўлмаса, яна бир марта йиқилиб, шукр келтирсангиз, Худо бугун шаҳар аҳлининг гуноҳини кечиб юбориши мумкин, деган хавотирдаман.

Бир авлиё қишлоқдан ўтиб кетаётди у ерда яшайдиган жуда фақир инсонга дуч келибди. Дуо қилиб Худодан унга бойлик ато этишини сўрабди ва йўлда давом этибди. Анча вақтдан сўнг яна ўша қишлоқдан ўтибди. Қишлоқ ахалиси жуда қашшоқлашиб кетганини кўриб, одамлардан сабабини сўрабди. Маълум бўлишича, бир қашшоқ ҳамқишлоқлари бойиб, ҳамма ер ва сувларни сотиб олиб, халққа бермаётган экан. Шунда авлиё яна дуо қилди:

– Худойим, кимга қандай ризқ беришни ўзинг билсан, ўша фақирни асл ҳолига қайтар!

Бир кўни хўжайини Лукмонга аччиқ тарвуз берди. Лукмон уни шундай иштаҳа ва хурсандчилик билан ер эдики, кўрганларнинг ҳам егиси келарди. Хўжайини бир тишлам ейиши билан оғзи оловдек ёнди, бўғзи ловуллаб, тили куйди. Бир муддат ўзини йўқотди. Кейин: “Азизим, бундай захарни қандай қилиб роҳатланиб единг, бундай қаҳрни қандай қилиб дутф санадинг? Бу қандай сабр?” – деб сўради. Лукмоннинг жавоби шундай бўлди: “Сенинг кўлингдан шунчалар кўп ризқ едимки, хижолатдан икки букилдим. Кўлинг билан берган нарсани, эй маърифат соҳиби, “бу аччиқ” дейишга уялдим. Чунки танамнинг ҳамма аъзоси сенинг неъматларингдан баҳраманд бўлган. Шугина аччиққа чидай олмасам, танамнинг барча аъзолари яксон бўлсин! Шакарлар эҳсон қилган кўлингнинг лаззати тарвуздаги аччиқликни қолдирармиди?!”

Бир вақтлар Бағдодда юз берган кучли ёнғинда бойнинг ҳамма бойлиги куйиб кул бўлди. Мол-дунёсидан бирпасда айрилганига чидамаган одам Бағдод кўчаларида фарёду фиғон чекиб йиғлади. Шунда унинг қаршисидан бир оқил одам чиқиб деди:

– Эй дўстим, кап-катта одамнинг йиғлаши нимаси?

Уйи ёнган одам:

– Мен йиғламай, ким йиғласин?.. Бир зумда ҳамма молу мулким кул бўлди, кетди! Бир лаҳзада фақир ва қашшоқ бўлдим, – деди.

Кўпни кўрган оқил одам:

– Яхши, уйдаги умр йўлдошинг қандай? Ақллими, эрининг дарди, кайфияти, қадрини биладими? – деб сўради.

Уйи ёнган киши бир зум ўйланиб қолди:

– Ҳа, бу жиҳатдан бахтиёрман. Худога шукр, фаросатли, солиҳа хонимим бор, – деди.

Рўпара келган кишининг хотини, афсуски, кўнглидагидек эмас, бу жиҳатдан бахтсиз эди. У уйи куйган одамга бундай дебди:

– У ҳолда нега йиғлайсан, эй нодон?! Бу дунёда мато учун ҳам кўз ёши тўқадими? Дўконларинг ёнибди, нима бўпти? Сен соғ бўлсанг, ҳаммасини топасан. Оқида хотининг сенга мадақдор бўлиб, маънавий қувват бериб турса, ўзингни ўнглаб оласан.

Бир қашшоқ киши донишманднинг хузурига келиб камбағаллигидан шикоят қилибди. Донишманд эса бу Яратганнинг иродаси эканини қанча уқтирмасин, бечораҳол асло тушунмабди. Охири донишманд уни бир ғорга олиб борибди. Ғорда туйнуклар бениҳоя кўп бўлиб, биридан шовуллаб, биридан жилдираб яна бошқасидан чакиллаб сут томиб турган экан. Бояги қашшоқ қизиқиб бу нималигини сўрабди. Донишманд бу одамларнинг ризқи эканини билдирибди. Чакиллаб турган туйнукни кўрсатиб, “бу сенинг ризқинг”, – дебди. Бундан хафа бўлган қашшоқ сутни кўпайтириш мақсадида туйнукка чўп суққан экан, сут томишдан ҳам тўхтабди.

Езнинг қуёшли кунларида икки саёҳатчи сафарга чиқишди. Узоқ йўл юриб қуёш тиккага келиб кун жуда исиганда, йўлларида бир чинорга рўбарў бўлишди. Тезда ўзларини чинор соясига олишди.

Саёҳатчилардан бири чинор шохларига тикилиб, шеригига: “Қара, фойдасиз дарахт. Меваси ҳам йўқ. Шохлари ўтинга ярамайди,” – дебди.

Шунда тўсатдан дарахт шитирлаб тилга кириб: “Бунча ношукур бўлмасанг?! Ахир шундай жазирама куңда соямда ўтириб, мени кераксиз нарсага чиқаришга уялмайсанми?!” – дебди

Аёл эрига деди:

– Бир китобда оила мустаҳкамлигининг сабаблари ҳақида ўқидим. Маслаҳатлар бор экан. Шунга кўра, бир-биримиздан норози жиҳатларимизни қоғозга ёзиб, бирга ўқисак, ўзимизни ислоҳ этишга ҳаракат қилсак?..

Эр рози бўлибди. Икковлари қоғоз ва қалам билан бошқа-бошқа хоналарда ўтириб ёзишибди. Ярим тунгача ҳеч ким ўз хонасидан чиқмабди. Эртасига нонуштадан сўнг ёзганларини ўқимокчи бўлишибди. Эр хотинига: “Олдин сен шикоятларингни ўқи,” – дебди. Аёл кўлидаги уч вароқ қоғозни ўқибди, эркак эса уни жим тинглабди. Кейин:

– Энди сиз шикоятларингизни ўқинг, – илтимос қилибди аёл.

– Мен ҳеч нарса ёза олмадим, – деб жавоб берибди эр.
– Сен менинг орзумдаги рафиқасан...

Эрининг бу гапидан аёл йиғлаб юборибди.

Бир амир аъёнларидан бирини кемада сайр қилишга таклиф эгибди. Аввалига индамай рози бўлган ҳамсухбати, кема денгизга тушиб сузиб кетгани ҳамона дийдиё қила бошлабди:

– Шу саёҳатнинг нима кераги бор эди? Бирор кор-ҳол бўлса кочиб кутуладиган жойимиз ҳам йўқ. Атрофимизда гарқ этаман деб турган сувдан бошқа нарса бўлмаса! Наҳот бизларни ҳалок қилмоқчи бўлсанг? Сенинг кемангга ўтирган кунимга лаънат бўлсин, қуруқликда сайр қилишга жой қуриб қолганмиди...

Атроф тинч, майин илиқ денгиз шамоли юзга урар эди. Денгиз қушлари мавжланиб турган тўлқинлар узра

чарх урар... Ҳеч қандай хавф-хатар ва ваҳимага урин бўлмагани ҳолда аъённинг худди шернинг оғзига тушиб қолган эшакдек даҳшатга тушиши ва ўзини ғалати тутишидан ҳайратга тушган амирнинг мулозимларидан бири унинг қулогига аста пичирлади:

– Рухсат этсангиз бунинг яхши давоси бор, фақат бироз қалтисроқ.

Бир печа мулозимлар аъённи даст кўтариб денгизга отиб юборишибди. Аъён дод-вой солганча кеманинг ҳар тарафидан келиб осилар, мулозимлар бўлса уни мазах қилиб, эшкак билан итариб тушириб юбораверишар экан. Бир пасда атрофда наҳанглар ғаласи пайдо бўлибди. Энди аъён аввалгидан ҳам қаттиқроқ додлаб ўзини кемага ура бошлабди. Жон талвасасида кўзлари кинидан чиққан, денгизнинг шўр сувини обдон ютиб ҳолдан тойган ҳолда денгиздан чиқариб олинган аъён энди кеманинг бир чеккасида қалтираб, оғиз очмай жим ўтирар эмиш. Бўлган воқеани ҳали ҳам яхши англай ололмаётган амирга мулозими келиб шундай дебди:

– Бошига ҳақиқий қулфат тушмаган киши мана шу нокаста ўхшаб омонликнинг қадрига етмай нолийверади. Бир марта денгизга тушиб оёғи остидан таянчи кетган, ўлим хавфи том маънода ҳар тарафдан ўраб, ичига ҳам кириб тўлдиргандан сўнггина кеманинг чайқалиб турувчи қаттиқ ёғоч сатҳи унга юмшоқ беланчадек туюла бошлайди. Бепоён денгиздаги шу кичкинагина жой ҳаётининг гарови эканини англаб етади. Ҳаёт ҳам асли шундай, эй амир. Талофат етмагунча ҳеч нарсанинг қадрини англаб етмайсан.

Меҳнатдан келса бойлик...

Бахил бой бир ҳакимни кўрдик, куп меҳнат била кумуш маъданидин тошларни қазиб чиқариб, ушатар, ундан тилло зарраларини ажратар эрди. Бахил деди:

– Эй ҳаким, бундан бошқа осонроқ касб ва хунарийқми? Нега шунча машаққат чекасан?

– Менга юз мунча меҳнат ва машаққат билан зар ҳосил қилиш сенинг кўлингдан бир пулни чиқариб олгандан минг марта осонроқдур.

Бир подшоҳ ошпаз ғуломини чақириб сўради:

– Қани айт, овқатлардан қайси бири яхшироқ?

Ғулом дебди:

– Овқатларнинг ичида энг яхшиси пешона тери тўкиб топилгани.

Бир кишига отасидан катта мерос қолди, лекин у шу кундан бошлаб меҳнатга яна ҳам қаттиқроқ киришди.

Одамлар:

– Шунча мол-дунёга эга бўла туриб, меҳнатга берилиб кетишингизнинг боиси нимада? – деб сўрадилар.

– Пешана тери билан меҳнат қилсам, уйлансам, болачақа орттирсам, улар пок, соғлом ва бақувват ўсадилар, ҳалол ҳаёт кечирадилар, – деб жавоб берди у.

Бир одамнинг ўғли ишёқмас чиқди. У фарзандини меҳнатсеварликка ўргатиш пайига тушди. “Ўз кунингни ўзинг кўргин”, – деди. Бола иш ахтариб кетди, лекин меҳнатга бўйни ёр бермай, кечгача саланглаб юрди-да, кечқурун бўшашиб қайтиб келди. Бечора онаизор раҳми келиб, ўғил қўлига бир танга тутқазиб: “Отанга бер”, – деди. Отаси у бир тангани ёниб турган ўт ичига отди. Бола пинагини бузмай ўтираверди. Бу воқеа иккинчи куни ҳам такрорланди. Учинчи куни бировга мардикор тушди, кечгача қора терга ботиб ишлаб, атиги бир танга топди. Тангани қўярга жой тополмай, гоҳ липпасига қистирар, гоҳ қўлига олиб томоша қилар эди. Отаси унинг бу тангасини ҳам олди-да, ўчоққа улоқтиргандай бўлди. Қараса, фарзанди ўзини оловга урмоқчи, тангани олмоқчи. Шунда ота:

– Ҳай, ҳай, тўхта, ўчоққа тош отдим. Мана пулинг, – дея тангани ўғлига қайтариб берди. – Ана кўрдингми, – деди ота гапида давом этиб, – пешона тери билан топилган нарса шунақа азиз ва қадрли.

Бир одам қанотлари кесилган қарғага дуч келибди. Шунда ўзича, “Бечора, бу жонивор қандай қилиб ўзини боқар экан?”, – деб ўйлаб турган вақтида, тумшуғида ўлжа кўтарган бир бургут учиб келибди. Бургут қарганинг ёнига қўнибди ва тумшуғидаги ўлжани бериб уни овқатлантирибди.

Буни кўриб таъсирланган ҳалиги одам ўзича: “Аллоҳ барча жонзотларини ризқлантиради, шундай экан, мен нимага яшаш учун, ишлаб топиш учун қайғуришим керак, Аллоҳ менга ўзи етказиб беради”, деб ўйлабди. Шундай қилиб ризқ топиш учун ҳаракат қилмай ўтириб олибди. Кунлар ўтибди, лекин у ҳеч нимага эришмабди. Шунда ақли бир одам унга: “Э Аллоҳнинг қули, сенга иккита қуш кўрсатилди. Бири жароҳатланган қарға бўлса, иккинчиси бургут. Нима учун сен қарға бўлишни маъқул кўрдинг? Ўз тирикчилигидан орттириб муҳтожларга ҳам овқат улашадиган бургутга ўхшаш ҳақида нега ўйламадинг?” – дебди.

Илм – билганга дўст, билмаганга – ёв

Бир киши хийла билан тузоғига қуш туширди. Қуш унга: “Эй тадбирли инсон. Сен қанча хўкизлар, қўйлар, туяларни единг. Шулар билан тўймагач, мени еб тўярмидинг? Мени қўйиб юбор, сенга уч насиҳат айтайин... Биринчи насиҳатни қўлингда эканимда, иккинчиси томи тепасида, учинчисини дарахт устида айтаман. Бу уч насиҳат сенга бахт келтиради. Қўлингдалигимда берадиган насиҳатим шу: “Ақлга сиғмайдиган сўзларга, уларни ким айтса ҳам, ишонма”. Бу насиҳатни айтиб қуш озод бўлди, девор устига қўниб: “Бўлиб ўтган нарсага ҳам ема, фурсатни бой бердингми, ўқинма!” – деди. Кейин “Миттигина танамда ўн дирҳам оғирликдаги бебаҳо гавҳар бор. Сен ҳам, болаларинг ҳам бир умр бой-бадавлат яшашларингга етиб ортади... ўша гавҳар сенинг насибанг эди. Аммо насиб қилмаган экан, мени

қўйиб юбординг”, – деди. Овчи тўлғоқ тутаетган аёлдек фарёд қила бошлади. Қуш: “Сенга ўтган ишга ачинама, деб насиҳат қилмаганмидим? Нега ҳам ейсан, ё насиҳатимни тушүнмадинг, ё қарсан”. Яна сенга: “Ҳар қандай гапга ишонаверма” демадимми? Мен ўзим мигти қуш бўлсам, ичимга ўн дирҳамлик гавҳар қандай ситгин”. Бу сўзлардин кейин овчи ўзига келди: “Хўп, учинчи насиҳатингни айт-чи!” – деди. Қуш: “Билимсиз кишига насиҳат бериш сувсиз ерга уруғ сочишдек гап. Жохиллик йиртигини ямаб бўлмайди...”

Бир олим, фозил одам қўпол табиатли одам билан бир қанча вақт суҳбатдош бўлди. Унинг бетаъсир муомаласига чидаб келди. Бир кун бадфеъл одам сафарга чиқиб кетди. Олим хафа бўлиб ийғлади. Буни кўрганлар таажжубланиб:

– Нодондан қутулганингизга севинмасдан йиғлаганингиз қизиқ. Шундай шерикдан халос бўлиш кўнглингизга шодлик, жонингизга ҳузур-ҳаловат эмасми? – дедилар. Фозил одам шундай жавоб берди:

– У бадфеъл шеригимдан ажралганим учун эмас, шунча ибратли суҳбатлардан хулоса чиқармай, ёмон феъл-атворини ўзи билан бирга олиб кетганига йиғлаяшман.

Олим амали билан

Бир деҳқон уйишинг ёнидан оқадиган дарёнинг нариги қирғогидаги даласига бир неча чақирим узоқдаги кўприк орқали қағнаркан. У шу ҳолда куннинг ярмини йўл юриб ўтказаркан. “Кишининг дили тоза бўлса, унда ҳасад, риё, зулмат бўлмаса, чин дилдан ихлос қилса, хатто ҳавода учиши, дарёнинг устидан юриши ҳам мумкин”, дебди бир олим. Бу гап деҳқонни қизиқтириб қолиб, уйига қайтаётиб йўлини дарё томон солибди. Зикру тасбеҳлар айтиб, дарё устидан юриб ўтиб кетибди. Унинг ҳар кунгидан эрта қайтганини кўрган хотини хайрон бўлиб бу ҳолатга изох сўрабди. У бўлган воқеани

сўзлаб берибди. Аёлининг ҳам олимга ихлоси тушиб:

– Олимларни меҳмон қилмоқ савобли иш, уйга чақириб келинг, - дебди. Бу истакни олимга билдириб, унинг ҳамроҳлигида йўлга чиқибди. Меҳмон йўл бошлаган бўлиб “қани юринг” дея дарё устидан юриб кетибди. Ярмига етиб ортига қараса, олим ҳайрону лол бўлиб қирғоқда турган эмиш.

– Нега юрмаяпсиз, ахир буни ўзингиз айтган эдингизку, - ҳайрон бўлибди у.

– Мен қалбим билан эмас, тилим билан айтган эканман. Имоним эса ҳали бунга етишмас экан, - деб изига қайтиб кетибди олим.

Бир кун бир донишманд дарё қирғоғига келди. Нариги томонга ўтиш учун кема топа олмади. Шогирди келди:

– Эй устоз! Бу ерда не қилурсиз? – деди.

– Бир жойга бормоғим керак, аммо ўтмоққа кема йўқ, - деди донишманд.

– Устоз! Илмингиз кўп бўлса, ҳасадни кўнглингиздан кетказинг, дунёдан жирканиб, балоларни ғанимат тутинг, барча ишларни Ҳақдан билинг. Қачон шундоқ бўлсангиз, оёғингизни сувга урингда, ўтиб кетаверинг, – деди. Ҳабиб оёғини Дажла дарёсига босиб, сувдан ўтди. Донишманд йиғлади. Ҳушидан кетиб йиқилди. Узига келгач, ундан:

– Эй донишманд! Сизга не бўлди? – деб сўрашди.

– Бу менинг шогирдимдир. Мени маломат қилди. Сув устидан ўтди, мен қолдим. Эртага сирот кўпригидан ҳам бутун халқ ўтиб, мен қолсам, ҳолим не бўлур! – деди. Сўнг шогирддан сўради:

– Бу мартабани қайдан топдинг?

– Устоз! Мен кўнгили оқартираман, сиз қоғоз қоралайсиз. Илмингиздан бошқаларга фойда тегар, ўзингизга тегмас – деди.

Заковат қоронғу тунда машғал мисоли

Бир қизча қўшнисидан чўғ сўраб чиқибди.

– Олақол, қизим, лекин куракчанг йўқ-ку, қандай қилиб олиб чиқиб кетасан? – дебди қўшни кампир.

– Рухсат бўлса бас, у ёғи осон, – дебди қизча.

Қизалоқ кафтига кул ёзиб, устига чўғ қўйиб, бемалол кетаверибди.

Шунда қўшни:

– Ақлингга балли, қизим, – деб орқасидан ҳавас билан қараб қолибди.

Ануширвон замонида бир киши қўшнисининг ҳовлисини сотиб олди. Қунлардан бир куни ер чопаётиб, ҳовли чеккасидаги дарахт тагидан бир кўза тилла топиб олди. Кўзани қўлтиқлаб, ҳовли сотган одамнинг олдига борди.

– Ҳовли чеккасидаги дарахт ёнидан хазина топиб олдим. Уни сен кўмган бўлсанг керак, демак, у сеники, – деди.

– Йўқ, – деди ҳалиги одам, – мен ҳовлини ери ва дарахтлари билан сотганман, шунинг учун энди бу хазина ҳам сеники.

Улар узоқ тортишиб, охири ажрим қилишни истаб, Ануширвоннинг ҳузурига бордилар. Воқеани суриштиргач, ҳукмдор улардан сўради:

– Фарзандларингиз борми?

– Ҳа, – деди улардан бири, – менинг ўғлим бор.

– Менинг эса қизим, – деди иккинчиси.

– Унда қуда-анда тутининглар, хазинани эса куёв билан келинга тўхфа қилинглар, – маслаҳат берди Ануширвон.

Ривоят қилишларича, Абу Лайс жанобларининг юздан ортиқ талабаси бор эди. Вақти келиб бир талабага: “Ўғлим, сиз олим бўлдингиз, сизга рухсат, вақт ганиматлигида халққа маърифат тарқатинг”, – дебдилар. Талаба устозидан фотиҳа олиб мадрасадан чиқиб

кетаётса, устоз шогирдини яна чақирибди. Шогирд угирилиб қараган экан, устоз бошини ушлабди, шунда мурид тилини чиқариб йўлида давом этибди. Талабалар аччиқланиб, “устозни беҳурмат қилди”, – дейишибди. Абу Лайс эса кулиб, бу шогирдим охирги имтиҳондан ўтди, дебди. Чунки мен “бошни ким ейди” десам, у “тил” деб жавоб қилди. Тилимиз ярим ризқимиздир. Тил дўстни душманга, душманни дўстга айлантиради.

Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли илм-фанни севадиган, олимларни ҳимоя қиладиган инсон бўлиб, болаликдан заковат ва фаросатли, ҳамма уни севарди.

Ҳорун ўғлини хусусий муаллимда ўқитди. Уқитувчининг бир одати бор эди: дарсда бошини энгаштириб ерга қараб ўтирарди, ўқувчи бир жумлани янглиш ўқиса, бошини кўтариб қараб кўярди.

Бир куни Ҳоруннинг ўғли: “Уддасидан чиқмаган нарсани нега ваъда қиласиз?” деган жумлани ўқигач, муаллим бошини кўтариб, унга қараб кўиди. Уғил: “Янглиш ўқиган бўлсам керак”, – деб жумлани диққат билан қайтариб ўқиди. Бола дарсдан кейин отасига:

– Отажон, муаллимимга бирор нарса ваъда қилган бўлсангиз, дарҳол ваъдангизга вафо қилинг, – деб воқеани айтиб берди. Ҳорун ар-Рашид:

– Дарҳақиқат, унга бир нарса ваъда қилгандим, эсимдан чиқибди, – деди, ўғлининг зукколигидан хурсанд бўлиб, ваъдасини дарҳол бажо келтирди.

Подшоҳ фуқароларидан бирини ўлимга ҳукм қилиб, сўнги тилагини сўрабди.

Маҳбус:

– Илтимосим шуки, шоҳ ўз қўллари билан менга сув тутсинлар.

Шоҳ маҳбуснинг ўлим олдидаги илтимосини ерда қолдирмай, унга пиёлада сув ичирибди. Шунда бир доно чиқиб подшоҳга:

– Э шохим! Бу банди кўлингдан сув ичиш билан меҳмонингга айланди. Халқимизда “Меҳмон отангдек

улуғ” деган гап бор. Энди уни жазолай олмайсан, – дебди.

Подшоҳ нима дейишини билмай лол қолибди, кейин тан олиб: “Бўйнидаги сиртмоқ олинсин”, – дебди. Шу воқеадан кейин бу подшоҳни халқ меҳмондўст деб мақтай бошлабди.

Ривоят қилишларича, қадим замонда Одилхон деган подшоҳ бўлиб, адолату сахийликда тентги йўқ экан. Унинг иккита паҳлавон ўғли бўлиб, каттаси баджаҳл, урушқоқ, кичиги эса мулоҳазали, одил ва раҳмдил экан.

Ногаҳон, икки ён давлатлар Одилхонга қарши юриш қилиш учун қўшин тўплаётгани маълум бўлибди. Шоҳ катта ўғли Зафарбекни яқинроқ давлатга, Раҳимбекни эса узоқ ва кучлироқ давлатга қўрибди. Мақсад Зафарбек душманни тезда енгиб келса, Раҳимбекка ёрдамга жўнатиш экан. Орадан бир ой ўтиб, Раҳимбек Зафарбекдан олдин, анча совға-салом билан жангдан қурбонсиз қайтибди. Отасига таъзим бажо айлаб: “Отажон, мен урушгани борган шаҳар подшоҳи жаҳонгиршоҳ ўта одил ва танги экан, – дебди. – У менга дўст, сизга ўғил қатори бўлди. Мен низони тинчлик йўли билан ҳал қилишни таклиф қилдим ва уруш майдонидан қиёматли дўст бўлиб чиқиб кетдик. Жаҳонгиршоҳ бизни меҳмон қилиб совға-салом берди, бирор гўдак биз сабабчи етим бўлмади, ноҳақ томчи қон тўкилмади”.

Одил шоҳ ҳавотир билан ўғли Зафарбекни кутибди. У кагга талофот эвазига зафар қозониб, қўшни мамлакатни култепага айлантириб, халқини қул қилиб ҳайдаб келганини тантанавор айтибди. Шунда ота уламою фузоларни йиғиб, тахтни кимга топшириш ҳақида мунозара бошлабди.

Олимлар сардори подшоҳнинг изни билан сўз олиб, Раҳимбекнинг ишини таҳсинга сазовор дебди: “Чунки душманни дўстга айлантирмоқ фақат оқиллар ишидур. Бир етимнинг оҳи Аршни ларзага солар экан, жоҳилни енгмоқ ҳақиқий паҳлавоннинг кори. Билаги бақувват одам бир кишини енга олса, билимли киши ўз ақли ва донолиги билан минглаб одамни ўзига дўст қилади”.

Хизматкор йигит хўжайинига рўбарў бўлиб, жилмайбди-да, уйига бориб келиш учун уч кунга рухсат сўрабди.

– Уч кун уйингда нима қиласан? – дебди хўжайини.

– Отам қазо қилди, кўмиб келаман, – дебди йигит.

– Отанг ўлган бўлса, нега жилмайиб туриб рухсат сўрадинг? – деб ажабланибди хўжайини.

– Отамнинг ўлими – менинг дардим. Ғамнок қиёфага кириб, дардимга шерик бўлишингизни истамадим, – дебди йигит.

Бир куни подшоҳ Абу Али ибн Синонинг донолигини текшириш учун уни ҳузурига чақирди. Олимни: “Ҳазрат, донолигингиз машриқдан мағрибгача машхур. Сизга саволим бор. Хонада фақат иккита эшик бор. Айтингчи, мен қайси эшикдан чиқаман? Жавобни қоғозга ёзиб беришг, хонадан чиқиб кетгач, қоғозни очиб кўраман”, – дебди ва ичида “алломани бир бошлай-чи”, деб ўйлабди. Ибн Сино жавоб ёзилган қоғозни тўрт буклаб подшоҳга узатибди. Сунгра хизматкорлар болта билан икки эшикнинг ўртасидаги деворни буза бошлабди. Одам бўйи дарча очилгач, подшоҳ мийиғида кулиб шу дарчадан чиқиб кетибди. Ибн Сино берган қоғозни очиб жавобни ўқибди: “Камина сизнинг ўтқир зеҳн соҳиби эканидан хабардорман: сиз на чан ва на ўнг эшикдан чиқасиз. Сиз девордан дарча очишни буюрасиз ва ҳосил бўлган “эшик”дан чиқасиз”.

Бир шоир хотинларни мазах қилиб шеър ёзганди. Подшоҳ саройидаги аёллар, вазиру ҳаким ва бойларнинг хотинлари аччиқланиб, у бечора шоирга жазо бермоқчи бўлдилар. Бу ниятларини подшоҳга арз қилиб, шоирни дарҳол саройга келтиришни талаб қилдилар.

Подшоҳ шоирни зудлик билан ўз ҳузурига келтирди. Уни ечинтирди ва қўлига бир таёқ олиб хотинларга:

– Шоирни мана шу таёқ билан уриб ўч олинг, фақат бир шаргим бор, орангизда ким хунук, бадбашара бўлса,

аввал ўша хотин ўч олишни бошлаши керак, – деди. Бироз вақт кутди, хотинлардан чурқ этган товуш чиқмади, бирор аёл хунук деган номга эга бўлишни истамеди. Подшоҳ табассум билан шоирга:

– Ҳеч бир хотин ўзини хунук, ёмон деб билмайди. Бу сенга ибрат бўлсин. Тур энди, кийимларингни кийиб уйингга кетавер, – деб шоирни жўнатиб юборди.

Бир куни подшоҳнинг вазири Бахлулга:

– Қутлуғ бўлсин, подшоҳ лутфу марҳамат кўрсатиб, сени айиқ ва тўнғизларга ҳоким қилиб тайинлади, – дебди.

– Бўлмаса, қадимингни билиб бос, чунки сен ҳам менинг фуқаром бўлибсан, – деб жавоб берди у.

Бузургмеҳр хотинининг саволига жавоб топа олмабди. Хотини:

– Шоҳнинг маслаҳатчиси сифатида катта маош оласан-у, менинг битта саволимга жавоб беролмайсан, – деса, Бузургмеҳр дебди:

– Мен фақат билганларим учун маош оламан. Билмаганларим учун ҳақ тўланганда, эҳтимол, хазинадаги барча олтинлар ҳам камлик қилар эди.

Ота ўғлига чақа пул бериб:

– Ўзимиз, сигиримиз, товукларимизга егулик бирор нарса харид қил, – деди.

Ўғил ўйлаб-ўйлаб, охири битта қовун сотиб олди-да:

– Дада, қовунни ўзимиз еймиз, пўчоғини сигирга, уруғини товукларга берамиз, – деди.

Ота:

– Балли, ўғлим, – деди.

Бир донишманд ўғлини уйлантириш учун эслихушли қиз ахтарар эди. У ўғлини ўзи билан олиб юриб, одам гавжум жойларда қаттиқ койир эди. “Ўғлингиздан нега хафа бўляпсиз?” – деб сўрасалар: “Ўғлим айтганимни қилади”, – деб жавоб берар эди. Бошқалар ҳайрон

бўлиб: “Ўғлингиз яхши экан, айтганингизни қилар экан”, – дердилар.

Кунларнинг бирида ота боласини яна уришиб турган эди, бир қиз: “Уришинг, койинг, қачонгача айтганингизни қилади-ю, айтмаганингизни қилмайди”, – деди.

Қиз ота билан ўғилга ёқди. Қария совчи юбориб, шу қизни ўғлига олиб берди.

Бир кишиникига меҳмон келибди. Нон-чоидан сўнг мезбон келинга: “Бирон ширин қовун ташлаб чиқинг”, – дебди. Келин: “Хўп бўлади”, деб уйига кириб кетибди. Уйда бор-йўғи битта қовун бор экан. Келин қовунни туйнукдан кўрсатиб:

– Дада, шу қовун бўладими? – деб сўрабди. Шунда ота:

– Йўқ, бошқасини танланг, – дебди. Келин қовуннинг бошқа томонини кўрсатиб:

– Мана буниси-чи? – деб сўрабди.

– Ҳа, балли, бу танлаганингиз ширин чиқса керак, олиб келинг, – дебди қайнотаси.

Бир ота ўғилларига:

– Қаранглар, узоқдан чанг-тўзон кўтарилди, бориб билинг-чи, нима гап? – дебди.

Бир ўғли от миниб, тўзон томон кетди. Ота иккинчи ўғлини ҳам шу мақсад билан юборди. Биринчи ўғли қайтиб келиб:

– Ота, биров пода ҳайдаб келяпти, – деди.

Бир нафас ўтар-ўтмас иккинчи ўғил ҳам етиб келди:

– Фалончи бой, мунча совлик, мунча тўқли, мунча кўчқор ҳайдаб келяпти. Тўртта подачиси, иккита ити ҳам бор. Фалон бозорга олиб бориб сотар экан, – деди.

Шунда ота: “Ишни мана шундай пухта қил!” – деб кагга ўғлига боқди.

Бир мамлакатнинг подшоҳлик ерларига бошқа мамлакат подшоҳи бостириб кирибди. Биринчи мамлакат подшоҳининг жанг қиладиган ҳоли йўқ экан. Нима қилишини билмай, ночор аҳволга тушиб қолибди.

– Подшоҳи олам, урушга кираверинг, лекин жангдан сўнг душманга ош-нон тортинг, отларига эса ем-хашак беринг. Бир-икки кун шундай тадбир кўрсак, душман хайрон бўлади, сўнг сулҳ тузиб, орқасига қайтади, – деб маслаҳат берибди доно вазир.

Подшоҳ вазир айтганидек иш кўрибди. Икки кунги оғир жангдан кейин эртанги муаммоларини ўйлаб ўтирса, “элчи келди” деб хабар беришибди. Элчи подшоҳга таъзим ила мактуб узатибди.

Мактубда: “Нон-тузингизга рози бўлинг, меҳмондўст халқ билан тинч-тотув яшашни истаймиз. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом деганлар. Нон-туз ҳурмати, сизни ҳам диёримизда меҳмон сифатида кўрармиз, деган ниятда орқамизга қайтдик”, – деб ёзилган экан.

Подшоҳ филининг куни битаётган экан, уни қишлоққа жўнатишибди. Қишлоқ аҳолисига кимда-ким подшоҳга филнинг ўлими хабарини етказса, ўша одам қатл этилади, деб айтишибди. Одамлар фил ўлиб қолишидан кўркиб, уни роса парвариш қилишибди. Лекин фил тез орада оламдан ўтибди. Бу мудҳиш хабарни қандай айта-миз, деб ўйланишибди. Шунда бир доно:

– Дўстлар, ташвишланманг. Мен ўзим бориб айтаман, – дебди.

Ҳалиги киши шоҳ саройига келиб:

– Подшоҳ ҳазратлари, севимли филингиз овқат ема-япти, сув ичмаяпти ва ҳатто нафас ҳам олмаяпти, – дебди таъзим қилиб.

– Нима, ўлдими? – сўрабди подшоҳ.

– О жаноби олийлари, бу сўзни мен эмас, сиз айтдингиз, – дебди доно.

Подшоҳ зукко кишининг ўткир зеҳнига қойил қолиб, уни мукофотлабди.

Арслон, бўри ва тулки ов илинжида ўрмонга боришди. Аслида арслон ўз тенги бўлмаган тулки билан бўрини овда шерик қилиши тўғри эмасди. Аммо “жамоат бўлишда барака бор” дейилгани учун бу сафар шуни ихтиёр қилди.

Энди улардан бири бошлиқ бўлиши лозим. Арслон ўзи бошлиқ бўлишини билгани учун бу ҳақда тулки билан бўрига маслаҳат солиб ўтирмади.

Тушгача улар бир ёввойи эшак, эчки ва семизгина бир қуён овлашди. Овлари бароридан келган эди. Овларини тишлаб судраганларича бир горга олиб келишди. Улар жуда ҳам очқанган, қоринлари таталаб борар эди.

Ўлжаларни ўртага қўйишди. Энди буни тақсимлаш зарур. Аслида, ким бошлиқ бўлса, ўша тақсим қилиши кераклигини арслон яхши биларди, лекин синаш учун бўрига қараб деди:

– Қани, тажрибали дўстим бўри, ўлжани ўртамизда тақсимла-чи?

Бўри дарҳол ишга киришди.

– Бош устига! Бирпасда ҳал қиламан. Аввало, сизнинг улущингизни бераман... Мана шу ёввойи эшак – энг катта овимиз. У сизники. Каттакон гавдангизга муносиб тушлик. Эчкига келсак, у менга тегишли. Менга шу ҳам бўлаверади. Қуённи бўлса, тулкига берамиз. Мана, бўлди, рухсат берсангиз, ейишни бошласак.

Арслонга бўрининг тақсими асло ёқмади. Биринчидан, у бўрининг: “Йўғ-е, биз ким бўлибмиз. Ўзлари тақсимласалар тузук. Агар бизга бермасалар, ўзларидан қолган сарқитга ҳам розимиз”, – дейишини кутган эди. Иккинчидан, бўрининг ўзини катта тутгани арслоннинг энсасини қотирди. Унга қолса, тулкига ҳеч нарса бергиси йўқ.

Арслон қаттиқ газабланиб, бўрига ҳайқирди.

– Эй аҳмоқ! Сен ким бўлибсанки, менга улуш ажрат-япсан?! Кимлигимни унутибсан! Ахир, мен ҳайвонлар подшоҳиман. Мен турганда сен аҳмоққа йўл бўлсин, – деди-ю, бўрини тилка-пора қилди.

Ақли-ҳуши бошидан учиб, қўрқиб кетган тулки қотиб қолди.

Бўрининг масаласини ҳал қилган арслон жойига келиб ўтиргач, дир-дир титраётган тулкига қараб:

– Сенга нима бўлди? Нега анграясан? Яқинроқ кел-да, овларни тақсимла! – деб буюрди.

Тулки амрга мувофиқ яқинроқ сурилди. Сўнг тили зўрға калимага келиб:

– Хўп бўлади, султоним! Тўғриси, улуш тақсимлаш мен бечоранинг иши эмас. Бу ишга фақат сиз лойиқсиз. Аммо... ўзингиз буюряпсиз. На чора... – дедию жим ўиланиб қолди. “Шундай тақсимлайки, жоним омон қолсин”, – деб ўйлади у.

– Нега жим бўлиб қолдинг? – деди арслон ўрнидан туриб.

– Ҳозир... ҳозир... Яхшилаб ўйлаб олдим-да... Хўш... ожиз фикримча, бу ёввойи эшак нонуштангиз бўлгани маъқул. Ахир, эрталабдан бери туз тотганингиз йўқ. Бунинг устига, чарчадингиз. Аслида, катта гавдангизга бу урвоқ ҳам бўлмайди... Эчкига келсак, уни тушлик ўрнида тановул қилсалар, жуда яхши бўлади. Ўзиям сизбоп тушлик. Танингизга куч-қувват бўлиб сингсин!.. Қуёнга келсак, каттагина ва семизгина нарса. Буни кечки овқатингиз учун сақлаб қўямиз. Ахир, кечкурун ҳам ни-мадир ейишингиз керак-ку...

Тулки шундай дея мўлтираб арслонга қаради.

Арслоннинг бу тақсимдан кайфи чоғ бўлди, ғазаби тарқаб, дили хотиржам тулкига қаради. Тушлик қилишга киришар экан:

– Баракалла, тулкивой. Мана буни одил тақсим деса арзийди. Балодай ақлинг бор экан-а! Бу тadbирни қаёқдан ўргандинг? – деди.

Тулки бир четда бурда-бурда бўлиб ётган бўрига ишора қилиб:

– Манави шўрликнинг ҳолидан, – деди.

– Офарин... Бундан буён менга қандай муомала ва хизмат қилиш лозимлигини бошқаларга ўргатасан. Уқдингми?!

Нонуштани гугатган арслон тулкига ўзидан ортган майда-чуйдаларни ейишни ишора этди.

Эшакнинг бошини ғажиётиб тулки ҳолига шукр қилар ва: “Яхшиям тақсим навбати менга бўридан кейин келди. Унинг ўрнида бўлганимда, ҳозир...” – дея ўйларди.

Демак, шерикликка инсофли, яхши, бамаъни кишиларни танлаш лозим. Чунки ҳақиқий дўст ишда билинади.

Устоз – отангдек улуг

Султон Салим Мисрни забт этиб, Истанбулга қайтиб келди. Хурматли илм соҳиби Ибн Камол подшоҳнинг ёнида борди. Ногаҳон Ибн Камолнинг оти хуркиб кетиб сакради. Султоннинг суг каби оппоқ кийимига лой сачради. Буни кўрган Ибн Камолнинг ранги ўчиб кўрқиб кетди, шоҳнинг ғазабли онларини хотирлади. Вазирлар ҳам саросимага гушиб қолдилар. Шу бир зумлик саросима Султон Салимнинг назаридан қочмади, у вазирага қараб:

– Бу тўним лойи билан сақлансин, – деди. Вазирлар бу буйруқ ҳикматини сўрагандилар, Султон:

– Ул мухтарам зот отининг оёғидан сачраган лой бизнинг шарафимиздир, у охиратда васиқаи баротимиз бўладир. Уламолар отининг оёғидан сачраган лой ҳам қанчалик қадрли эканини дунё тургунча билишсин, – деб жавоб берди.

Бир куни олимдан устоз ва отанинг даражаси ҳақида сўрадилар. У киши: “Отам мени кўкдан ерга олиб тушиб, дунёга келишимга сабаб бўлган, устозим эса, менга таълим бериб, илм ўргатиб кўкка кўтарган зотдир”, деб жавоб берди.

Маҳмуд Ғазнавийнинг гўзал боғи бор эди. Бир кун шу боғда отаси Сабуктегин Носируддавла шарафига зиёфат берди. Зиёфатдан кейин ўгли отасидан:

– Азиз отам, боғ ҳақида нима дейсиз, сизга маъқул бўлдимми? – деб сўради.

Отаси шундай жавоб берди:

– Эй кўзимнинг нури ўғлим, боғинг жуда ҳам зебо ва дилкушо, аммо давлати бор ҳар бир киши бундай боғни бунёдга келтира олади. Зеро, сен кўпларга муяссар бўлмаган бир боғни вужудга келтир, унинг меваси ҳеч ерда топилмасин.

– У қандай боғ экан? – деб эди, отаси жавоб берди:

– У боғ олим, фозил, устозлар, адиб, шоир, дониш-

маъналар суҳбатидир. Маърифат эгаларидан тарбия топиб, ҳайрли ишлар қилиш унинг дарахти бўлиб, меваси – яхши номга эга бўлишдир.

Имоми Аъзам ҳаётидан сабоқлар

Имоми Аъзамнинг Куфадаги уйи баланг эди. Муҳташам саройларни эса соларди. Бир куни у зотнинг ҳузурига бир киши келиб:

– Эй Имом, ўзингиз олим бўлсангиз-у, яна дунё дабдабасига майл этсангиз, бу қандай бўларкан? – деди.

– Биноийимни ҳамманинг уйидан юксак ва кўркем қурдирганимнинг сабаби – Куфага келган фақирлар энг аввал менинг уйимга кўзлари тушиб, ҳаммадан бой экан, деб тўғри меникига меҳмон бўлиши учундир, – деди имом.

Савол сурагувчи имомнинг донолигига тан берди. Ҳурмат-ла эгилиб, кўлларини ўтди ва у зотга талаба бўлди.

Имоми Аъзам икки талабасини жуда яхши кўрар, булар Имом Юсуф ва Имом Муҳаммад эдилар. Улар билан бирга сайр этар, суҳбатлашар эдилар.

Бир кун Имом икки шогирдининг ўртасида кетиб бораркан, улар Имоми Аъзамга не дейишларини билмай боришарди. Шунда Имом Муҳаммад:

– Эй устоз, сиз биз учун “Лана”даги “нун” каби сиз, – деди. Яъни, арабча “Лана” калимасидан “нун” тушиб қолса, “ла” қолади, ла эса йўқ дегани.

Имом Муҳаммад бу билан: “Устоз, сиз орамизда бўлмасангиз, биз йўқ бўлардик, бизнинг қадр-қимматимизни зиёда этган сиздирсиз!” – демоқчи бўлди.

Абу Ханифа қўшинларидан бирининг товуси ўттирилди. Қўшини Имомга мурожаат этди. Имоми Аъзам:

– Буни ҳеч кимга гапирманг, – дедилар. Масжидга бордилар. Жамоат тўплангач:

– Эй қўшнисининг товусини ўғирлаган, қушнинг патларини бошинга илаштириб масжидга келгани уялмаларингми? – дедилар Имом.

Шуңда жамоатдан бир одам бошини пайпаслади. Шу тариқа ўғри тоңилиб, товус эгасига қайтарилди.

Бир куни Имоми Аъзам ҳазратларини уч кимса синамоқчи бўлибди. Бири даҳрий, иккинчиси шаккок ва учинчиси жабарий (Худо ҳар ишни бандасига мажбуран қилдиради, деб эътиқод қилувчи) экан. Даҳрий:

– Худо бор бўлса, қани кўрсат?

Шаккок:

– Шайтон ўзи ўтдан яралган бўлса, дўзах ўти уни қандай куйдириши мумкин?

Жабарий:

– Пешонамга Худонинг ўзи ёмонлик қилади деб ёзган бўлса, нимага мен жазога тортилишим керак?

Ҳазрат саволларни тинглаб, лойдан учта зувала ясабдилар. Кейин зувалалар билан ҳалиги уч кимсани урибдилар. Қалтак еганлар қозига шикоят қилишди. Қозиликка чақирилган Имом:

– Мен бу кимсаларни урмадим, саволларига жавоб бердим, холос, – дедилар.

Кейин жавобларини изоҳлабдилар:

– Даҳрийга отган зувала билан оғриш деган мавҳумни менга кўрсат, мен ҳам сенга ахтарган нарсангни кўрсатай, дедим.

Шаккокга отган зувала билан, тупроқнинг тупроққа таъсир қилиши мисолида шайтоннинг азобини англатдим.

Жабарий нимага мендан шикоят қилади? Ахир уни уришимни Худо пешонамга ёзган-ку.

Қул Имоми Аъзамга мурожаат қилиб:

– Ҳазрат, бу ҳафта жума хутбасида бир қулни озод этишнинг фазилати, унинг савобидан сузлаб берсангиз, зора хожамиз бизни ҳам озод қилиб юборса, – деди. Имоми Аъзам қулга:

– Хўп бўлади, болам. Бир кун жума хутбамизда қул озод қилишнинг фазилати ва савобидан сўзлаймиз, – деди. Орадан икки жума ўтди. Учинчи ҳафта жума хутбасида Имоми Аъзам динимизда қул озод қилишнинг фазилатларини жамоатга узоқ сўзлаб, тўғри йўл кўрсатдилар. Жума намозидан кейин Имоми Аъзамнинг олдига илтимос билан келган қулни хожаси чақириб, “Сени Худо розилиги учун озод қиламан”, – деди. Қул севишиб Имоми Аъзамга ташаккур айтди. Фақат нега бу мавзу ҳақида олдинги жумаларда эмас, балки икки ҳафта ўтказиб сўзлаганининг ҳикматини сўради. Имоми Аъзам:

– У ҳафтада бир қул олиб, уни озод қилишга етарли пулим йўқ эди. Бу икки ҳафта ичида пул йиғдим, унга бир қул сотиб олдим ва уни озод қилдим. Шунда қул озод қилишнинг фазилатларини ўзим хис этдим, сўнгра сўйлаган эдим, жамоатга ҳам таъсир этди. Сўзлаган сўзим ҳикматини ўзим чуқур англаб етмаганимда, бугун сени хожанг озод қилмаган бўларди, – деб жавоб берди.

Эл деса Навоийни...

Ҳиротда Алишер Навоий билан бирга мавлоно Биноий деган шоир ҳам яшарди. Кунлардан бир куни Биноий Алишер Навоийнинг боғига келибди. Қараса, у бир қанча шоирлару машшоқлар, созандалару хонандалар билан ширин суҳбатлар қуриб ўтирган экан. Биноийнинг ғайирлиги тутибди. Шу пайт олдига вовуллаганича келган итга қараб овозининг борича:

– Ҳо, жанобларининг итлари ҳам нав (оҳанг қилади, демоқчи) қиладиларку, биз бундан беҳабар қолибмизда, – дебди. Шу билан Алишер Навоийни бошлаб “чақиб” олмоқчи экан. Биноийнинг ниятини дарров англаган Алишер Навоий унга шундай жавоб қилибди:

– Ҳа, энди анча-мулча боқиб парвариш қилган эдик, мавлононинг узлари қуриб турганларидек, бинойидек бўлди-қолди.

Шоирнинг суҳбатдошлари маза қилиб кулишибди.

Алишер Навоий билан Биноий аслида яқин дўст эдиларку, аммо орага тушган гап ташувчи ҳасадгуйлар туфайли бир-бирлари билан ади-бади айтишиб қолишарди. Нима бўлди-ю, Биноий бошқа подшоҳ хизматига ўтиб, ўзга юртга кўчиб кетди. Алишер Навоий эса ёшлигидан дўсти бўлган Хусайн Бойқаро ёнида қолди. Орадан йиллар ўтди. Шоирнинг гоҳ Навоий, гоҳ Фоний деб ёзган ғазаллари Биноийга етиб борарди. Биноийнинг ўзига бир оз бино қўйиб ёзган ғазаллари ҳам Алишер Навоийга етиб келарди. Ҳар икковлари бир-бирларини соғинишиб, кўришгилари келганми, ёки яна сўз ўйини, лутф қилишибми, бир-бирларига хат ёзиша бошлашди. Биноий узундан-узун бир ғазал битиб, охирига:

*Биноийдек ғазал юборди машҳур Биноий,
Ўқиб жавоб ёзсин деб Навоийми ё фоний.*

деб нуқта қўйди. Алишер Навоий ғазални ўқиб Биноийнинг нима демокчилигини дарров англади, ўзи ҳам ўтириб бадиҳагўйлик билан катта ғазал ёзди ва уни шундай тугатди:

*Биноий ғазалига жавоб битиб Навоий,
Деди: ўзингга қўйма бино, бу дунё – фоний!*

Айтишларича, ҳар икки шоир ҳам бир-бирлари билан ғазал тили орқали гаплашиб туришган экан.

Мир Алишер Навоий ғазалларини замонасининг энг билимдон хаттотларига кўчиртирар эди. Нима бўлди-ю, хаттотининг тоби қочиб қолди. Бундан хабардор бўлган, ўзини машҳур хаттот ҳисоблаб юрган бир олифта: “Рози бўлсалар, Алишер Навоийнинг хизматини жоним билан бажарардим”, – дебди.

Шоир шеърларини кўчиртиришга берибди. Бир пайт катта мушоирада Алишер Навоийнинг қулоғига: “Маликуш шуаронинг ўзлари нуксон-қусурга йўл қўйибдиларми, бошқалардан нимани ҳам кутиш мумкин?” деган гап чалинибди.

Гап нимадалигини дарров фаҳмлаган шоир кучиргирган ғазалларини олиб ўқибди. Қараса, мақтанчоқ хаттот бир нуқтани тушириб қолдирганидан, “кўз” сўзи “кўр”га айланиб қолган экан.

Алишер Навоий аҳли фозилларга қараб:

– Билимсиз хаттот очик кўзимни кўр қилди, – дебди-да, хаттотга жавоб бериб юборибди.

Ота – билак, она – юрак

Қадим замонда номдор саркарда ўтган экан. Унинг паҳлавонлиги, довжораклиги эл оғзида дoston бўлиб, жангга совут-дубулғасиз, қалқонсиз, фақаг қилич билан кирар ва доим ғалаба қилар экан.

Даврлар ўтиб паҳлавон кексайибди. Бир куни у темирчига бориб, ўзига қалқон, совут буюртириб, навбатдаги жангга совут-қалқон ва қилич билан кирибди. Шунда атрофдагилари ҳайрон бўлиб сўрашибди:

– Эй саркарда, жангга бу ҳолда ҳеч кирмас эдингиз-ку...

Саркарда бир хўрсиниб дебди:

– Мени дуо қилиб тургувчи онаизорим оламдан ўтдилар. Бу дуо менга қалқон-совут, ўқ ўтказмас дубулға эди, энди у киши йўқлар.

Қозининг ҳузурига икки аёл жанжаллашиб келибди. Улар бир болани “менинг болам” дея таллашиб-тортишаётган экан. Шунда қози жаноблари гўдакни иккига бўлиб, уларга тенг тақсимлаб беришни буюрибди.

Шу пайт аёллардан бири дод солиб, болани бўлмасликни, унга озор бермасликни, иккинчи аёлга тортиқ қилишларини сўрабди.

Иккинчи аёл эса қозининг адолатли эканини таъкидлаб, тенг бўлишларига розилигини айтибди. Қози муаммо ечимини топибди, болани биринчи аёлга топширибди. Она меҳри фарзандига озор етишига йўл қўтмаслигини таъкидлабди.

Бир ота ва ўғилни бир ҳоким қошига дарра уриб жазолаш учун келтирдилар. Аввал отани ётқизиб юз дарра урдилар. У индамади. Ундан сунг ўғилни ётқизиб бир дарра урган эдиларки, ота доду фарёд қила бошлади. Ҳоким деди:

– Сен юз дарра еганда овозингни чиқармадинг, ўғлингга бир дарра урганда нечун нола қиласан?

Ота деди:

– Танамга теккан дарраларга чидаб тургадим. Жигарим азобланишига чидай олмадим.

Фазл ибн Яҳё Бармакийнинг кўкрагида кичкинагина оқ доғ пайдо бўлиб, у бундан қаттиқ қайғуга тушди. Биров сезиб қолмасин, деб ҳаммомга ҳам кечаси борадиган бўлди. Бир куни ходимларини йиғиб: “Шу кунларда Ироқ, Хуросон, Шом ва Форсда энг кучли табиб ким?” – деб сўради. Ходимлар: “Форс Жосалик!” – деб жавоб беришди.

У Форсга одам юбориб, ҳаким Жосаликни Шероздан Бағдодга олиб келди. Сунг ҳаким билан пинҳона суҳбатлашиб, уни синаб кўриш мақсадида: “Оёғим нимагадир заифлашиб боряпти, муолажа қилиб кўрсанг!” – деди. Ҳаким Жосалик унга: “Сутли овқатлар ва аччиқ нарсалардан парҳез қиласан, бир ёшли товук гўштини нўхат шўрва қилиб ичасан, ҳалво ейсан, товук тухумининг сариғини асалга ийлаб, ундан ҳам тановул қиласан. Мазкур овқатланиш тартибини йўлга қўйганингдан кейин мен муолажани бошлайман!” – деди. Фазл: “Хўп, айтганларингни қиламан”, – деди.

Бироқ Фазл ўша куни кечқурун ўз одати бўйича ҳамма овқатлардан еяверди. Куюк зирабо овқати тайёрланган эди, ундан ҳам тановул қилди. Узум муроббоси, доривор моддалар солинган ловияли овқатдан ҳам ўзини тиймади.

Эртаси куни Жосалик келиб, унинг пешобини олишга буюрди. Пешобга назар солгач, қовоғини солиб: “Мен сени даволай олмайман, сенга аччиқ ва сутли овқатлар

ҳаммани меҳмонга чорлаб, яхши-ёмоннинг қўнглини оляпти-қу! Тиканингни ташлагин-да, иззат гулшанига ет, кўп машаққат чекмай, ўршингдан туриб, меҳмон бўлгин”, – дедим.

У ҳақида танивиш чекаётганимни англаган киши бошини кўтариб кудди-қу, шундай жавоб қилди: “Эй, оёғини хирс-очкўзлик занжирбанд этган, бўйинини эса гаъмаю гиланчилик арқони маҳкам боғлаган, ғайраг водийсига қадамини урмаган инсон! Сен ҳам бу тикан азобини тотиб кўр, шунда Ҳотами Тоӣ миннатини эшитмайсан!” Утингининг бу сўзлари асосли бўлиб, менга нисбатан унинг ҳиммати юксак эди”.

Аёл – ўйинг зийнати

Бир одам жуда ақлли ва одобли қизга уиланди. Хонимидан беҳад мамнуи, уйларида ғалва, ғавғо йўқ. Йигит бир кун дўстларикига борди. Ахлоқсиз одамларнинг: “Хотинимни “ундай жазоладим, бундай урдим”, деб мақтанганларини эшитди. Йигит хайрат билан улардан суради:

– Нега хотинларингизни урасиз? Бунга нима сабаб?

Дўстлари:

– Сабаб топиш осон. Масалан, уйга бир қадоқ гўшт олиб келасан. Қиймали суюқ овқат тайёрлаб келса, бошқа овқат ейишни хоҳлайман, деб жанжал чиқарасан, – деб ақл ўргатибдилар.

Эртасига хоними қийма шўрва олиб келганда, йигит уни жеркиб:

– Мен гуруч билан қийма ейишни хоҳлайман, – деди.

– Қийма ҳам бор, – деди хоними.

– Мен ток баргига ўралган қийма хоҳлардим.

– Бирпасда тайёрлайман.

Одобли хотин эри сўраган барча нарсани қўлидан келганча тезда тайёрлаб, унинг қўнглини олди. Йигит эртасига яна дўстларини йўқлади. Улар қизиқиб сўрадилар:

– Нима бўлди? Хотинингни қалтақладиңгни?

Йигит бўлган воқеани айтган экан, дўстлари:

Эр ҳиммати билан

Ҳотами Тойнинг кўргонида қирқта дарча бор экан. Ҳар куни муҳтожлар шу дарчаларга келишар, Ҳотами Тойдан садақа-эҳсонлар олиб, дуо қилиб кетишаркан. Бир куни Ҳотами Тойнинг укаси онасига нолиб қолибди:

– Нима учун ҳамма фақат акамни алқайди, дуо қилади. Мен ҳам сахийман-ку?

Онаси ўғлининг бошини меҳр билан силабди-ю, жавоб бермабди. Эртасига дарчалардан бирида тиланчи кампир кўринибди. Ҳотами Той йўқ экан, укаси садақа берибди. Кампир иккинчи дарчадан сўрабди. Ука яна садақа берибди. Учинчи дарчадан ҳам узатибди. Тўртинчи дарчадан ҳам ҳалиги кампир кўринганда:

– Сен қанақа тилагчисан ўзинг, ҳозир уч марта олдинг-ку? – дебди аччиқланиб укаси.

Шунда кампир бошидаги эски ёпинчикни олибди. У гадо эмас, Ҳотами Тойнинг онаси экан.

– Ана кўрдингми, ўғлим, – дебди она, – мен шу аҳволда қирқта дарчадан сўраганимда ҳам, аканг лом-мим демай садақа берган. Ўзингни сахий деб билганинг билан, асли қонингда хасислик бор, болам.

Бир одам Ҳотами Тойдан сўради: “Кафтларинг иши саховат бўлганидан бери ўзингга ўхшаган танти кишини кўрдингми?” У жавоб берди: “Бир куни катта базм қуриб, чўлда яшаётганларни меҳмон қилдим. Зиёфат учун юзта туя, сон-саноксиз қўю қўзи сўйилган эди. Бироз дам олиш учун меҳмонлар олдидан очикқа, сахрога чиқдим. Шу пайт қўз олдимда машаққат чекиб, орқасига тиканли шох-шаббаларни ортиб, юк остида жисми эгилиб, ҳассага таяниб, ҳар қадамда тўхтаб, дамини ростлаб бораётган кекса намоён бўлди. Унинг чекаётган изтироблари менинг кўнглимга ўт солгандек бўлди-ю, раҳмдиллик билан шундай хитоб қилдим: “Эй, қаддини машаққат юки паст айлаган, жисмига ғам тикани азоб бераётган инсон! Бугун Ҳотам уйида базм бўлаётганидан хабар топмадингми, зиёфатга бормадингми? Ҳотам

ейишни ман қилган эдим, сен эса зирабо ичибсан, мен таъқиқлаган овқатлардан ҳам парҳез қилмабсан, сенга дори мувофиқ келмайди!" – деди.

Фазл бу улуғ кишининг оқил ва фозиллигини билди, унга офаринлар айтиб, ўзининг ҳақиқий дарди ҳақида ёрилиб, деди: "Мен сени мана шу масала хусусида чақиргирган эдим, у айтганим ва еганларимнинг ҳаммаси имтиҳон учун эди!"

Шундай қилиб, Жосалиқ уни даволашга киришди ва илму тажрибасидан келиб чиқиб барча муолажалари қилди. Орадан анча вақт ўтса-да, ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Ҳоким: "Нега бунақа бўляпти!" – деб жигибийрон бўла бошлади.

Бир куни у шундай деди: "Эй улуғ ҳукмдор! Мен даво учун лозим чораларнинг ҳаммасини амалга оширдим, аммо таъсири сезилмаяпти. Наҳотки, сен отангни норизо қилган бўлсанг?! Агар шундай бўлса, уни рози қил, шундагина сени бу дарддан қутқара оламан!"

Фазл ибн Яҳё қаттиқ аҳд билан отасининг ҳузурига борди ва ўзини унинг оёғига ташлаб, кечирим сўради. Отаси уни кечирди.

Шундан кейин Жосалиқнинг муолажалари таъсир қилиб, иллат аста-секин тузала бошлади ва орадан кўп ўтмай, бутунлай йўқолиб кетди.

Шундан сўнг Фазл ибн Яҳё табибдан: "Отаннинг мендан норизолиги бу иллатнинг сабаби эканини қандай билдинг?" – деб сўради. Жосалиқ: "Мен қандай усул билан даволамай, фойдаси бўлмагач, дуойи бадга қолганингни тушумдим". Атрофингда сендан норози одамни кўрмадим, одамлар эҳсонинг билан осуда яшамоқдалар. Аммо кейинроқ отанг билан сенинг орангга душманлик борлиги ва отанг сендан норози эканини билгач, давонинг фойдасизлигини тушундим.

Шундан сўнг Фазл ибн Яҳё Жосалиқни катта инъомлари билан Форста жунатиб юборди.

– Бахгли экансан, хотининг ақлли, чаққон аёл экан, – деб ҳаваслари келибди.

Қобул подшоҳи Дўстмуҳаммадхонга қарши душманлар бош кўтаришди. Подшоҳ уларни бостириш учун ўғли шаҳзода Акбархон бошчилигида қўшин юборди. Бир неча кундан сўнг шаҳзода мағлубиятга учраб, жанг майдонини ташлаб кетди, деган хабар тарқалди. Подшоҳ саросимага тушиб, хабарни хотинига айтди. Аёл: “Бундай бўлиши мумкин эмас”, – деб ишонмади. Подшоҳ: “Жанг майдонидан келган элчининг хабари хато бўлиши мумкинми?!” – деди. Малика эса ўз фикрида қатъий туриб олди.

Эртаси куни чопарлар: “Шаҳзода ғалаба қозониб, уйга қайгяпти”, – деган хабар олиб келдилар. Хушхабарни эшитган подшоҳ суюниб, тўғри хотинининг ҳузурига борди. Аёли ўғли ҳақида қатъият билан айтган сўзларини эслаб, бундай дейишга қандай асосинг бор эди, деб сўради.

Мўътабар она бундай деди: “Мен доим ҳалол луқма ейишга ҳаракат қилганман. Шаҳзодага ҳомиладор бўлганимда ҳам, уни дунёга келтирганимдан сўнг ҳам ҳаргиз ҳаром луқма емаганман. Шунингдек, боламни таҳоратсиз эмизмаганман. Шуни аниқ айтаман, ҳалол луқма еб ўсган боланинг табиаги ва хулқи гўзал бўлади. Мен шаҳзоданинг Ватан ҳимоясида мардларча ҳалок бўлиши ёки ғалаба қозонишига ишонардим. Лекин номарднинг ишени қилишига ишонмайман. Зеро, кўрқоқлик ва хунук иш фақат ёмон тарбия кўриб, луқмасига ҳаром аралашганлар қисматидир”.

Бир киши илм ва доноликда шу даражага етибдики, ҳатто кундузи ҳам осмондаги юлдузларни кўра оладиган бўлибди. Бунга сабаб хотинининг ниҳоят даражада донолиги, покизалиги, саранжом-саришталиги экан. Дарҳақиқат, хотин эрига жуда яхши муносабатда бўлар, уни вақтида ювиб-тарар, кийим-бошларини озода тутар, тозаликка ҳаддан ташқари риоя қилар экан. Бир кун и ўша киши хотинига мақтаниб қолибди:

– Эй хотин, қанча фахрлансанг, мағрурлансанг арзийди. Чунки мендек зеҳни ўткир, илмли эринг бор. Қара, кундуз куни ҳам осмондаги юлдузларни кўра оламан.

– Ҳа, дадаси, бунинг ҳаммаси менинг орасталигим ва сизни покиза парвариш қилишим туфайли, – дебди хотини мамнунлик билан.

– Э, қўй-е, ақли паст хотин, – дея жеркиб берибди эр, – қандай қилиб сен туфайли бўлсин, ахир? Ўзимнинг ақл-заковатим туфайли шу даражага етишганман.

Бундан қаттиқ ранжиган хотин шу кундан эътиборан эрини яхши парвариш қилмай қўйибди. Орадан кўп вақт ўтмай, эрининг кўзлари хиралашиб, энди кундуз куни юлдуз кўриш у ёқда турсин, ҳатто тўғри йўлни ҳам топа олмайдиган бўлибди. Шундан кейин хотинидан узр сураб, қилган хизматию садоқатига тан берибди.

Ривоят қилишларича, бир оилада кўп жанжал бўлар, эру хотиннинг мурасага келиши жуда қийин экан. Эр хотиндан, хотин эса ундан тинимсиз нолир экан. Ниҳоят, аёл табибнинг олдига бориб эридан кўп ҳасрат қилибди ва заҳар беришини сурабди, шояд, шу заҳар билан эридан қутулса...

Табиб бироз сукут сақлаб ичкари уйга кириб кетибди ва косада бир суюқлик олиб чиқиб хотинга берибди: “Қизим, ушбу заҳар секин таъсир қилувчидир, лекин ўта кучли. Эринг жуда борса йигирма кунда ўлади. Заҳарни ишлатиш усули осон: эринг жанжал бошласа, оғуни оғзинга олиб, ерга қараб сукут сақлаб тур”.

Аёл хурсанд бўлиб, табиб ҳузуридан чиқиб кетибди. Орадан ун кун ўтиб, жуда гамгин киёфада табиб ҳузурига келиб, унинг оёғига йиқилиб, эрини қутқаришни зорланиб сурабди. Табиб дебди:

– Энди иложи йўқ, вақт ўтди. Ахир ўзинг айтдинг-ку, эрим жанжалкаш, бадфеъл деб.

Аёл илтижо қилибди:

– Оҳ, табиб, эрим жанжал қилмай қўйди. Мурасамиз жуда яхши. Мен унинг бунчалик яхшилигини билмабман. Агар ўлиш керак бўлса, майли, мен эрим учун

улишга тайёрман. Ахир шундай яхши эрни ўлдириб, бир умр виждон азобида қандай яшайман?!

Табиб кулиб дебди:

– Қизим! Мен табибман, менинг касбим даволаш, ўлдириш эмас. Сенга берганим захар эмас – оддий сув эди. Сен уни оғзингга олгач, гапиролмайсан. Энди тушунгандирсан: эрнинг жаҳли келганда аёл жим турса, ҳеч қандай жанжал бўлмайди.

Бир киши саҳрода эр-хотинга дуч келибди. Хотин ниҳоятда чиройли, эр эса ўта хунук экан. Ўша зот бу холдан таажжубга гушибди.

– Шу ҳусну латофатинг билан нега бундай хунук кишига турмушга чиқдинг, у билан қандай яшамоқдасан? – дебди аёлга.

– Нега ўйламай гапирасиз? Кишининг чиройи, аввало, ботинида. Қолаверса, балки эрим Ҳақнинг ризолиги топган бўлиб, У зот мукофот қилиб мени насиб қилгандир. Балки қайсидир гуноҳим учун мени шу бандасига муносиб кўргандир. Биз тақдирни билмаймиз ва унга аралаша олмаймиз, – дея жавоб берибди аёл.

Бир одам қариндошларидан бирининг олдига бориб уйланмоқчилигини айтди. Қариндош аёл ўртада туриб уни уйлантириб қўйди. Уйланган йигит биринчи куни келинга бир халтачада қаҳва олиб келди. Хоним халтачани эҳтиёткорлик билан очиб, қаҳвани ичишга тайёрлай бошлади, халтачани эса деразадан отиб юборди. Йигит хотинининг ишларини диққат билан кузатиб турди. Сўнг совчилик қилган қариндош аёлни чақирди. “Мен бу хотин билан ажрашаман, бўлмайди”, деди. Аёл бошқа келин топиб, йигитни яна уйлантирди. Йигит яна бир халтачада қаҳва олиб келди. Янги келин ҳам аввалгиси каби халтачани бўшатиб ташқарига отди. Йигит бу хотинини ҳам қўйиб юбориб, “бўлмайди”, – деди. Совчилик қилган қариндоши бир танишига бўлган воқеани сўзлаб, бошқа келин топмаслигини айтди. Уларнинг суҳбатини эшитган бир аёл “мен унга тегаман”, деб қолди. Восита-

чи булган хогин: “Бўлмайди, сени ҳам ҳайдайди”, – деганига қарамай, аёл ўша йиғитга турмушга чиқди. Бу сафар келин эри олиб келган қаҳва халтачасини авайлаб гахлаб, иши билан бирга олиб кўйди. Хотинининг ишини кузагиб ўтирган йиғит:

– Хоним, нега бу қоғозни олиб кўйдинг, ташлаб юбор, – деди. Аёл:

– Йўқ, нега ташлайман. Ота-боболаримиз “Сақла сомонни, келар замони”, деганлар. Бир кун бу халтача керак бўлиб қолар, – деди. Йиғит:

– Майли, ишини нега олиб кўйдинг? – деди. Аёл:

– Рўзгорда ҳамма нарса керак. Бир кун бирор нарсани боғлашга керак бўлиб қолар, – деди. Йиғит:

– Албатта, албатта, хоним. Мана энди рўзгор тебратадиган, тадбирли, оқила аёлга уйланибман. Худоба шукрлар бўлсин. Аммо сендай оқила аёлни осонликча топганим йўқ. Майли, ҳозир жуда мамнунман, – деди.

Аёллар йиғинида бир ёш жувон барчанинг диққатини ўзига жалб этди. Кийинми оддий, оройинши табиий бўлиб, боодоб сузлашарди. Гапга қулок соларди. Хизматни югуриб-елиб бажарар экан, “яна буюринг”, дегандек турарди. Шунда бир кекса аёл:

– Бу келин уста кўрган. Келиннинг устози қайнона. Қайнонали келин – қарқара келин, қайнонаси келин – гасқара келин, – деди.

Бир муштипар она ўтиллариини уйлантириш учун бўлғуси келинга эмас, қизнинг онасига назар ташларди, суҳбатлашарди.

– Бу нимаси, оини? – деб сурашса, она:

– Онасини кўриб, қизини ол, – деб жавоб берарди. Бир кун у иттифоқо етти қиз туққан онага дуч келиб қолди, суҳбатлашди ҳам. Уйга келиб фарзандларига:

– Етти қизнинг онасини кўрдим. Ҳанузгача келинчакдек иш тутади. Уин саранжому саришта, ҳовлиси ёғ тушса ялагудек покиза. Қизлар одатда оналарига ўхшаб ўсадилар, рўзгор тутадилар. Агар сизлар ҳам бўлажак

қайлиқларингизни қадрласанглар, фароғатда яшайсизлар. Бу ёғи сизларга боғлиқ, – деди она.

Бир донишмаңд пири бадавлат кекса бор эди. У қариндош-уруғ, болалари, невараларининг оила туттишини синаб кўрмоқчи бўлди. Аттор, боққоллардан сақич, хина, сирга ва яна турли-туман нарсалар сотиб олди. Қараса, бир тўп қизалоқ “зум-зум” ўйнаётир. Кекса ўтириб, тугунини ечди:

– Бу нарсаларни қийқимга алмаштираман, – деди.

Қизлар дув этиб уй-уйларига кириб кетишди. Сўнг бирин-кетин бири бўз, бири чит, бири мовут, яна бири ипак қийқим олиб чиқаверди... Лекин бир қизалоқ оёгининг учи билан ерни чизиб, бир четда тураверди.

Кекса унга қараб:

– Сенга ҳеч нарса керак эмасми, қизим? – деди.

– Биз қийқимларни ташлаб юбормаймиз, жуда бўлмаса, улардан қуроқ тикамиз, – деди қизча.

Қария бу гапдан хурсанд бўлиб:

– Балли, сенинг онанг тадбиркор, чакқон, доно экансан. Фаровонлик – тежамкорликда, – деди.

Чол қизалоққа ҳам олиб келган нарсаларидан ҳаля берди.

Бешта ака-ука битта ҳовлида жуда аҳил яшашар, ҳамма уларга ҳавас билан қарашар экан. Кунлардан бир куни катта ака хотинига мақтаниб: «Мана қара хотин, биз ака-укалар қандай аҳилмиз, яхши тарбия кўрганмизда», – дебди. Шунда хотин айғибди: «Тўғри, сиз ака-укалар яхши тарбия кўргансиз, лекин бу аҳиллигингиз сабабчиси кўпроқ биз овсинлармиз, чунки сизларни онангиз, яъни бизнинг қайнонамиз биз келинларга кўп яхши ўғитлар бериб, бизларни шундай тарбиялаганлар ва мени ўринларига она қилиб сайлаб кетганлар. Биз аҳилмиз, шунинг учун сизлар аҳилсиз. Агар бизлар орамизга шайтон ораласа, унда Худо асрасин. Шунда катта ака «Бу гапинг нотўғри. Хотинлар кўлидан ҳеч нарса келмайди», дебди. Хотини пинҳона бир кулибди-ю, лекин индамабди.

Эртаси куни овсинларини йиғиб, «бир енгил ҳазил қилмаймизми? Чунки ака-укалар оиладаги ўрнимизни билишмайди шекилли», дебди.

Шу куни ака-укалар бир қўйни сўйишиб, серғўшт деб унинг орқа сонини катта аканинг уйига киритиб қўришибди, шунда у хотинига «Қара, укаларим доим мени ҳурмат қилиб серғўшт жойини беришади, ажойиб укаларим бор-да», дебди.

Хотини бир қошини чимириб: «Ҳа, шундай акамнинг иши орқага кетсин деб қар доим орқа оёқни беришади, укаларингиз нияти аллақачон бузилган», дебди. «Эй хотин ундай дема», дебди эри, лекин юраги ғаш бўлиб қолибди. Овсин арзимаган баҳоналар билан ака-укаларни тез кунда юз кўрмас даражасига етказиб қўйишига оз қолибди.

Бир куни катта ака уф тортиб хотинига: «Эй хотин, нимагадир юраги тор, укаларимни кўргим йўқ, юр бошқа уй қилиб бу ота жойидан чиқиб кетамиз», дебди. Шунда хотини «Эржон, аввало мени кечиринг. Шуларнинг ҳаммасини мен ўйлаб чиқариб овсинлар билан маслаҳатлашиб қилдик, чунки оилада асосий ролни биз ўйнаймиз. Келинг, эртадан яна биз ўз ролимизга, яъни вафодор хотин ролига қайтамиз. Тез кунда илгаригидан ҳам иноқ бўлиб кетасиз, фақат шу иш баҳона ака-укалар ўз ақлингиз бўш жойини тўлдириб олинг. Эрни эр қилувчи ҳам, қаро ер қилувчи ҳам хотиндир. Хотин қанча пасткаш молпараст бўлса, эрни молгаю, уйни молхонага айлантиради», деб айтибди.

Бола – азиз, одоби ундан азиз

Бир куни ёш оила фарзанд кўрибди. Хурсандчилик билан икки-уч кун ўтиб кетибди, тўртинчи куни оила бошлиғи турмуш ўртоғига айтибди:

– Худога шукур, фарзанд ҳам кўрдик, энди унинг тарбияси тўғрисида қайғуриш лозим. Боламизни олиб Абу Али ибн Синонинг олдиларига борамиз.

Олимнинг хузурига келиб вазиятни тушунтиришибди ва боланинг тарбиясига оид маслаҳат сурашибди. Шунда ибн Сино сурабдилар:

– Фарзандингиз қачон туғилди?

– Тўрт кун бўлди, тақсир.

– Ҳа... Тўрт кун бўлса, анча кечикибсизлар. Боланинг тарбиясини туғилган лаҳзадан бошлаш керак эди...

Луқмони ҳақимдан:

– Насиҳатларингизнинг кўпи ёшларга оид, аммо катталарга камроқ бўлади, бунинг сабаби нима? – деб сурадилар.

Луқмони ҳақим шундай жавоб берди:

– Боғбон ерни юмшатиб кўчат ўтқазиб, унинг атрофини хас-хашақдан, зарарли ёввойи ўтлардан тозалаб, керак бўлган вақтда сув билан ўғит бериб турса, тез вақтда дарахт вояга етади, серҳосил бўлади.

Болани ҳам ёшлигидан бошлаб яхшилаб тарбия қилинса, гўзал ахлоқли, одобли этиб ўстирилса, у бола ўзига, ота-онасига бахт-саодат келтиради, жамият учун керакли, фойдали инсон бўлиб етишади.

Шоҳ Хусравдан:

– Ўғилларингдан қайси бирини кўпроқ севасан? – деб сурашибди.

– Тартибга риоя қиладиган, ор-номусини кўз қорачиғидай сақлайдиган, жамиятда олий мартабали бўлиш учун ҳамиша жон куйдирадиган ўғлимни кўпроқ яхши кўраман, – дебди.

Бир бадавлат одамнинг иккита ўғли бўлиб, улар тантиқ эдилар. Қўшниларида бири кекса, оқил, яхши ахлоқли, ҳаммага меҳрибон зот эди. Бир кун ўша мўйсафид болаларнинг отасига:

– Қўшни, ўғилларингиз одоб-ахлоқдан биров сабоқ олсалар, ўзлари учун ҳам, сиз учун ҳам жуда яхши ва хайрли бўлади. Мен кексайган, аччиқ-чучукни тотиган, тажрибали одамман. Болаларингизга таълим-тарбия бе-

рувчи устоз топинг, уларга ахлоқ, одоё, тарбия, дин, фазилат дарсини берсин. Кейин роҳатини курасиз ва менга раҳмаг айтиб эслаб курасиз, – деди.

Болаларнинг отаси бадавлат бўлса ҳам, ҳаётий тажрибаси оз, пули бўлгани билан фаҳми кучли бўлмаган одам эди. Кекса қўшни насихатларига бундай жавоб берди:

– Мен фарзандларимга кўп давлат тўшладим. Мерос уларнинг яхши, қийналмай янашига бемалол етади. Бундай дарсларга эҳтиёж йўқ.

Орадан бир неча йил ўтди. Бир кун бадавлат ота ўғиллари билан дастурхон атрофида ўтириб:

– Ўғлим, менга озгина сув бергин, – деди.

Кичик ўғил отасига:

– Ота! Сув яқинингизда гурибди, ана пақир, ана чўмич, – деди.

Укасининг отасига қилган бу муомаласини тунғич ўғли қўпол деб ўйлади шекилли:

– Ота, сен бу ўғлинининг феъли, ахлоқи қандайлигини яхши биласан. Ўнга айтиб ўтирмай, шундай туриб ёнингдаги челақдан чўмичда сув олиб ичгин-да, менга ҳам бир чўмичда сув бер, – деди.

Бир подшоҳнинг ёнида ўзининг ва хизматчисининг ўғли ўтирганди.

Подшоҳ ўз ўғлидан:

– Ўғлим, ростини айт, сен нималарни орзу қиласан? – деб сўради.

– Молу мулким кўплиги билан шуҳрат қозонишни, доим зиёфатда бўлиб, овга чиқиш, сайру саёҳатда юришни орзу қиламан, – деб жавоб берди ўғли. Сўнгра хизматчисининг ўғлидан:

– Тўғриси айт, сенинг келажакдаги орзу-тилагинг нима? – деб сўради.

Хизматкорнинг ўғли мулоҳимлик билан:

– Шафқатли, марҳаматли, хайр-саховатли бўлиб, халққа хизмат этиш, ҳамманинг меҳру муҳаббати, олқишига сазовор бўлишни орзу қиламан, – деб жавоб берди.

Подшоҳ унинг сўзларидан куп таъсирланди, бу олижаноб болани қучоғига олиб севди, кўз-кўзларидан ўпди:

– Баракалла, ўғлим, шундай бўлиш керак, орзу-ниязингга, мурод-мақсудингга ет, – деб олқишлади, ўз ўғлини ҳам яхши тарбия қилишга аҳамият берди.

Уч-беш ёшли гўдак қўшнисининг уйидан тухум ўғирлаб онасига олиб келиб берди. Ҳаром-ҳалолни фарқламаган жоҳил она тухумни боласидан олиб:

– Менинг меҳрибон ўғлим, балли, – деб пешонасидан ўпди.

Бола шу кундан бошлаб қўшнисиникидан тухум ўғирлаб чиқа бошлади. Йиллар шу тарзда ўтди. Ўғрилиқ тухумдан товукқа, товукдан хўрозга, хўроздан қўйга ўтди. Охир-оқибат бола ашаддий каззоб ўтрига айланди. Бир куни Қонун уни ўлим жазосига маҳкум этди. Дор тагига гуноҳкор йигитни олиб келишди. Она юзини тирнаб, сочини юлиб йиғлади. “Менинг бу ҳаётда ўғлимдан бошқа ҳеч кимим йўқ, унга омонлик беринг, озод этинг”, – деб ёлборди. Йигитдан сўрадилар:

– Сенинг охирги истагинг борми?

Маҳкум бундай деди:

– Бир кичик тилагим бор. Суюкли онажонимнинг муборак тилларини ўпишни истайман.

Маҳкумнинг охирги тилагини бажо келтириб, онасини ўртага олиб чиқдилар.

Она тилини чиқарган эди, ўғри унинг тилини гишларни орасига олди-да, қаттиқ тишлаб қайчида кесгандай узиб олди. Тўпланганлар “вой” деб юборишди. “Бу бола мунча қаттол, шунча жиноятларни қилгани етмаганидек, онасининг ҳам тилини узиб оладими?” – деб хайратландилар. Ўлимга маҳкум бўлган йигит:

– Эй инсонлар! Ҳайрон бўлманг. Менинг ўлимга маҳкум бўлишимга сабаб бу ёмон тилдир, у менинг бошимни еди! Гўдаклигимда қўшнимнинг уйидан тухум ўғирлаб келганимда онам менга офаринлар айтиб, пешонамдан ўпган эди. Агар ўшанда мени тарбия қилиб, ўғирликдан қайтарганида, жоним омон қоларди, – деди.

Ҳар кимки вафо қилса...

Фақир бир одам қишлоғидаги хонадонларнинг сирларини яйловда боқиб берарди. Унинг оғирлиги бировга тушмас, шу меҳнати билан рўзғор тебратарди. Чўпоннинг аҳволини тушунадиган, эрини кадрдайдиган, фаросатли, оқила хотини бор эди. Шунинг учун қишлоқда у энг бахтиёр одам ҳисобланарди. Кимки хотинидан жаҳли чиқса, “Бор, чўпоннинг хотинидан ибрат ол”, дер эди. Кунлардан бир кун қишлоқ оғаси хотинидан хафа бўлди:

– Эй гап тушунмайдиган, бефаҳм хотин, бориб чўпоннинг хотинидан озгина бўлса ҳам ақл ўрган, ибрат ол, эрни кадрлашни ўрган, – деди. Хотини:

– Чўпоннинг хотинидан нимани ўрганаман. Эри чўпон бўлса, ўзида на ҳунар, на фазилат бор, – деб гап қайтарди. Оға жаҳл билан ишига кетди. Аёли безовта бўлиб қолди. Ўйлаб-ўйлаб: “Чўпоннинг хотинини ҳамма мактайди, бир кўриб келай”, – деб йўлга чиқди. Ўша пайт чўпоннинг хотини офтобрўя жойда турган идишдан сув олиб ичар эди. Оғанинг хотини:

– Шу сувдан менга ҳам бсринг, – деди. Чўпоннинг хотини:

– Бу сув исиб қолган, сизга муздайдан олиб келаман, бир оз кутинг, – деди. Оғанинг хотини:

– Майли, лекин сиз ўзингиз нега исиб қолган сув ичяпсиз? – деб сўради. Мезбон:

– Хоним, шу жазирамада эрим далада юрибди. Қуёшда қизиган мешчасидаги сувдан ичаётгандир. Эрим у ерда исиган сувни ичса-ю, мен бу ерда совук сув ичсам, хотинлигим қаерда қолди!.. – деб жавоб берди.

Бир одам оқила, ақли ва гўзал хонимга ошиқ бўлди. У киши ҳам ақли одам эди. Аммо маҳбубаси никоҳ кунлариёқ касал бўлиб қолди. Натижада қизнинг ҳусн-малоҳати йўқолди, кўзи доғ бўлиб, нималардир тошиб кетди. Қизни табибларга кўрсатдилар, чора топилмади. Қиз йигит билан турмуш қурмасликка аҳд қилди,

уялиб йигит кўзига қарай олмасди. Аянчли вазиятда куёв ҳам касал бўлди. «Кўзларим кўрмай қолди», деди. Қизнинг раҳми келиб, куёвни ташлаб кетмасликка рози бўлди. Бу икки ақлли жуфт бахтиёр ҳаёт кечира бошладилар. Орадан неча йиллар ўтиб, аёл яна қаттиқ касал бўлиб, вафот этди. Хотини вафот этганидан кўн ўтмай эрнинг кўзлари очилиб, кўра бошлагани маълум бўлди. Яқинлари, қариndoшлари бунда қандай ҳикмат борлигини сўраганларида, у одам: – Қайлигим касаллиги туфайли мен билан яшашга кўнавермагач, уни қутқариш учун ўзимни кўрликка солган эдим, – деди.

Солиҳлардан бир киши аёли билан ажрашмоқчи бўлибди. “Аёлингда қандай айб бор?” – дейишибди. У: “Ақлли киши ўз аёлининг айбини фош қилмас”, – дебди. Ундан ажрашганидан кейин, “Аёлингда қандай айб бор эди?” – дейишибди. У: “Энди у менга бегона, бировнинг аёли билан ишим йўқ”, – дебди.

Шоҳ бир неча худудларни босиб олди ва итоатсизларнинг барчасини қириб ташлашга буйруқ берди. Ҳар бир аскар ўз хоҳишича бош олишга киришди. Бошлар тўпланган тошлар каби ҳамма ёқни тўлдирарди. Шу маҳал қотиллар икки бечора дўстга дуч келишди. Бир сипоҳ улардан бирининг калласини танасидан жудо қилишга шайланди. Ёнидан ханжарини чиқариб, рўпарасидаги одамнинг бошини чопмоқчи бўлган эди, дўсти ёв тиғи остида турганини кўрган ёндоши бошини душман аскарига тутиб: “Сенга бош керак бўлса, менинг бошимни кесақол”, – деб илтижо қила бошлади. Сипоҳ уни қолдириб, кейингисини ўлдирай деб тиғ кўтарган эди, ўртоғи қотил оёғига бош кўйиб, ўзини ўлдиришини тилади. Жаҳли чиққан сипоҳ. “Маيلي, иккалангизнинг каллангизни оламан”, – деб қай бирига ханжар кўтарса, иккинчиси ўзини тиғ домига тутарди. Улар бир-бирини ўлимдан сақлаш учун, бошларини қиличга тутишар эди. Бу воқеа босқинчи шоҳнинг қулоғигача етиб борди, у ғоят таъсирланди. Хунрезликни тўхтатиш ҳақида

буйрук берди. Икки жонажон дўст купларнинг омон қолишига сабаб бўлди.

Бир солиҳ кишининг рафиқаси хадеб азият бераверадиган аёл экан. Лекин эр хотинининг барча азиятларига сабр қилар, ҳидоят сўраб дуо қиларкан. Сабри туфайли, кеч кирганда уйда бир нур тараларкан. Аёли вафог этгач, ўша нур йўқолибди. Кўшнилари: “Нега уйингиздаги нур йўқолди?” деб сўрашибди. Шунда у киши: “Нур аёлимнинг яхшилиги туфайли тараларди”, – деб хотинининг айбларини беркитибди.

Машхур мутасаввиф Шайх Сухравардий бир куни Бағдодда ҳукмронлик қилган амир Муътасим саройига ташриф буюрди. Амир унга кўп ҳурмат кўрсатди. Уни тўрга чиқариб, кейин ўзи чиқди. Шайх одамларга ваъз сўзлай бошлади, амир эса ерга кўз тикиб жим турарди. Шу пайт шайх ҳурматли одамлар, шахзодалар ва амирлар орасида турган Ёқут помли кишини кўриб қолдида, ҳаяжонланиб ўрнидан туриб кетди, ҳайратдан қотиб қолди. Унинг бу ҳолатини кўрган амир шайхга: “Эй не-не оқил одамлар оёгингнинг чанги бўлган зот, шоҳлар ҳам сенга қуллуқ қилиб, фахрланадилар. Бундай олий мартаба Ёқутга қаердан келганки, сен унга бу хилда эҳтиром кўрсатмоқдасан?” – деб сўради. Шайх деди: «Қайси бир ҳурмат ва мартаба Худо унга берган ҳурмат ва мартабадан юксак бўлиши мумкин? Унинг иши Қуръон кўчириши бўлиб, ҳеч ким у сингари кўчиролмайди. У Худонинг сўзларига зийнат бергани учун уни ҳурмат қилиш бизга вожибдур». Шоҳ Ёқутга ўз қаторига келиб ўтиришни буюрди.

Қадимги Юнонистоннинг Карфаген шаҳрида бир қул савдогари яшарди. Ҳамма қулларига, хусусан Жиржис исмли қулига ҳам куп жабр-жафо етказарди. Савдогарнинг зулмига чидолмаган Жиржис, ниҳоят, қочиб кетишга қарор қилди. Бир куни кечаси ҳеч кимга сездирмай уйдан чиқиб, шаҳардан бир печа чақирим узоқ бўлган

ўрмонга кириб яширнди. Ўрмонда сарсон-саргардон бўлиб юргандан кейин бир горни кўрди. Очлик, чарчок жуда ҳам таъсир қилгани учун горга кириб ётди ва ширин уйқуга кетди. Кўп ўтмай, ваҳший бир ҳайвоннинг шиддатли ўкиришидан чўчиб уйғонди. Дарҳол горнинг оғзига келиб атрофга қараган эди, жуда катта, баҳайбат бир арслоннинг горга қараб турганини кўрди, қочиб қутулишнинг иложи йўқ эди.

Бечора Жиржис кўз олдидаги даҳшатли ҳайвон ўзини парчалаб ейишини ўйлаб даҳшат босиб турганди, арслон аста қадам босиб унинг ёнига кела бошлади. Ҳар бир қадам босганда гўё ёрдам беришни ўтинган каби секин ва қайғули товуш чиқарарди. Титроқ босиб, ҳайрат ичида турган Жиржис бироз хушини гўллаб арслонга қаради.

Арслон оқсоқланиб қадам босарди, оёғи қавариб шишганди. Жиржис арслоннинг ёнига келиб, унинг бошини силади, жароҳатланган оёғини қўлига олиб қаради, унинг товонидан тўпиғигача узун ва йўғон бир тикан кириб қолганини кўрди. Дарҳол тиканни олиб ташлади, рўмолидан йиртиб ярани боғлаб кўйди.

Арслон оёқ оғриғидан қутулиб, қўлдан келганча Жиржисга миннатдорлик билдиришга киришди. Жиржиснинг қаршисида сакраб-сакраб ўйнар, ғойибдан етишган бу табибининг оёқларини ялар эди. Ўша кундан бошлаб Жиржис арслоннинг меҳмони бўлиб қолди. Арслон овга чиқиб, қўлга киргизган ўлжадан бир қисмини Жиржисга келтирар, уни устига миндириб ўрмонни томоша қилдирарди.

Шу тариха Жиржис бир неча ой ўрмонда арслон ёнида умр кечирди. Ниҳоят, савдогарнинг одамлари арслон йўқ вақтида уни тутиб олиб кетдилар.

Савдогар шаҳар ҳокимига воқеани маълум қилди. Ҳоким Жиржисни арслонга едириш ҳақида ҳукм қилди. Жазо майдонига кўп одам йиғилди. Бир оздан кейин арслоннинг ўкирган даҳшатли товуши ҳаммани ларзага келтирди: яширин жойдан катта, баҳайбат арслон ўкириб чиқиб келди. Унинг кўзлари ўт каби ёнарди, бирдан Жиржисга қараб югурди. Бу кўрқинчли

манзарани томоша қилиб турганлар: «Ҳозир йиртқич Жиржис бечорани тилка-шора қилиб ташлайди», – деб қараб турардилар, лекин иш улар ўйлаганича бўлмади. Арслон Жиржиснинг ёнига тиз чўқди, эркаланиб унга юз-кўзларини сурди, оёқларини ялади, ёнида сакраб-сакраб ўйинга тушди. Томошабинлар ҳайрат билан бармоқларини тишладилар. Севинганларидан беихтиёр куз ёшини тўқдилар. Ҳайратда қолган ҳоким Жиржисдан ваҳший ҳайвон унинг ёнида кўйдек ювош бўлиб қолганининг сабабини сўради. Қул воқеани баён қилиб берди. Жиржис ҳикоясини эшитган одамлар унинг озод этилишини ҳокимдан ўтиндилар. Ҳоким буни қабул қилди.

Меҳмон – азиз, мезбон – лазиз

Ҳимматли бир одам зиёфат берди. Унинг гўзал ахлоқли, тарбияли бир ўғли бор эди. У кечгача меҳмонлар хизматида бўлиб, жуда чарчади. Бир иш билан болохонага чиққан эди, у ердан пастга йиқилиб, ўша онда вафот қилди. Ота бечора бу қайғули ҳолни кўриб юрак-бағри эзилди, кўзига ёш олиб, ўғлига келган фалокат ҳақида хотини ва оила аъзоларига секингина хабар бериб:

– Ҳеч қайсингиз товуш чиқариб йиғламанг, ўғлимнинг вафот қилганини меҳмонлар сезмасин, – деб таъкидлади. Меҳмонларга сездирмасдан марҳум ўглини ювдириб, кафанлатиб қўйди. Кейин меҳмонлар ёнига чиқиб, улар билан суҳбатлашиб ўтирди. «Ўғлингиз қаерда? Нега кўринмайди?» – деб сўрадилар. Ота бечора:

– Ўғлим хизмат қилиб жуда чарчаган бўлса керак, болохонада ухлаб ётибди, – деб жавоб берди.

Кечаси меҳмонлар мезбоннинг боғида тунадилар. Эрталаб чойдан сўнг улар кетишга рухсат сўраган эдилар, ота кузига ёш олиб:

– Дўстларим, ўғлим кечқурун болохонадан йиқилиб вафот қилди, кайфиятингизни бузмаслик учун сизларга

айтмадим. Ўғлимнинг жанозасига сизларнинг ҳам иштирок этишингизни утинаман, – деди.

Меҳмонлар отанинг сабр-қаноатига, меҳмонларга эҳтиромига тасанно айтиб, марҳумни иззат-икром ва дуолар билан чин дунёга кузатишди.

Аъробийлардан бири чодирли бир қабилага меҳмон бўлди. Уни иззат-икром қилиб едирдилар, ичирдилар. Қабила уни уч кун меҳмон қилди. Энди саҳарлаб йулга чиқиши керак эди. Мезбонлар кўчиши керак эди, меҳмон ётган чодирни ҳам йигиб, хатто бошидаги болишини ҳам олиб кетдилар. Қуёшнинг иссиғи қуйдириб уйғонган аъробий шундай деди:

– Дунё мисоли чодирнинг соясига ўхшайди! Бир кун келиб, шубҳасиз, сенинг соянг ҳам йўқолиши турган гап.

Бир кун Султон Сулаймон аркони давлат ила сайрга чиқди. Сайрда қағиқ селда қолишди ва Султон Сулаймон яқин орада жойлашган бир қишлоқ хонадонига кирди. Подшоҳнинг меҳмон бўлганидан мамнун бўлган қишлоқ одами яхшилаб ўт ёқди ва подшоҳни иситди. Бу одам ёққан ўт подшоҳга кўп хуш келди. Шоҳ мезбонни хурсанд қилиш учун:

– Бу сен ёққан олов минг олтинга арзийди. Минг олтинга! – деб илтифот қилди. Подшоҳ уйдан чиқаётиб дехқонга:

– Ота, бизнинг бирор бурчимиз борми? – деди. Дехқон:

– Бурчингиз бир минг бир олтин, подшоҳим, – деди. Подшоҳ хайратга тушди ва:

– Бу ниманинг баҳоси? Нега мунча кўп пул сўраяпсан? – деди. Дехқон кулиб:

– Подшоҳим, мен овқат учун бир олтин сўрайман. Олов учун сиз “минг олтинга арзийди”, дедингиз, – деди.

Подшоҳга дехқоннинг жавоби кўп хуш ёқди, завқланиб кулди ва минг бир олтин беришни буюрди.

Боилик – ўтқинчи

Етти иқлим шоҳи Искандар Рум ва Форс мулкига ҳам подшоҳ бўлди, Миср ва Ҳиндистоннинг ярми унинг амрига бўйсунди. Унга қуллуқ қилиш шоҳларга ифтихор бўлиб қолди. Ҳам шоҳ саркарда, ҳарбий билимлар соҳасида тэнгсиз олим бўлди. Шунчалик давлат, шону шавкат, бахт бўлса ҳам, бу дунёни тарк этаркан, кўп ожизлигу бечоралик кўрди, кўплаб овораликларга дуч келди. Умрининг охирида сафдошлари ҳам, хизматчилари ҳам унга ҳамдард бўлмади. Улар яшил боғда қолиб, ўзи қаро тупрокқа кирмағини ўйлаб, ўлими яқинлашгани сайин ичини минг хил хаёллар гирнарди ва ниҳоят шундай васият қилди: “Жоним узилгач, то бутим ёнидан бир кўлимни чиқариб қўйинглар, то бу кўлга одамларнинг назари тушса, унга ибрат кўзи билан боқсинлар. Билсинларки, Рум ва Форс шоҳи бу макондан жисмида жон йўқ ҳолича бўш кўли билан кетяпти. Жаҳон мулкани ҳавас қилган ҳар кимки, агар истаса, шу ибратни кўрсин”.

Ҳорун ар-Рашидга ледилар:

– Эй подшоҳим, тасаввур қилгилки, саҳрода ёлғиз қолиб ташналиқдан азоб чекапсан. Сенга бир қултум сув инъом этдилар, эвазига нима берар эдинг?

Ҳорун ар-Рашид жавоб қилди:

– Ҳазинамнинг ярмини.

Яна сўрадилар:

– Шоҳим, ичга кирган бу бир қултум сувнинг чиқиб кетмоғи ҳам бор. Чиқиб кетмоғи учун нимани бағишлар эдинг?

Ҳорун ар-Рашид жавоб қилди:

– Ҳазинамнинг қолган ярмини бахш этардим.

Шунда донолар дедиларким:

– У ҳолда барча бойлигининг қиммати бир қултум сувча экан.

Икки амакивачча бўлган экан: бири новча, иккинчиси пакана. Замонанинг зайли билан пакана катта амалга минибди-ю, бурни кўтарилиб қолибди.

Оддий косиб бўлган новча қаддини букиброқ юрар, икки кўлини кўксига қўйиб, ҳаммага тавозе билан салом берар экан.

Кунларнинг бирида амакиваччалар ёнма-ён кетишаётган экан, иттифоқо уларнинг олдидан бир чоҳ чиқиб қолибди: новча юрар йўлига қараб кетаётгани учун чуқурни кўрибди-да, бир сакраб ўтибди, осмонга қараб бурнини кўтариб бораётган пакана эса, чоҳга тушиб кетибди.

Нафс оқибати – зулм, зулм оқибати – хорлик

Давлатманд бой шайхга:

– Сизга қанча пул керак бўлса, мендан сўранг! – дебди.

– Йўқ, – дебди шайх. – Мен қулимнинг қулидан нарса сўрамайман.

– Ие, қанақасига қулингизнинг қули бўлай? – жаҳли чиқибди бойнинг.

– Нафс менинг қулим, сен эса унинг қулисан! – жавоб берибди шайх.

Бир замонларда Бағдоддан дуоси қабул бўлгувчи дарвеш чиқди. У ҳақда бир золим амирга хабар бердилар. Амир дарвешни чақириб:

– Мени бир хайрли дуо қил, – деди. Дарвеш:

– Эй Худо! Золим амирнинг жонини ол, – деди. Золим:

– Эй дарвеш, бу қандай дуо бўлди? – деди даргазаб. Дарвеш жавоб берди:

– Бу сенга ҳам, барча мусулмонлар учун ҳам хайрли дуодир. Чунки ўлимнинг инсонларга зулм этишдан хайрлидир. Шунда сен ҳам гуноҳдан қутуласан, инсонлар ҳам сенинг зулмингдан қутуладилар.

Бир киши кучқорининг буйнига арқон боғлаб ета-
клаб кетаётган эди. Ўғри арқонни кесди-ю, кучқорни
олиб қочди. Эгаси: “Кучқорни ўғри урди!” – деб ўнгу-
сўлга югургилай бошлади. Шу вақт ўғри дод-вой қила
бошлади. Кучқор эгаси уни кўриб: “Нега фарёд чекаят-
сан?” – деб сўради. Ўғри: “Қудукқа олтин тўла ҳамёним
тушиб кетди. Олиб берсанг, олтиннинг бешдан бирини
сенга бераман”, – деди. Кучқорнинг эгаси: “Бу нақд ўнта
кучқорнинг пули. Битта эшик ёпилса, ўнтаси очилди:
кучқорнинг эвазига Худо гуя берди”, – деб кийимлари-
ни ечди ва қудукқа тушди. Ўғри унинг кийимларини ҳам
олиб қочди.

Хуросонлик икки дарвеш бир-бири билан
сухбатлашиб саёҳат этарди, улардан бири ориқ ва кучсиз,
икки кунда бир марта таом ер эди. Иккинчи дарвеш эса
семиз ва кучли бўлиб, ҳар куни уч марта жигилдонини
тўлдиарди.

Улар бир шаҳар дарвозаси ёнида жосуслик тухмати би-
лан қўлга олиндилар. Икковини бир уйга қамашди. Икки
ҳафта ўтгач, уларнинг гуноҳсиз экани маълум бўлиб, озод
этмоқ учун эшикни очдилар. Семиз дарвеш очликка
тоқат қилолмай ўлиб қолган, ориқ дарвеш эса тирик эди.

Қадим замонда шоҳ бир вилоятга тайинлаган волий
халққа кўп зулм қила бошлади. Зулмдан тўйган халқ
шоҳга арз этгани вакил юборди. Улар шоҳ ҳузурига ки-
риб арз килдилар. Шоҳ арзни тинглаб: “Сизга ўзимдан
кўрқадиган одамни волий этиб тайинлаганман”, – деди.
Шунда вакиллар: “Сиздан бизга ўзингиздан эмас, балки
Худодан кўрқадиган одамни волий этиб сайлашингизни
сўраймиз”, – дейишди.

Бир табибнинг ҳузурига хастанни олиб келишибди. Та-
биб унга диққат билан разм солса, кўзлари очиг-у, дар-
мони йўқ, оёқларида жон бор-у, куч-қувват, мадор йўқ.
Хастанинг қўл томирларини узоқ ушлаб кўрган табиб
бошини сарак-сарак қилиб дебди:

– Касалингиз ғоят оғир куринади. Ҳаётда кимларга-дир ноҳақ жабр-зулмлар етказиб, кўзларини нурдан, оёқ-қўлларини куч-қувватдан мосуво қилганмисиз?

Шунда бемор қаттиқ йиғлаб юборибди ва қилмишларини рўй-рост тўкиб солибди:

– Чинданам Яратган Эгам қилмишимга яраша жазойимни беряпти. Мен гумроҳ бир вақтлар қабиҳлик, қаттоллик, ҳийла-найранг ишларим орқасидан бойиб кетгандим: ҳамқишлоқларим, таниш-билишларим ва ҳаттоки энг яқин оғайниларимни ўзга юртларга алдаб сотиб юборганман. Энди бу бойликлардан жонимга озгина бўлса-да, фойда йўқ. Уларнинг қарғиши текканга ўхшайди. Оёғимда занжир, қўлларимда кишан бўлмаса-да, улар ишламайди. Ё тавба! Оёқ-қўлларим, кўзларим бугун танамга ортиқча оғирлик қилаяпти. Энди, табиб-жон, айланай оғам, аҳволим нима бўлади? Сиздан бор дунёмни аямайман. Бошингиздан тилла сочаман, дардимга даво топинг...

Шунда табиб яна “Иложи йўқ” дегандай бош силкиб деди:

– Сизнинг дардларингиз давоси бандасидан топилармикин... Мен ожизман...

Хастани табиб ҳузуридан бир халта тупроқдай кўтариб чиқишибди.

Бир золим шоҳнинг хизматчиси бўлиб, у уйига қайтаётган балиқчидан зўрлик билан балиғини тортиб олди. Эртаси куни зўравоннинг қўли оғриб қолди. Табибга борса, суяги чирии бошлаган экан. Қўлининг бир қисмини кесиб ташлашди. Лекин яна оғриқ бошланди ва қўлининг ҳаммаси кесиб ташланди. Табиб бу гайри оддий ҳодиса сабабини бошқа, деди. Золим балик воқеасини айгиб берди ва балиқчидан ризолик олиш учун олдига борди, гуноҳидан ўтишни сўради. Балиқчи ўша куни қаттиқ дуоибад қилган бўлса-да, касални кечирди. Золимни хасталик тарк этди ва зўравонлигини ташлаб, тавба қилди.

Бир ҳукмдор боласини тарбиялаш учун муаллим олди. Бола фазилат ва адабда камолга етганда усто-зи уни сабабсиз урди. Бола шу гуфайли тарбиячисига кек сақлади. Отаси ўлиб, ўзи тахтга ўтирганда устозни чақирди ва:

– Фалон пайтда, фалон жойда мени уриб жонимни ачитганингга сабаб нима эди? – деди.

Тарбиячи шундай жавоб берди:

– Эй ҳукмдор! Сенинг адабда камолга етганингни кўрганда, гахтга ўтиришга тайёр бўлганингни сездим. Зулмининг аламини тоттириб қўймоқчи бўлдим. Токи, тахтга ўтирганингга ҳеч кимга зулм этмагайсан!

Бу жавобни эшитган ҳукмдор тарбиячисига: “Худо сенга хайрлар берсин!” – деди. Уни совга-салом, эҳсонлар билан уйига кузатиб қўйди.

Ҳиила билан асирга тушган машҳур саркарданинг устидан кулиш учун душман аскарлари уни бир неча кун оч қолдириб, сўнг олдига бир дона кип-қизил, чиройли олмани қўйишибди. Оч ва ташна саркарда олмани пишиллаб еганда, бундан маза қилиб кулишларини хаёл қилишди. Аммо маҳбус олмага қўлини урмай уни томоша қилиб ўтирибди.

Бу ҳолдан аскарлар ҳайратга тушиб, сабабини сўрашибди:

– Пичоқ келтирсангиз, – дебди саркарда.

У пичоқ билан олмани тўртга бўлибди-да, уч қисмини уч кишига бериб, кичик қисмини ўзига олибди.

Бир киши табибга бориб:

– Қорним кўп оғрийди, бетоқатман. Бирор илож борми? – деди.

Табиб дедикки:

– Бугун қандай таом еган эдинг?

У киши деди:

– Куйган нонни кўп едим.

Табиб ёрдамчисини чақириб деди:

– Кўз дори келтиргин. Кўзига томизамиз.

Касал деди:

– Менинг қорним оғрияпти, кўз дорисини нима қиламан?

Табиб деди:

– Агар кўзинг равшан бўлса эди, куйган нонни емас эдинг.

Бир одамнинг рўпарасидан кўзи ожиз одам чиқиб қолди, “Уни бир синаб кўрай?” – деб тўғри бориб кўзи соғ одам унга урилибди.

– Сен қандай безорисан, мендай кўзи ожиз нотавонни туртдинг–а, Худодан кўрқмайсанми? – деб нолибди ожиз.

– Мен ҳам ожиз одамман, сенга бехос урилдим, кечир, – дебди ҳалиги киши.

Узр қабул этилиб, улар ёнма-ён ўтирибдилар-да, суҳбат бошлабдилар.

– Омадим келиб йигирмата кумуш тангали бўлдим, – дебди у киши, – лекин бу тангаларнинг қай бири асл, қай бири сохта экан, билмайман.

– Омадингиз келибди, биродар, мен кўзим кўр бўлгунига қадар заргар эдим. Тангаларнинг қай бири сохта, қай бири асл – бармоқларим билан силаб биламан.

Киши гўё ожизнинг гапига инонган бўлиб, кумуш тангаларни берибди. Ожиз эса тангаларни белбоғига туғиб, ўтирган еридан сурила-сурила нари кетибди-да, писиб олибди. Назарида беркиниб олгандай бўлибди. Кўзи очик киши унинг бу қилигидан аччиқланса-да, худди ожизни кўрмаётгандай, илтижо қилибди:

– Қаердасиз, биродар, мен пулларни кўп азоблар билан топган эдим, шўримни қуритиб қўйманг, ўзингиз эса гуноҳга ботманг.

Ожиз жавоб бермай, писиб ўтираверибди. Шунда у киши бир кесак олибди-да:

– Эй Худойим, ўзинг меҳрибонсан, агар у биродорим шайтон йўлига кириб, тангаларимни олиб қўйишни хаёл қилган бўлса, шу кесак унинг оёғига тегсин, – деб кесакни отибди.

Ожиз оёгига кесак тегиши билан чўчиб, янада нарироқ сурилибди.

– Эй Роббим, мен биродарим деган одам маккорлик қилиб тангаларимни олиб қўймоқчига ўхшайди. Агар шундай бўлса, бу кесак унинг елкасига тегсин!

Бу сафар ҳам кесак мўлжалга теккач, ожиз яна жойини ўзгартирибди.

– Эй Роббим, ўзинг меҳрибонсан. Агар биродарим чиндан ҳам маккор ўғри бўлса, бу тош пешонасига тегиб, миясини ўпириб чиқиб кетсин! – дебди у киши.

Бу гапдан ожиз кўрқиб кетибди.

– Ҳой, биродарим, мунча ҳовлиқмасанг, мен тангаларингни саралаяпман-ку, ахир, – дебди.

– Худо сени бекорга бу аҳволга солмаган экан. Сен – суқир мен басирни алдамоқчи бўлдинг-а! – деган экан у киши.

Ёмончида ор бўлмас

Фазл номли муътабар бир одамнинг икки яқин кишиси бор эди. Бирининг оти Назар, иккинсининг исми Соқиб эди. Бир кун Фазлнинг ҳузурда Назар билан Соқиб бир-бири билан ҳазиллашди, охир ҳазиллари зилга айланди, иккиси қизишиб бир-бирини ҳақорат қилдилар. Назар Соқибни икки қўли билан силкиб эди, Соқибнинг дўшиси ерга тушди. У бундан жуда ҳам аччигелади. Фазл унга:

– Нега мунча газабланидинг? Ҳазил-мутобиба пайтида бундай ишлар кўп бўлади.

Соқиб аччигини босолмай:

– Нега аччигланмайин? Сендек киши ҳузурда дўшим ерга тушиб, обрўим тўкилди, – деган эди, Фазл кулиб:

– Дўшинининг ерга тушиб кетиши утун шунча газабланишининг ўринсиз. Менинг назаримда обрўининг тўкилганига кўп бўлган. Эсингда борми, бир кун мента: «Отим бир кечанинг ўзидаёқ Марвдан Нишопурга

етди», – деб ёлгон сўзлаган эдинг, ўша кундан бошлаб сўзинга ишонмай қолдим. Обруйинг тўкилди. Энди обру учун талашмай қўя қол, ёлгончида қандай обру бўлади? – деди.

Бир кун шоир Анварий Балх бозоридан ўтиб борар эди. Кўрдик, халойиқ тўпланибди. Уртада бир киши бор овози билан Анварийнинг қасидаларини ўз номидан ўқияпти. Халойиқ унга таҳсин ва офарин айтарди. Анварий унга яқин келиб сўради:

– Кимнинг шеърларини ўқияпсан?

– Анварийнинг шеърларини.

– Анварийни танийсанми?

У деди:

– Нега сўраяпсан, Анварий менман.

Анварий кулиб юборди:

– Шеър ўғрисини эшитган эдим-у, аммо шоирнинг ўғрисини кўрмаган эканман.

Аскарлардан бири қачон ҳаммомга борса, кетар вақтида ҳаммомчига тухмат қилар эди:

– Менинг фалон нарсам йўқ, уни топиб бер ёки товон тўла...

Шу тариқа даъво қилиб, сартарош ва ходимларнинг ҳақини бермай кетар эди. Охир оқибат барча ҳаммомчилар уни таниб қолишди, ҳеч бир ҳаммомга киргазмай қўйдилар. Охири ноилож бўлиб, бир ҳаммомга бориб, энди ходимларнинг ҳақини бериб, тухмат қилмайман, деб аҳд қилди, айтган сўзига кўпчилик тувох бўлди. Сўнгра ҳаммомга кирди. Ҳаммомчи бир кишига букурди:

– Аскарнинг ҳамма кийимларини яшириб қўйинг. Аммо камар билан қиличига тегманг, – деди. Аскар ҳаммомдан чиқди. Кўрдик, либослари йўқ. Ваъдасида қолиб, индамади. Лекин нима қилишини билмай, яланғоч белига камар билан қиличини боғлаб ҳаммомчига деди:

– Сизга ҳеч бир даъво қилолмайман, аммо инсофни

Ўзингизга берсин, ҳаммомга шу суратда келган эдимми?

Ҳаммомчи ва атрофдагилар қулишиб, унинг кийимларини бериб, ҳафтада бир марта ҳаммомга текин тушишига розилик бердилар.

Қадим замонда бир киши қул сотиб олиш учун бозорга борди. Қул болага харидор бўлди. Сотувчи қулининг ёлғончилиқ айби бхрлигини айтди. Харидор бунга эътибор бермай сотиб олди. Бир печа ҳафта ўтиб, бола хожасининг аёлига:

– Хожам устингизга хотин олмоқчи бўлиб юрибдилар. Агар бунни хоҳламасангиз, хожам уйкуга кетганларида, 3 – 4 дона соқолларидан устарада кесиб берсангиз, дам солиб қайтараман, – деди.

Хожасига бориб:

– Янгам ўйнаш тутдилар ва сизни ўлдирмоқчилар! Агар ишонмасангиз, кечқурун пойланг, – деди.

Кечқурун хожа ўзини ухлаганга солди, хотини эрининг соқолидан кесиб олиш учун устара билан яқинлашиб, энди кесмоқчи бўлганида, эри «мени сўймоқчи» деб ўйлаб, устарани олиб аёлни ўлдирди. Хотинининг уруғлари бундан хабар топиб, эрни ўлдирдилар. Ёлғоннинг касофагидан икки қабила –эр ва хогин томон ўртасида катта қирғишбарот бошланди.

Ўрмонда она шер яшарди. У бола кўрганида хурсанд бўлар, аммо кўпинча уларни чумоли талаб ташлар, шу туфайли фарзандини оғзида кўтариб юрарди. Ўрмонда бир дуррож ҳам яшар, ҳамиша ғазабкор шердан кўрқиб ҳаёт кечирарди. Шер боласини тишлаганича ҳар ёнга қадам кўяр экан, ногаҳон дуррож ётган ерга бориб қолса, у пирр этиб учиб шерни сескангирар, шунда шер билмасдан тишини қаттиқрок босиб боласига азоб берарди. Шер бу ҳолдан озор чекиб, дуррож билан дўстлик чорасини излай бошлади: “Сенда менинг заррача қасдим йўқ, бу сўзларимга ишон. Мендан ваҳм қилмай, дўстиму сирдошим бўлгин. Хурсандчилик чоғларимда шодлигимга шерик бўлгин. Мен ҳам сенинг овозингни эши-

тиб роҳатланай. Шарт шуки, сента бирон ҳайвондан зарар етса, овчининг тўрига тушиб қолсанг, ёрдам учун дарҳол қўлимни чўзай, душманши бир папҷам билан йўқ қилай”.

Шер муддаосини баён қилгач, дуррож ҳам у билан юракдан аҳдлашди. Шундан кейин икковларининг ўрталарида меҳр-муҳаббат пайдо бўлиб, кўрганларнинг хаваси келадиган даражага етди. Шер қаерда ором олиб ётган бўлса, атрофида дуррож кўрқмай парвоз этар, худди султон бошида ҳумо айланиб тургандек, шер атрофида парвоз қиларди. Лекин баъзан дуррож шерни синамоқчи бўлиб, “Ёрдам бер, овчига тутилдим”, – деб бақирарди. Шунда шер: “Ёлғондан мени ёрдамга чақирма, яхши бўлмайди”, – деб насиҳат қиларди. Аммо ҳеч қайси ҳайвондан кўрқмайдиган бўлиб қолган дуррож ёлғон ҳазилини қўймас эди.

Ногаҳон бир куни дуррож овчининг тўрига тушди. Донларни еб, сув томон юрган ҳам эдики, овчи тўрини тортди. Қуш овози борича: “Дод! Мени тутиб олишди!” – деб огоҳлантирса ҳам, шер унинг сўзларини ҳар доимгидек ҳазил-ёлғон деб ўйлади. Шунинг учун бу сафарги чин доду фарёдига, ёрдам сўраб кичқиришларига ҳам ишонмади, ёрдамга келмади. Оқибатда ёлғончи қуш овчига тутқун бўлди.

Билмас табиб жон олар

Бир табиб ҳар доим қабристон ёнидан ўтса, ридосини бошига ёпиниб олар эди. Бунинг сабабини сўрадилар. Табиб деди:

– Бу қабристонда ётганлардан уяламан. Чунки уларнинг аксари менинг доримни ичганлар.

Бир табиб кўчада кетаётган экан. Сал олдинда бораётган қизча дам-бадам қон туфлармиш. Буни кўрган ҳақим қорама-қора бораверибди. Қиз уйига кириб кетгач, дар-

возани тақиллатибди. Бир мўйсафид чиқиб, шифокорни танибди ва уни уйга таклиф этибди. Гап орасида табиб: “Қизингиз бедаво дардга учрабди, шекилли. Афтидан муолажанинг ҳам иложи йўқ”, – дебди. Бу сўзларни ҳалиги қиз эшик орқасида эшитиб турган экан. Бирдан юраги дук-дук уриб, қалтираб йиқилибди ва ҳушидан кетибди. Ўзига келмай, оламдан ўтибди.

Кунларнинг бирида қизнинг отаси табибни учратиб қолибди ва:

– Таксир, қизим бедаво дардга чалинганини қандай билган эдингиз? – деб сўрабди. Табиб:

– Қизингиз кўчада кела туриб, бот-бот қон туфлаганини кўрган эдим.

Бу жавобни эшитган ота шарт этиб пешанасига урибди. Кейин сал ўзига келгач:

– Э аттанг, қизим ўша кун шотут еб эди, сиз кўрган туфук шотут шарбати-ку! – дебди.

Шунда табиб у киши олдида тиз чўкиб, узр сўрабди:

– Бу воқеа менга ва шогирдларимга унутилмас сабоқ бўлди. Бир сўз билан соппа-соғ одамни ўлдириш ёки беморни оёққа гурғизиб юбориш мумкин экан! Юнонлар “Дардни билмасанг, яхшиси, беморни тинч қўй”, деб бежиз айтмаган эканлар, – дебди.

Фаросатсиз фалокатга йўлиқар

Одамлар гузардаги ямоқчидан:

– Қандай қилиб ҳамма нарсадан хабардорсиз, ҳаттоки кеча тушган келиннинг ҳам хулқ-атворини биласиз? – деб сўрашди.

Ямоқчи:

– Ҳамма нарсадан мени ўзларингиз хабардор қиласизлар. Юриш-туриш, кийим-кечакларингиз, муомала ва ҳаттоки кўча эшикларингиз кимлигингизни айтиб турди, – деб жавоб берди.

Ўтган замонда битта кўзи соғ, биттаси ожиз бўлган бой-бадавлаг йигит уйланибди. Йигит уйига меҳр кўйган, яхши феълли эди. Ҳар оқшом уйига қучоғини тўлдириб нарсалар олиб келарди. Хотини эрини қувонч билан кутиб олиб ҳурмат кўрсатар эди. Орадан йиллар ўтибди. Эрининг иши бирдан орқага кетибди-ю, бир кун уйига қўллари бўш келибди. Хотин ақли оз, феъли ёмон ва тарбияси яхши эмаслигидан, эри уйга кирар-кирмас:

– Вой, бир кўзингиз кўрар экан-а!.. – деб юборибди.

Фаросатли эркак:

– Хоним, шу кунгача кўрмаганмидинг, – деб совуққонлик билан жавоб берибди.

Бефаҳм хотини унга:

– Шу пайтгача қўлингизга қараб, кўзингизга қарашга вақт бўлмаганди, – дебди.

– Хоним, – жавоб берибди у одам, – эрингнинг икки кўзи кўрдир. Бўлмаса, сен каби ақли қисқани хотин қилиб олармиди?

Бир кимса ўзининг калтафаҳмлиги билан мудом бошқаларга панд бериб юрар экан. Атрофдагилар унинг ношудлигидан безор бўлиб, танбех берсалар, “пешонада бор экан, биз нима ҳам қилардик?” – деб, ўзининг бефаросатлигига тақдирни айбдор қилаверар экан. Унинг на-вбатдаги қилгилигидан асаби бузилган танишлари яна ўртага олиб, насиҳат қила бошлашибди:

– Яхшиликча феъл-атворингизни тўғрилаб олсангиз, шунда ўзингизга ҳам, бошқаларга ҳам яхши бўлар эди. Охирги беъмани ишингиз барчамизга катта азият етказди. Сўнги марта огоҳлантирамыз, ақлингизни йигиб олинг.

У бўлса яна ҳар доимги дийдиёсини бошлабди:

– Нега сизлар доим айбни мендан қидирасизлар? Энди бу ҳам “пешона” да, тақдирда бу ҳам бор экан, мен нима қила олар эдим?

Шунда паймонаси тўлган танишларидан бири истехзо билан:

– Албагга, каллангиз бўлмаганидан кейин “пешона” дан нарига ўта олмайсиз-да, таксир. Нима ҳам қила олардингиз бу шўр пешонангиз билан. Бир куни деворга қаттиқ тегишини кутиб яшайверинг, – деб жавоб берибди.

Уч-тўрт эзма фаросатли кишини кургани бориб, узоқ ўтириб қолибди. Бу иш беморга анча малола келибди. Кетаётган чоғда улар:

– Васиятинг бўлса, бизга айтиб қўй,– дейишса, у:

– Васиятим шуки, бундан кейин касал кўргани борганларингда узоқ ўтириб беморни толиқтирманглар,– дебди.

Жунайд Бағдодийнинг бир муриди бўлиб, уни жуда севар, бошқа муридлар уни ёқтирмас эди. Муридларнинг бу муносабати шаиҳ ҳазратларига маълум бўлди.

Хизматкорига буюриб, йиғирмата қуш келтириб, ҳар бир муридига биттадан берди.

– Ҳар бирингиз бу қушларни ҳеч кимса кўрмайдиган, хилват бир жойда бўғизлаб келтиринг! – деди.

Ҳаммаси қушларни кимсасиз жойда сўйиб келтиришди. Севимли мурид эса қушни сўймасдан шундоқ келтирди.

Жунайд:

– Нечун сўймадинг? – деди.

– Сўлгоним, сиз қушларни ҳеч кимса кўрмайдиган ерда сўйишни буюрдингиз, мен кимсасиз бир жой топа олмадим. Ҳамма жойда Ҳақ таолони ҳозир унозир кўрдим, – деди.

Жунайд:

– Кўрдингизми, қандай фаросати бор! – деди. Барча муридлари унинг фазилатига иқроф бўлдилар.

Дўстлар даврасида ота ўғлига:

– Мушқумиз туғибди, бориб хабар олиб кел, – деди. Бола қайтиб келиб:

– Учта бола туғибди: иккитаси олапар, биттаси кул

ранг. Иккитаси ўғил, биттаси қиз. Учовининг ҳам кўзи очилибди...

Гап шу ерга келганда, ота:

– Ишни бунақа пишиқ бажариши мендан, – деди.

Бола гапида давом этиб:

– Овқат товоғини ювиб, тозалаб қўйдим, энди идишга сут қуйиб келаман, – деди.

Ота:

– Боламнинг бу одати онасидан, – деди фахрланиб.

Бир вақтлар янги уйланган йигит амакиси билан учрашиб:

– Амаки, менинг хотиним шундай назокатли, дид-фаросатлики, сиз билмайсиз, – деди.

Кекса амаки:

– Кўп мақтанма, йигит. Бугун окшом бизнинг меҳмонимиз бўл, кейин кўрамиз, – деди.

Йигит амакисининг меҳмони бўлди. Кекса амаки кампирига: “Хоним, меҳмон келди. Тарвузнинг яхшисидан олиб кел”, – деди. Кампир тарвуз келтирди. Амаки қўлида бир-икки айлантириб кўриб: “Бўлмайди, бу яхши чиқмайди, бошқасини олиб кел”, – деди. Шундай қилиб, хотини чолнинг талаби билан ўн марта тарвуз алмаштириб келди. Кекса хоним ҳар сафар эри: “Бошқасини олиб кел”, – деганида “хўп бўлади” деди, бирор марта норози бўлмай, айтганини қилди. Эртасига окшомда амаки йигитнинг уйига меҳмонга борди. Йигит ҳам уйдаги тарвузлардан бирини олиб келишни буюрди. Хотини олиб келди. Йигит тарвузни салмоқлаб кўриб:

– Бу бўлмайди, бошқасини олиб кел, – деди.

Хотин бошқа тарвуз олиб келди. Йигит яна “бўлмайди”, деди. Хотини учинчи тарвузни олиб келди, эр яна “бўлмайди”, деб бошқасини олиб келишни буюрди. Шунда ёш келинчак:

– Мен сизнинг югурдагингизманми, “олиб кел, олиб бор” деяверасиз. Бошқа тарвуз йўқ, фақат учта олиб келгансиз, – деди.

Кекса амаки:

– Кўрдингми, болагинам, сенга нима деган эдим! Кеча

уйимда бир дона тарвуз бор эди, яхши феъли хотиним ўн марта ўша тарвузнинг гоҳ у ёғини, гоҳ бу ёғини айлангириб олиб чиқди. Лекин бирор марта итоатсизлик билан гап қайтармади. Энди тушундингми, – деб кекса йиғитга ўғит берди.

Шайх Ҳотами Асом Балхнинг шайхидан эди. Бир куни Ҳазрат аёлига:

– Тўрт ойлик сафарга кетгайман. Шу муддатга қанча нафақа истайсан? – деб сўради. Аёли:

– Тирик қолишимга етгулик нафақа қолдиринг, – деди. Ҳотам:

– Тириклигинг ва ўлимнинг менинг қўлимда эмас, Ҳақ таолонинг қўлидадир, – деди. Шунда аёли:

– Ундоқ бўлса, менинг ризқим ҳам сизнинг қўлингизда эмас, жаноби Ҳақнинг қўлидадир, – деди.

Ҳотам бу сўзни хуш кўрди ва уни дуо қилди. Қўшши хотинлар келиб аёлга: “Ҳотамдан нечун нафақа сўрамадинг?” – дедилар.

– Ул киши ҳам мен каби ризқ егувчидир, бергувчи эмасдир, – деди аёл.

Бир подшоҳ таълим-тарбия учун ўғлини сирли илмлар билан шуғулладиган қавмга берди. Бола табиатан бефаросат ва ўта аҳмоқ бўлишига қарамай, тажрибали устозлар унга керакли билимларни ўргатдилар. Пировардида бола билимли, маҳоратли бўлиб отасининг ёнига қайтди. Бир кун подшоҳ ўғлини имтиҳон қилиш учун кўлига узук яширди ва:

– Қани, айт-чи, қўлимда нима бор? – деб сўради.

Бола ўрганган билимларига таяниб:

– Ҳовучингизда думалоқ, ўртаси тешик, сарик нарса бор, – деди.

Подшоҳ севиниб:

– Белгиларини тўғри айтдинг, энди номини айт.

Бола ўйлаб утирмай:

– Ҳовучингизда галвир бўлиши керак, – деди.

Подшоҳ ниҳоятда хафа бўлди ва ўзини тия олмай:

– Узукнинг хусусиятларини билим ва таҳсил кучи

билан айтдинг, бироқ галвирнинг ҳовучга сигмаслигига ақлинг етмади. Худо ақл-фаросат бермаса, инсон қуйма ақлни қайдан олсин? – деди.

Дангасага остона тепа бўлиб кўринар

Абулфазл амир Рукнуддавланинг вазири эди. У ўғли Абулфатҳни Абул Хусайн Аҳмад ибн Форис деган муаллимга топширди. Абул Хусайн эса ўз замонининг фасоҳатли тенгсиз адибларидан эди. Абулфатҳ ўқишда тамбаллик қилар эрди. Муаллим унинг отаси Абулфазлга ёзди:

“Уғлингиз Абулфатҳнинг ўқишдаги ҳаракати чумолининг бош бармоғидан ҳам камроқ ва пашшанинг гарданидан ҳам калтароқдир”.

Бир одам жуда нозли қизга талабгор бўлди. Қиз розилик бериб, турмуш қурдилар. Аёлнинг тарбияси оқсар эди. Шунинг учун эрининг қадрига яхши етмас, иши фақат ўзига оро бериб нозланиш эди, холос. Турмуш қурганларидан бир неча кун ўтганда ноз билан:

– Вақт ўтиб сатанглигим тутади. У вақтда менга ҳеч нарса деманг. Барибир иш қилмайман, заҳмат чекмайман. Осмон бошимга узилиб тушса ҳам, жонимни қийнамайман, – деди.

Эри ақлли одам эди. Бироз сукут сақлади, хотинининг гапига тушунгандай бўлиб:

– Дуруст, сатангинам, менинг ҳам вақт ўтиб эшаклигим тутиб кетади. У вақтда менинг газабимга дучор бўлма, – деб жавоб берди.

Орадан ойлар ўтди, аёлнинг дангасалиги орта борди. Эр қанча юмшоқ бўлса, хотинининг нози шунча кучая борди. Эр бир кун уйига келиб:

– Хоним, шу-шу нарсаларни ҳозирла, дўконга олиб кетаман, – деди.

Хоним ҳар вақтдагидек жойидан кимирамлади. Эр гапини такрорлади.

Хотин:

– Бугун дангасалигим тутиб турибди, иш қилмайман, – деди.

Эрақ белидан камарини ечиб, “Менинг ҳам эшаклигим тутиб келяпти”, дея жаҳл билан хотинига яқинлашаётгани, аёл:

– Вой дод! – деб бақирди. – Бўлди хоҷам, дангасалигим кетиб қолди.

Шундай қилиб, эрда на эшаклик қолибди, на хотинда дангасалик.

Хиёнат хорлик келтирар

Бир киши оғзи ёпилган, муҳрланган бир халтачани дўстининг ҳузурига келтириб:

– Дўстим, сафарга чиқиб кетаётибман, ичида минг олтин бўлган шу халтачани сенга омонат топшираман, сафардан қайтиб келганимдан сўнг оламан, – деб халтачани топширди. Сафари анчага чўзилди.

Дўсти омонатга хиёнат қилиб, халтачанинг бир томонини сўқди, олтинларни олиб, тангалар билан тўлдирди, сўқилган жойини билдинмайдиган қилиб тикди. Орадан ўн йил ўтгач, ҳамён эгаси сафардан қайтиб келиб, дўстидан қўшган омонатини талаб қилди. Дўсти халтачани чиқариб берди. Омонат эгаси халтачани очиб, тангаларни кўргач, хайрон бўлиб дўстидан:

– Халта ичидаги олтинларим қани? – деб сўрагани, дўсти инкор қилиб: “Халтачага нима солган бўлсанг, шундан турибди, боستان муҳринг ҳам бузилмаган, татин нима даъво қиласан?” – деди. Омонат эгаси халтачани олиб шаҳар қозисига бориб воқеани баён қилди. Қозим ақлли ва галбирли одам эди. У дарҳол хиёнатчинини чақириб сўроққа тутди, лекин бу ишдан натижа чиқмади.

Қозим:

– Омонат қўшганинга неча йил бўлди? – деб сўрагани, дўсти эгаси ўн йил бўлганини айтди.

Қози тангаларнинг йилларига кўз ташлади. Уларнинг зарб этилганига икки-уч йил бўлган эди. Қози тангаларни кўрсатган эди, хиёнатчи шарманда бўлиб, айбини бўйнига олди. Фаросатли қози олтинларни хиёнатчидан олиб эгасига тошширди.

Бир киши Ҳасан Басрийнинг олдига келиб: «Фалончи сен ҳақингда номаъқул гап айтди», – дебди.

– Қачон?

– Бугун.

– Қаерда?

– Унинг уйида зиёфатда эдим?

– Зиёфатда нима единг?

Ҳалиги киши саккиз хил таомнинг номини санади.

Шунда Ҳасан Басрий:

– Ўша одамнинг саккиз хил таоми қорнингга сиғди-ю, бир оғиз сўзи сиғмадимми? Тур, кет бу ердан! – деди ва гийбатчини даргоҳидан қувиб чиқарди.

Ҳасадчининг боғи кўкармас

Уч одамга Фаришта келиб:

– Нимани сўрасангиз, дуо қиламан, ижобат бўлади. Лекин кўшнингизга сўраганингиз икки баробар бўлади, деди.

Биринчи одам “Менга уй бўлсин, кўшнимнинг ҳам болалари кўп”, – деди. Фаришта дуо қилди, бунга бир уй, кўшнисига икки уй муҳайё бўлди. Иккинчиси бойлик сўради, кўп бойлик олди ва кўшнисини бундан икки баробар бойиди. Учинчи одам баҳил экан: “Менга бир-у, кўшнимга икки бўлса, бир кўзим оқиб тушсин”, – дебди.

Бир куни шайтон келиб Фиръавннинг эшигини тақиллатди. Фиръавн ичкаридан:

– Ким у? – деб бақирди.

Шайтон:

– Эй Фиръавн, Худоман дейсан, Худо бўлсанг, эши-

гинг олдига келганнинг кимлигини билишинг керак! Эпик олдида ким турганлигини айтгин, кудратингни кўрай, – деб Фиръавни мазах қилди.

Сўнгра ичкарига кирди. Фиръавн шайтонга:

– Сен ва мендан бошқа ҳам олчоқ бир махлуқ бормикан? Худонинг шунча неъматларини еймиз, беқиёс салтанатида яшаймиз-да, яна шайтонликдан воз кечмаймиз, – деди. – Лекин мен биздан ҳам тубанроқ, биздан-да олчоқ бир махлуқни танийман. Унинг бир ўғли менинг қирқ йиллик дўстимдир. У бир кун менинг олдимга келди ва: “Биз сен билан қирқ йиллик дўстмиз. Орамизда сир-асрор йўқ. Шуларнинг ҳурмати учун менга бир яхшилик қилишингни истайман”, – деди. Мен унга: “Айт, эшитайлик”, – дедим. Шунда у: “Қўшнимнинг бир сигири бор. Оқшомда ўтлоқдан елинлари сутга тўлиб келади. Уш шундай кўриб тонггача уйқум келмайди, юрагим ёнади. Бу сигир сойдан ўтаётганда, оёғига ур, дарёга йиқилиб ўлсин”, – деб айтди. Мен унга: “Яхшиси, сенга кўшнинингнинг сигирини олиб берай. Бориб, кўшнингни кўндириб, бу ишни тўғирлаб бераман”, – дедим. Ҳасадчи: «Яхши бўлмайди. Унинг сигирини албатта ўлдиришинг керак. Қачонки сигир ўлса, ўшанда тинч ухлайман», – деди. Бу ҳасадчи биздан ҳам баттар қабиҳ, биздан ҳам аблаҳроқ экан. У билан дўстликни уздим, «мендан узок тур, бундан сўнг сен билан дўстлашмайман», – дедим.

Ҳаромдан минг танга – ҳалолдан бир танга

Қадим замонда ута инсофли, ҳалол, ҳусн бобида ҳавас қилгудай, давлати етти авлодига етгудек бир савдогар ўтган экан. Бир кўни савдо билан Бағдодга бориб, бир гадо қизга ошиқ бўлиб қолибди. Савдогар унга уйланмоқчилигини билдирибди. Шунда қиз ихтиёри отасида эканини айтибди. Ошиқ Бағдоддаги гадолар сардори – кизнинг отасига йўлиқибди ва кизининг қўлини сўраб, отанинг шартларини бажаришга тайёрлигини маълум қилибди.

Гадолар бошлиғи кулиб кўйиб, савдогардан ўз молидан қанча фоиз фойда олишини сўрабди. 10-15 фоиз, деган жавоб бўлибди. Шунда гадолар бошлиғи:

– Эй йигит! Сен подонга қиз бераманми? Шаҳарма-шаҳар юриб шу фойдани фойда деяпсанми? Мана қара, мен сенга кўрсатай. Еч қўлингдаги узугингни. Унинг баҳоси қанча?

Савдогар узук баҳосини болали туя нархида эканини айгибди.

– Яхши, – дебди гадо, узугингни эртага мендан оласан.

Гадо жума куни масжидга бориб, жамоат тўпланганда имомга баланд овозда мурожаат қилибди:

– Эй шайх! Мен бу шаҳарнинг фақир гадосиман. Умрим ночорликда ўтди, лекин ҳалол яшадим. Мана бу узукни 3 кун олдин топиб олдим. Айтишларича, жуда қиммат гуарармиш. Лекин менга ҳаром керак эмас. Ўғил уйлантиришим ва қизимни турмушга беришим керак. Шаҳримиз мўминларига айтсангиз, бақадри ҳол мен бечорани куруқ кўйишмас, – дебди.

Мўминлар жуда таъсирланиб, гадонинг ҳалоллигига қойил қолишибди ва намозни ўқиб, ҳаммалари унинг белбоғига пул ташлашибди. Катта миқдорда пул йиғилибди.

Кечқурун гадо савдогарни уйига чақирибди ва пулни кўрсатиб дебди:

– Эй савдогар йигит! Мана кўр, сен сафар машаққатида қийналиб, жон бериб, жон олиб 10-15 фоиз фойда қиладиган бўлсанг, мен ҳеч қийналмай бир кунда шунча пул топаман. Энди сен бу пулни олиб масжидга бор. Имомга учра, суюнчи бер ва узугингни қайтариб ол, бизга кўшил. Шунда қизимни сенга бераман.

Бу таклифга савдогар йигит шундай жавоб берибди:

– Эй алдоқчи! Бутун авлод-аждодим хурмаги, сен нобакорнинг қизидан ҳам, қимматбаҳо узугимдан ҳам кечдим. Менинг ота-боболарим ҳалол савдогар эдилар, мени ҳалол ризқ билан боқдилар. Мен ҳам ҳалол оиладан уйланиб, Худо фарзанд берса, уни ҳам ҳалол таом билан боқишни ният қилганман, – деб молларини йиғиб шаҳардан чиқиб кетган экан.

Муҳаммад бин Мункадир дўконида йўқлигида ўгли беш дирҳамга соғиладиган молни ўн дирҳамга сотди. Буни эшитган ота кунини ўша харидорни излашга сарф этди ва ниҳоят топиб:

– Бизнинг ўғилча янглишиб беш дирҳамга сотилиши керак бўлган молни сизга ўн дирҳамга берибди, – деган экан, харидор:

– Зарари йўқ, мен ўн дирҳамга олишга розиман, – деди.

Шунда Муҳаммад ибн Мункадир:

– Сиз рози бўлганингиз билан, биз рози бўлмаймиз. Биз рози бўлган нарсага сиз ҳам рози бўлинг, – деди ва беш дирҳамни қайтариб берди.

Бир фақир хотиннинг сигири бўлиб, шу сигирининг сүти билан кун кўрарди. Аёлнинг феъли ёмон, сабрсиз, кун пул топишни орзу қиларди. Шу сабаб сўтга сув қўшиб сотарди. Шу заил ойллар, йиллар ўтаверди. Кўнлардан бир кун қағтиқ бўрон бўлиб, сел келди. Ҳамма ёқни сув босди. Дарёдан кечиб ўтаётиб, сўтчи хогиннинг сигири сувга чуқиб ўлди. Хотин йиғлайвериб кўзлари шишиб кетди.

Онасининг бақариб-чақаришига оқил ўғил:

– Она, нега йиғлайсиз? Сизнинг неча йил давомида сўт-қатикқа қўшган сувингиз сел бўлиб сигиримизни оқизиб кетди-ку, – деди.

Подшоҳ кечаси кўчаларни айланиб юриб, бир ҳовлидан она билан қизи жанжаллашиб сўзлаган товушини эшитди ва дарвоза ёнида туриб қўлоқ солди. Хотин қизига аччиқланиб:

– Нега мен билан олишасан? Эртага сотиладиган сўтимизга бир оз сув қўш, – деди.

Қиз норози бўлиб:

– Ахир подшоҳ сўтга сув қўшмаслик ҳақида бузрук берганини унутдингизми?

– Бунча бижирлайсан? Сув қўш дедимми, қўшавер, сув қўшганимизни Умар қаердан билади? – деб онаси қизига дағдаға қилди. Қиз:

– Онажон, подшоҳ сутга сув қўшганимизни кўрмаса ҳам, Аллоҳ кўриб турибди-ку, насибамизга ҳаром аралиштирмайлик, – деди қиз қатъият билан.

Қизнинг сўзларидан подшоҳ жуда ҳам завқланди, шу тунда бир гавҳар топиб олгандек бўлди. Саройига қайтгач, бир неча кундан кейин ўша қизни ўғлига никоҳлаб олиб берди.

Кичик бола нон дўконига бориб сотувчига:

– Амаки, йигирма тийинлик нон тортиб беринг, – деб сўради. Сотувчи нон тортиб унинг қўлига берди. Бола ноннинг кам тортилганини сезиб, сотувчига:

– Амаки, берган нонингиз кам-ку? – деган эди, сотувчи хўмрайиб:

– Қандай тирмизак боласан, олиб кетавер, юкинг енгил бўлади, – деб дўқ урди. Бола нонни олиб, сотувчига беш тийин кам тўлаб, чиқиб кета бошлади. Сотувчи пулни санаб:

– Ҳой тирмизак, тўхта, беш тийини кам-ку, – деб кичқирганди, бола:

– Амаки, кўп бақирманг, берган пулимни олиб қолаверинг, гуноҳингиз енгил бўлади, – деб дарров чиқиб кетди.

Ўз замонасида буюк шухрат қозонган Вафо Ҳазрат хаммага бирдек меҳрибон эди. Бир кун сув сотувчи келиб Вафо Ҳазратларининг хузурида тиз чўкиб ўтирди. Сотувчининг маҳзун ва ғамгин кўринишидан дарди борлиги билиниб турарди. Ҳазрат ундан сўради:

– Болам, бирор ғаминг борми?

– Йўқ, афандим, қандай айтаман, – деб жавоб берди сув сотувчи.

– Болам, гапиравер, уялма, дардингни айг, – деди Вафо Ҳазрат.

– Ҳазрат, фарзандингиз менинг мешларимни тешди. Бугун олтинчи мешни жуводдиз (бигиз) билан тешди. Биласиз, фақир одамман, нима қилишни билмай қолдим.

– Хафа бўлма, болам! Бир чорасини топаман. Ҳозирча мана бу пулга меш сотиб ол. Мен бу хунук ишнинг сабабини билай, – деди Вафо Ҳазрат.

Сувчи баттар сиқилиб, бўйинини эгиб чиқиб кетди. Вафо Ҳазратлари мулоҳаза қилиб, ўйлаб ўйига етмади, нега фарзанди бундай иш қилиб қўйди? Сўнг хотинини чақирди ва:

– Хоним, кел, бир мулоҳаза бор. Углимиз мешкобчининг мешларини бигиз билан тешибди. Бу хунук иш нега содир бўлди? – деди.

– Сен олиб келасан, биз еймиз. Ҳаром нарса олиб келинса, сен олиб келасан, барча гуноҳ, айб сендадир, – деб жавоб берди хоним.

Вафо Ҳазрат хотинининг феълини билгани учун:

“Мен ўйлаб топа олмадим, хатоимни билмадим. Майли, сен ҳозир бор-да, яхшилаб ўйлаб кўр. Бу айб ё менда, ё сенда”, – деди.

Аёл Вафо Ҳазрат ҳузуридан чиқиб кетди, бироздан сўнг қайтиб келди ва:

– Бегим, эсимга тушди, – деди хаяжонланиб. – Ўглимизга ҳомила эканимда, фалончи хонимларникига меҳмонга бордим. Ўшанда уларнинг уйида анор кўрдим. Катта ёшдаги қария оналардан “агар ҳомиладор аёлнинг кўнгли бир нарсага тусаса-ю, уни тотиб кўрмаса, бола-ласи бир камчилик билан туғилади”, деб эшитгандим. Мезбондан сўрашга тортиндим. Боламнинг бирор аъзосига қусур етишидан қўрқиб, уй эгаси хонимдан бир пиёла сув сўрадим. У сувга чиқиб кетганида, ёқамдаги туғноғични олиб, хонтахта устидаги анорга игнасини тикиб, шарбатидан яладим, – деди.

– Офарин! Мана, энди сенинг хатоинг маълум бўлди, фарзандимиз бунинг қасрига қолди. Тез бориб, ул хонимдан узр сўра, – деди Вафо Ҳазратлари.

– Вой, айб бўлмайdimи, – эътироз билдирди хоним. – Унга нима дейман? Шу арзимас иш учун...

– Йўқ, хоним! Худонинг олдида биров ҳақининг катта-кичиги бўлмайди. Биласанми, нима бўлди? Бизнинг фарзандимиз ҳозир олти ёшида. Уша воқеадан сўнг 6-7

йил ўтгач, сенинг тўғноғичинг ўглинг кўлида бигиз бўлди. Анор эса сув сотувчининг мешига айланди, – деб уқтирди Вафо Ҳазрат.

Одил ҳукмдор ҳарбий юришларининг бирида олма-зордан ўтган кўшинини синамоқчи бўлди. Ярим кечаси вазирларини чақириб, уларга: “Кўнглим ниҳоятда олма тусаяпти. Аскарлар боғдан ўтаётиб, балки олмадан олишгандир. Менга бир дона бўлса кифоя,” – дебди. Ясовуллар бутун кўшинни титиб чиқишибди, аммо олма топилмабди. Вазирлар таассуф билан султон олди-га киришиб:

– Бир дона ҳам тополмадик, бизни маъзур тутинг, – дейишибди.

– Узрайтманг, – дебди ҳукмдор, – аксинча, олманинг топилмагани мени беҳад қувонтирди. Агар биронта аскарнинг халтасидан бир дона олма топилганида, кўшинни дарҳол ортга қайтармоқчи эдим. Фатҳ қилинган ерларда аҳолининг молига, жонига, ор-номусига тажовуз қилмайдиган кўшиним борлигидан фахрланаман.

Миннатли ош татимас

Бир одам бозорда эканлигида ёмғир ёғиб юборибди. Яқин ўртада дўкони бор дўстининг олдига бориб, ундан соябонини омонатга сўрабди. Дўсти “марҳамат”, деб соябонини берибди. Эртасига келиб соябонни қайтариб, ташаккур айтибди. Орадан анча вақт ўтиб, дўсти билан учрашиб қолибди. Саломдан сўнг соябон берган одам:

– Ўша куни соябонимни бермасам, ҳолинг нима кечарди? – дебди.

Дўсти:

– Ёмғирда қолиб бўқардим, – дебди.

Соябон берган одамнинг қилган яхшилигини тўқмоқ қилиб бошга урадиган одати бор экан. Орадан анча кунлар ўтгач, яна учрашишганда, шамсия берган:

– Агар ўшанда соябон бермаганимда, ёмғирдан қандай

беркинардинг? – деб яхшилигини миннат қилибди. Соябон олган юз минг пушаймон бўлибди. Яна бир куни боғда, ҳовуз бўйида учрашиб қолибдилар, миннатчи одам:

– Менга қара! Ўша куни ёмғирда соябон бермасам, ёмғирдан қандай беркинардинг, холинг нима бўларди? – дебди. Соябон олиб балога қолган одам ҳеч нима демай, ўзини ҳовузга ташлабди. Ҳовуздан шалаббо бўлиб чиқибди ва:

– Мана бундай бўлардим! Аҳволим шундай бўларди! Қандай майдакаш одамсан? Инсон дўстига яхшилик қилмайдими? Озгина яхшилигингни миннат қилавериб бошга тўқмоқдек ураверасанми?! – деб тутақиб, ундан айрилибди. Шу вақтдан бошлаб у билан алоқани узибди.

Бир дарвеш йўқчиликдан қийналиб яшар, либосининг ямоғи устига ямоқ соларди. Бир киши унга:

– Нега шу ҳолда ўтирасан? Шаҳарда саховатли бир киши фақир, бечораларнинг мушкулини осон қилишга бел боғлаган. Агар сенинг бу холингни кўрса, дархол ёрдам қўлини узатади, – деди.

Дарвеш жавоб қилди:

– Сукут қил, чунки ҳар кишининг ёнига бориб тиланишдан, эҳтиёжни арз этишдан кўра, борига шуқр қилиб яшаган яхшироқдир.

Ҳар бир ишда ҳикмат бор

Ривоят қилишларича, қадим замонда туш таъбирини айтувчи кишилар булар экан. Шулардан бирининг таъбири доим туғри чиқар, обрўли шогирдлари ҳам бисёр экан.

Бир киши хафа ҳолда келиб, дебди: “Тақсир, тушимда бурнимдан қон келибди, нима бўлади?” Мунажжим бироз ўйлаб туриб: “Сиздан давлат кетар экан. Тижорат ишларингизни тўхтатиб туринг”, – дебди. Эртаси

куни яна бир киши хурсанд ҳолда келиб таъбирчидан сўрабди: “Таксир, тушимда бурнимдан топ-тоза қипқизил қон келди-я, унинг таъбири нима бўлади?” Таъбирчи айтибди: “Ўғлим, ишингиз ўнгидап келар экан, сизга давлат илашибди, тижорат ишларингизни кучайтиринг”. Йигит хурсанд бўлиб чиқиб кетибди. Таъбирчининг шогирдлари ҳайрон бўлишибди ва: “Устоз, буни қандай тушунайлик. Бир хил тушга икки хил таъбир айтдингиз-ку, ёки кейинги мижоз кўпроқ эҳсон берди-ми?” – дейишибди.

– Йўк, – дебди устоз, – туш таъбирини аввало одамнинг ўзи беради. Биринчи одам хафа бўлиб келди. Иккинчиси хурсанд ҳолда “бурнимдан қон келди”, – деб айтди. Насиб қилса, таъбир нақадар тўғрилигига ёки нотўғрилигига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Кадим замонда бир подшоҳнинг беҳисоб давлати ва лашкари бўлган экан. Шоҳнинг бир неча вазири бўлиб, булар ичида Абу Ворис исмли вазир билан ёшлиқдан бирга ўсган экан. У билан кўпинча бирга юрар ва кўп ишларда маслаҳат сўраркан. Лекин вазирнинг бир хислати подшоҳга ёқмас экан: подшоҳнинг бошига нимаки тушса, вазир «Худонинг марҳаматини қаранг» деб жавоб қиларкан. Шоҳни қандайдир азоб ўртаса ёки вужудда оғриқ турса ҳам вазир шу гапни такрорлар экан.

Бир куни подшоҳ қўлини кесиб олибди. Абу Ворис: “Эй шоҳим, бу ҳам Худонинг сизга кўрсатган бир мурувватидир”, – деб қўйибди. Вориснинг гапи шоҳнинг ғазабини кўзғатибди ва беихтиёр жаллодни чақирибди. Унга: “Тонгда Абу Ворис уйдан чиқиши билан бошини кесиб олиб кел”, – деб буюрибди. Тонг отиб шоҳ жаллодни кута бошлабди. Аммо тушга қадар Абу Ворисдан ёки жаллоддан дарак бўлмабди. Подшоҳ вазирларини олиб Абу Ворисникига борса, жаллод эпик тагида пойлаб турган экан. Подшоҳ уй эгаларидан изн сўраб ичкарига кириб қараса, вазир қимирламай тушақда ётган эмиш. Подшоҳ кулиб: “Сенга нима бўлди?” – деб сўрабди. Дўсти: “Қаранг шоҳим, Худонинг марҳаматини. Эрталаб таҳоратга кета ту-

риб, тўғри йўлда қоқилиб оёғим синди”, – дебди. Подшоҳ яна бир жилмайиб:

– Эй Абу Ворис, тўғри айтган экансан. Бошимизга ёғилаётган яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам биргина Худонинг инояти экан. Гар шундай бўлмаганида, бошинг танингдан жудо бўларди.

Бағдодлик Баҳлул бир куни Басрага борган экан, унга басралик девоналарни санаб чиқ, дейишибди.

– Девоналарни санаб чиқиш кийин, чунки улар жуда кўп, аммо соғларни санаб чиқ десаларинг, бу бошқа гап, чунки улар санокли, – дебди.

Нақл қилишларича, бир гуруҳ кўрлар бир сабаб билан Ҳиндистонга бориб қолишибди. Сўнгра фалакнинг гардиши билан яна ўз юртига қайтиб келишибди. Бу ерда улардан бир киши: “Филни кўрдиларингми?” – деб сўрабди. Улар: “Ҳа”, – деб жавоб берибдилар. “Кўрган бўлсангиз, далил келтиринг”, – дебди бояғи киши.

Ҳар бири филнинг бир аъзосини пайпаслаб, ундан билим ҳосил қилган эди. Шу сабабли филнинг қўлларини ушлаган киши фил устунга ўхшаркан, деса, қорнини пайпаслаган, йўқ, устунсиз, деди. Хартумини ушлаган аждаҳога ўхшаш нарса экан, деса, гишларини баён қилувчи киши эса, фил иккита суяқдан иборат, деди. Қуйруғидан хабар берган киши филни осилиб турган илонга қиёс этди. Филнинг қулоғига қўл етказган киши уни қимирлаб турган икки елпигич экан, деди.

Улар айтган сўзларнинг барчаси тўғри бўлса-да, лекин нуқсонли, тартибсиз эди.

Етук файласуф, ҳинд наслдан бўлган киши улар айтган сўзларни тинглаб, ҳеч кимга танбеҳ, таъна сўз айтмади:

– Ҳар бир киши фил ҳақида билганини айтиб, у ҳақда нишон берди. Улар бир-бирларига зид бўлса-да, кечиримлидир. Чунки улардан ҳеч бири филни кўрган эмас, бу сифагларнинг бари бир ерга жам қилинса, улардан фил ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил бўлади.

“Хар ким ўз қаричида ўлчайди”, дегани шу бўлса керак.

Денгиз соҳилида кичкина қишлоқ бўлиб, аҳолиси балиқчилик билан шуғулланар экан. Эркаклар ҳар қуни овга кетар, аёллар уйларида уларни кутиб ўтиришаркан. Одатдагидек, эрлар кемага ўтириб овга йўл олишибди. Пешидан сўнг довул туриб сув чайқала бошлабди. Бундан ташвишга тушган аёллар бандаргоҳ сари йўл олишибди. Қоронғу тушса ҳамки, овчилардан дарак бўлмабди. Аёллар қирғоқ бўйлаб эрларини, ака-укаларини излашибди.

Шу тобда қишлоқдаги бир уйда ёнғин чиқибди. Эркаклар йўқлиги билиниб, уй ёниб кулга айланибди. Саҳарда бандаргоҳда балиқчилар кемаси кўринибди. Ҳамма хурсанд, фақат уйи ёниб кетган аёл ғуссага ботган экан. У эрига:

– Энди нима қиламиз? Уйимиз ёниб кул бўлди, – дебди йиғлаганча.

Эр аёлини ҳайратга солиб, шундай дебди:

– Уша ёнғинга шукрлар бўлсин. Довул кемамизни бошқа ёққа суриб олиб кетаётганда, ёнган уйимизнинг алангасини кўриб йўлни топдик ва соҳилга соғ-омон етиб келдик. Дунёда ҳеч бир фалокат ҳам беҳикмат эмаслигига яна бир бор ишондим.

Бойнинг уйига ўғри тушибди. Улар қимматбаҳо буюмлар, тақинчоқ, пул ва бошқаларни қопларга жойлай бошлашибди. Бир вақт ўғрилардан бирининг кўзи пиёлада турган ошпоқ нарсага тушибди-ю, ундан олиб татиб кўрибди. Буни кўрган ўғриларнинг бошлиғи:

– Ҳа, нима экан? – деб сўрабди. Бояги ўғри:

– Туз, – деб жавоб берибди.

Шунда ўғрибоши ўғриларга нарсаларни жойида қолдириб, тезда уйни тарк этишни буюрибди. Ҳеч бундай ҳолатни кўрмаган ўғрилар ҳайрон бўлишибди. Улардан бири ўғрибошининг олдига келиб сўрабди:

– Нимага биз шунча бойлик турганда битта нарсани ҳам олмасдан чиқиб кетдик?

Ўғрибоши шундай жавоб қайтарибди:
– Биз у хонадоннинг тузини еб қўйдик!

Бир тилшунос олим қайиқда дарёнинг нариги соҳилига ўтиб бораркан, қайиқчидан: “Сарф-наҳвни (морфология-синтаксис) биласанми?” – деб сўради. Қайиқчи “йўқ” деди. “Бўлмаса, ярим умринг зое кетипти”. Дарёнинг ўртасига етганларида, қаттиқ тўлқин бошланибти. “Сузишни биласанми?” – деб сўрабди қайиқчи.

– Йўқ, – дебди олим.

– Бўлмаса, бутун умринг бекор кетибди, – дебди қайиқчи.

Туясини йўқотган араб, кимки туямни топиб келса, иккита туя ҳадя қиламан, деб кўчада жар солиб юрган экан.

– Бу қанақа бўлди, фойдангдан зараринг катга-ку, – деб сўрашса, шундай дебди:

– Э биродар, сизлар йўқотган нарсанинг топилганидан олинадиган лаззатни билмайсизлар!

Бузургмеҳрдан:

– Нега дўстнинг душманга айланиши осон-у, душмanning дўст бўлиши қийин? – деб сўрадилар.

– Иморатни бузиш қуришдан, жомни синдириш пайванд қилишдан, пулни сарфлаш топишдан осонроқ-да, – деди у.

Ануширвон шаҳзода эканлигида, бир канизак қизнинг ишқи билан нотавон бўлди. Ерига етишиш йўлида машаққатлар чекиб, охири унинг висолига муяс-сар бўлди, чаман ичига хилват жой тайёрлатиб, гулрух билан очиқ суҳбат қилмоқчи бўлди. Қиз ҳам бунга қаршилиқ қилмади. Шоҳ дилбари томон қўлини узатган эди, кўзи бир нарғиз гулга тушди, бундан уялиб, дарров қўлини торғиб олди. Канизак хайрон бўлиб деди: “Бу хилда қўл чўзмоқ ва дарров тортиб олмоқнинг сабаби нима?”

Сабабини шаҳзода шундай тушунтирди: “Бунга нар-
гизнинг шахло кўзи сабабчидур”. Ҳаё билан футувват бу
ишда уни қувватдан қолдирди.

Каназак кўзларини ёнга тўлдириб ўридан туриб
кетди. Чунки унинг пок нияти Ануширвонга хос бўлган
ҳаё хосияти эдики, жумлаи оламга Ануширвонни шоҳ,
аддини оламга паноҳ айлади.

Бир куни ота ва ўғил тоққа саёхатга чиқишибди.
Ўғил йўлда оёғи тойиб йиқилиб, оғриқдан бақириб
юборибди. Шунда атрофдан боланинг бақирғига
ўхшаш овоз келибди, бола ҳайрон бўлиб бор овози би-
лан қичқирибди:

– Сен кимсан? – Тоғ атрофидан жавоб келибди: “Сен
кимсан?” У яна тоққа қараб бақирибди:

– Мен сенга қойил қолдим.

Яна жавоб келибди:

– Мен сенга қойил қолдим.

Бола бор овози билан яна: “Қўрқок”, – деб бақирибди.
Тоғдан жавоб келибди: “Қўрқок”.

Ҳайратланиб отасига қараб: “Нима бўляпти, ота”, –
деб сўрабди. Отаси ўғлига қараб кулиб: “Сен ғолибсан”,
– деб бақирибди ва у овоз яна қайтиб келибди. Бола
ҳайрон бўлиб, нима бўлаётганини ҳеч тушуна олмабди.
Шунда ота ўғлига қараб: “Буни акс-садо дейдилар, асли-
да эса бу ҳаётдир, – деб жавоб берибди. – Ҳаёт шунақа
нарсаки, сен нима қилсанг ва пима ҳақида сўзласанг, уни
сенга қайтариб беради. Ҳаётимиз ҳаракатларимизнинг
аксидир. Яхши яшамокчи бўлсанг, қалбингни яхши нар-
саларга тўлдиргин. Ҳаёт – ниятларимиз кўзгусидир”.

Бир йигитча чопонининг этаклари билан этигини ях-
шилаб артди. Буни кўриб турган бир кекса киши:

– Этикни ўз пулига сотиб олган, чопон дадасининг пу-
лига келган, – деди.

Бир доно қўллаган тадбир ила ажрашиб кетган эр-
хотин қайта оила қуришибди. Дононинг тадбири шу

эдики, ажрашган эрни учратса: “Ҳой ўғлим, хотининг салом айтди”. Хотинини кўриб қолса: “Ҳой қизим, эринг салом айтди”, – дер экан.

Бир уста нафис ва нозик тароклар ясар экан. Устанинг хунарига қойил қолганлар ҳар хил мулоҳаза юритишибди.

– Устани уста қилган асбоби. Асбоб соз бўлса, иши чиройли чиқади...

– Йўқ, – дебди иккинчиси, – ҳадеб бир хунарни қилаверсангиз, у санъатга айланиб кетади.

– Йўқ, – дебди уста гапга қўшилиб, – асбоб соз бўлиб, хунар санъатга айлангани билан, уйинг нотинч бўлса, ишинг силлиқ чикмайди. Тўғри ташланган теша мўлжалга тушмайди. Оиланг тинч-осойишталиги – тенгсиз бойлигинг, деб бекорга айтишмаган.

Кўнгил дардига дармондур насиҳат

Донишманднинг олдига бир киши ховлиқиб келиб:

– Сизга бир суз айтмоқчи эдим, – дебди.

– Шошма, – дебди донишманд. – Айтмоқчи бўлган гапларингни учта элақдан ўтказдингми?

– Қанақа учта элак? – ҳайрон бўлибди шошқалоқ.

– Биринчиси – ҳақиқат элаги, келтирган хабаринг ҳақиқатми? Иккинчиси – яхшилик элаги, айтар сўзинг одамларга эзгулик келтирадими? Учтинчи элак шуки, менга шу хабарни айтишинг шартми?

Ўйланиб қолган ҳалиги одам:

– Йўқ, шарт эмас... – деб жавоб берибди.

Шунда донишманд:

– Сўзларинг ростлигига ишонмасанг, яхшиликка хизмат қилмаса, менга айтишинг ҳам шартмас, ўзингни ҳам, мени ҳам қийнама, – дебди.

Қадим замонда Абдусалом деган ҳалол инсон ўтган экан. Унинг яккаю ягона фарзанди бўлиб, у боласини

жуда яхши кўрар, еру кўкка ишонмас экан. Кунлар, йиллар ўтиб бола паҳлавон йигит бўлибди. Бир куни у отасига маслахат солибди:

– Эй ота! Энди нима касб қилай?

Отаси:

– Эй ўғлим. “Бўйнидан боғланган ит овга ярамас”, деган гап бор. Касбни ўзинг танла ва шунга меҳр қўй.

Шунда ўғли:

– Энг яхши касб ўғрилиқ бўлса керак, – дебди.

Отаси шунда:

– Майли, ўғлим, ўғрилиқ бўлса ўғрилиқ-да. Кўшнимизнинг қўйиши ўғирлаб кўр-чи.

Уғли қўшни хонадондаги битта катта қўчқорни ўғирлаб олиб келибди. Отаси:

– Уғлим, энди иккимиз ўзимизни тежаймиз ва бир ҳафта уйдан чиқмай, қўйни сўйиб, гўшттини мазза қилиб еймиз, – дебди.

Хуллас, бир ҳафта маишат қилишибди. Аммо нимагадир ўғил озиб, ҳолдан тойибди. Ота семириб кетибди. Бу ҳолдан ҳайрон бўлган ўғилга ота кулиб дебди:

– Эй нодон ўғил! Билиб қўй, сен ўғирлаган қўйнинг пулини мен қўшшига бериб қўйганман. Шунинг учун хотиржам семирдим. Кўрдингми, сен доим хавотирда, кўрқувда бўлганинг учун озиб-тўзиб кетдинг. Ўзинга ҳалол касб танла. Шунда икки дунёнинг ҳам обод бўлур. Ҳалоллик – жаннат меваси, ҳаромлик эса дўзах кулфатидир.

Қози одамларга қарзини тўламай юрган бир кишини чой ичиш баҳонасида уйига чақиртириб, қарздорнинг эшик олдига боғлаб қўйган отини соттирибди. Пулини қарз соҳибларига бериб, ҳалиги кишига дебди:

– Пиёда юрмоқ бўйида қарз билан от мингандан шарафлироқдир!

Луқмони ҳаким шундай дейди:

– Эй ўғлим, гузал ахлоқли бўлиб, дунёни охиратингга айирбош қил. Шунда ҳам дунёда, ҳам охиратда ёруғ юзли бўласан. Ёмон ахлоқли бўлиб, охиратингни бу

дунё орзу-ҳаваси деб сотма. Бундай қилсанг, ҳар икки ҳаётишда ҳам зиён кўргучилардан бўлиб қоласан.

Ҳиндистон донишмандларидан бирининг ақлушушли ўғли бор эди. Бир кун донишманд қаттиқ бетоб бўлиб ётиб қолди. Дунёдан ўгишига кўзи етгач, ўғлини ҳузурига чақириб:

– Азиз ўғлим, сенга шафқат ва марҳамат юзасидан бир қанча насихат қиламан. Бу насихатларимни жон қулогинг билан тингла, унга амал қил, шундагина халқ орасида иззат ва обрўга эга бўласан, роҳат ва фароғатда яшайсан. Насихатим шуки, қўлингдан чиққан ёки қўлингга кирмаган нарсалар учун ғамгин бўлма; пасткаш, нокастадан қарз олма, у сени ранжитади; адиб ва шоирлар билан аччиғлашма; шарм-ҳаёсиз бахиллар билан суҳбатдош бўлма; ҳеч вақт бировнинг нонига таъма қилма, ўз меҳнатинг билан топган нонинг билан қаноатлан. Олижаноб, тарбияли, ахлоқли олим-фозиллар билан суҳбатдош бўлсанг, яхши ном чиқарасан. Мақтанчоқ, эзма, ҳасадчи, ифвогар ва чақимчиларга сира яқинлашма...

Бир донишманд шогирдларидан:

– Дунёда инсон учун энг яхши нарса нима? – деб сўради. Шогирдларидан бири: “Комил ақл”, деди. Иккинчиси: “Яхши ўртоқ... яна бири: “Чора-тадбир”, – деб жавоб берди. Донишманд уларнинг фикрларини қабул қилмади. Ниҳоят бир шогирд:

– Инсон учун энг яхши нарса – пок қалб, – деди.

Донишманд бу шогирднинг сўзини маъқуллаб:

– Баракалла, тўғри айтдинг, пок қалб бўлса, аввалги айтилганларнинг ҳаммаси ҳам бўлади, пок қалб инсоннинг энг бебаҳо, хайрли бойлиги, – деди.

Ануширвон айтади:

– Бир ибратли воқеа адолатли бўлишимга сабабчи бўлди. Йигитлик вақтимда овга чиқиб, отимни ҳар томонга чоптирар эдим. Пиёда юрган бир киши тош отиб итнинг оёғини сндирди. У киши бир неча қадам босар-

босмас менинг отим тегиб, унинг икки оёғини синдирди. Кейин отим бир харсанг тошга қокилиб, икки оёғини синдирди. Бу воқеани кўргач, ўз-ўзимга: “Кўрдингми, улар нима қилдилар ва нимага эришдилар? Ҳар ким эканини ўради, дегани шу бўлса керак”, – дедим.

Бир донишманддан шогирдлари:

– Нима қилсак тинч ва роҳатда умр кечирамиз, – деб сўрадилар. Донишманд:

– Ҳеч қаерда ҳеч кимга бирорта сўз айтманг, сукут этинг, – деб жавоб берди. Шогирдлар:

– Ахир доим сукут сақлаб бўлмайди-ку? Бошқача йўл кўрсатинг, – дедилар.

Донишманд шундай маслаҳат берди:

– Сукут эта олмасангиз, қисқа ва маъноли сўзланг, оғзингиздан сира ҳам ножўя сўз чиқмасин. Емон сўз тингловчининг кўнглини хира қилади, бундан ўзингизнинг қалбингизга ҳам ғашлик тушади.

Бир табиб қаттиқ касал бўлиб ётиб қолди. Шогирдлари йиғилиб устозларини даволашга киришдилар. Касал уларга:

– Севимли шогирдларим, мени даволаш учун беҳуда заҳмат чекманг, тузалишдан умид узганман, ўлимим яқин қолганга ўхшайди. Вафотимдан кейин жуда қайғуриб оҳ-воҳ қилманг, чунки ўрнимга учта буюк табиб қолдириб кетаман. Шу зўр уч табибнинг маслаҳатларига ҳаммангиз қулоқ солинг ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилинг, – деди. Шогирдлардан бири:

– Азиз устоз, сиздан кейин ўрнингизда қоладиган учта табиб кимлар? – деб сўради. Устоз жавоб берди:

– Биринчиси – поклик, иккинчиси – парҳез, учинчиси – бадантарбиядир. Доимо пок, озода юриш, палапартиш апил-тапил емасдан, ўз вақтида меъёр билан овқатланиш, ичкиликдан тийилиш, тана аъзоларини ҳаракатсиз қолдирмасдан бадантарбия билан шуғулланиш – булар саломатликни сақловчи энг яхши табиб.

– Кўп гапирадиган, гапни чўзадиганлар билан қандай муомала қилиш керак? – деб сўрадилар Фаробийдан.

– Кўп гапирганни кам тинглаш керак! – деб жавоб берди олим.

Бир куни ўзини олим деб биладиган жохиллардан бири мутафаккир билан баҳслашиб қолибди. Охири баҳсда енгиб чиқа олмаслигига кўзи етиб, саркашлик қила бошлабди:

– Ҳамма нарсадан мантиқ излайвериш тўғри эмас, ҳаётда мантиққа зид нарсалар кўпроқ учрайди, мен сизга айтсам, – дебди у.

– Албатта, баҳсимизда сизнинг гапларингиз меникидан кўпроқ экани бунинг ёрқин исботидир, шу фикрлашингиз билан “олим” бўлиб қолганингиз эса – туриб битган мантиқсизлик, – деб жавоб қайтарибди мутафаккир пинагини бузмай.

Мундарижа

Муқаддима.....	3
Адолат енгади, адоват эмас.....	5
Меҳри борнинг – сеҳри бор.....	9
Кечирмаган – кечирилмаиди.....	14
Сабр – умр хазинаси	17
Яхши бўлсанг, яқин кўп.....	22
Саҳийнинг ишига баҳилнинг тиши қамашар.....	24
Доно ҳикмат келтирар, нодон – кулфат.....	28
Шукур қилдим ош едим, пошикур бўлиб мушт едим.....	40
Меҳнатдан келса бойлик.....	45
Илм – билганга дўст, билмаганга – ёв.....	47
Олим амали билан.....	48
Заковат қоронғу тунда машғал мисоли.....	50
Устоз – отангдек улуғ.....	59
Имоми Аъзам ҳаётидан сабоқлар.....	60
Эл деса Навоийни.....	62
Ота – билак, она – юрак.....	64
Эр ҳиммати билан.....	67
Аёл – ўйнинг зийнати.....	68
Бола – азиз, одоби ўндан азиз.....	74
Ҳар кимки вафо қилса... ..	78
Меҳмон – азиз, мезбон – лазиз.....	82
Бойлик – ўткинчи.....	84
Нафс оқибати – зулм, зулм оқибати – хорлик.....	85
Ёлгончида ор бўлмас.....	90
Билмас табиб жон олар.....	93
Фаросатсиз фалокатга йўлиқар.....	94
Дангасага остона тепа бўлиб кўринар.....	99
Хиёнат хорлик келтирар.....	100
Ҳасадчининг боғи кўкармас.....	101
Ҳаромдан минг танга – ҳалолдан бир танга.....	102
Миннатли ош татимас.....	107
Ҳар бир ишда ҳикмат бор.....	108
Кўнгил дардига дармондур насиҳат.....	114

УЎК 297
КБК 82.3(5Ў)
P48

Ривоятлар бустони / масъул муҳаррир И.С. Усмонов. - Тошкент :
"Nihol" нашриёти, 2014. - 120 б.

ISBN 978-9943-23-080-4

УЎК 297
КБК 82.3(5Ў)
P48

Тузувчилар:

И.С.Усмонов, Д.М.Турдиева, К.А.Шермухамедов,
Ж.Х.Нажмиддинов, Ш.Р.Жўраев, Ж.А.Каримов,
Н.К.Каримова, Н.Х.Насруллаев, Ж.Р.Алиев, А.У.Алимов,
Н.М.Тўйчиева, З.Х.Фахриддинов.

РИВОЯТЛАР БЎСТОНИ

Масъул муҳаррир	И. Усмонов
Муҳаррир	М. Улуғова
Дизайнер ва саҳифаловчи	А. Ладина
Техник муҳаррир	Б. Нурмухамедов

ISBN 978-9943-23-080-4

Нашриёт лицензияси А1 № 219, санаси: 3.08.2012 йил.
Босишга 02.04. 2014 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16.
Офсет қоғози. Офсет босма.
«Palatino Linotype» гарнитураси. Кегль 11.
Шартли босма табағи 8. Босма табағи 7,5.
Адади 2000 нусха. Бужуртма №1.
Бахоси келишилган нарҳда.

«Ofset print» МЧЖ босмахонасида босилди.

Босмахона ва нашриёт манзили:
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,
Махтумқули, 1-уй
Тел.: 228-90-14.



ISBN 978-9943-23-080-4



9 789943 230804